

С
Ю9059

**Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока**

Количество предыдущих выдач ____

| | |
|---|---|
| | |

**Книга ... поз...**

Количе...

2

Уч6. отд. РППО «Союз...
тир. 4.700.00, Г. Г...

*Ҳожиакбар Шайхов*

# ЖОДУГАРНИНГ ЭРИ

***Фантастик қисса ва ҳикоялар***

**Тошкент**
**«Ёзувчи» нашриёти**

Муҳаррир:
Ёқут РАҲИМОВА

...област. библиотека
Инв. 709059
имени Бабура

Ш $\frac{4603010000-38}{М 362(04)-98}$ режага қўшимча—1999 й.

ISBN 5-8255-0551-2

© Ҳожиакбар Шайхов,
«Ёзувчи» нашриёти, 1999 й.

# ЖОДУГАРНИНГ ЭРИ

## Мистик-фантастик қисса

Иттифоқо хизмат юзасидан сафарга борадиган бўлиб қолдим. Вазиримиз чақириб, фалон вилоят ҳокимлигида фалон-фистон ишларни (уларнинг муҳтарам ўқувчимизга заррача қизиғи йўқ) бажариб келишим лозимлигини айтди.

Хизмат мошинамизни бир кун обдон шайлаб-созлаб, эртасига наҳорда йўлга отландик. Ҳайдовчи Шукрулло исмли қирқ ёшлардаги, миқтидан келган, хушрўй йигит бундай сафарларни жуда хуш кўрар, чунки илгари у улкан рефрижератор мошиналарида узоқ йиллар ишлаган бўлиб, собиқ Иттифоқдаги кўп йирик шаҳарларни кезиб чиққан, умуман, ярим умри йўлда ўтган эди. Шунинг учунми, навбатдаги сафар тараддудидан хабар топиши биланоқ кўзлари чақнаб кетар, кафтларини бир-бирига ишқаб: «Эҳ, яна бир ҳангомалашадиган бўлибмиз-да!» — деб қўяр эди. Ҳангома учун эса, унда мавзу тўлиб-тошиб ётар, олис йўлларда кўрган-кечирганларини маҳорат билан ҳикоя қилишга тушиб кетса, соатлаб вақт ўтганини сезмай қоларди, киши.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Тошкент — Самарқанд — Бухоро катта йўлига чиқарканмиз, биздан эллик газ чамаси олдинда шляпали кексароқ бир одам шошилинч йўлни кесиб ўта бошлади.

— Ҳожака, мана шу одамни эслаб қолинг, — деди Шукрулло «шляпа»га имо қилиб. — Ҳализамон сизга қизиқ бир воқеани айтиб бераман.

— Ҳализамонингиз нимаси? — дедим мен яна бир ғаройиб ҳикоя тинглашга руҳан шайланиб. — Йўлда мошиналар анча сийрак, вақтимиз ҳам сероб, ҳикоянгизни бошлайверинг, бизга ким халақит беради?

— Э, Ҳожака, бу фоний дунёда бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ, — ҳайдовчи шундай деди-да, пича сукут

сақлаб, кутилмаганда савол бериб қолди: — Сиз умрингизда ўтакаси ёрилганча хотинидан қочган эркакни кўрганмисиз?

Мен бир сония ўйланиб, сўнг қатъий жавоб бердим:

— Йўқ, кўрмаганман.

— Мен эса кўрганман! — деди Шукрулло тантанавор оҳангда, гўё мени ҳайратга сола олганидан кўнглида бир дунё лаззат туйиб, — Масков йўлида, бундан етти-саккиз йил муқаддам...

— Хўш-хўш? — дедим мен қулоқларимни динг қилиб, орқа ўриндиқда бемалол жойлашиб ўтириб оларканман.

Шукрулло яна бир неча фурсат сукутга толди. Бетон йўлдан мошинани шошилмай елдираркан, ашқолдашқол солинадиган қутисидан сигарет олиб тутатди. Аччиқ тутунни мириқиб икки-уч ичига тортгач, гапида давом этди:

— Мошинамга мева-чева ортиб, Переделкинога кетаётгандим. Янги йил арафаси. Вақт ярим тундан оққан, йўл тим қоронғу, мошина қатнови ҳам қарийб тўхтаган, атрофда яккам-дуккам чироқлар милтиллаб ёнаётган, оврупоча йўсинда қурилган эски қишлоқ уйлари ғирашира кўзга ташланарди. Айни шу палла йўлнинг қоқ ўртасида боягина йўлимизни кесиб ўтган шляпали кимсага ўхшаган митти жомадонли бир одам тўхташимни илтимос қилиб, зўр бериб қўл кўтараётганини кўрдим-у, шиддат билан тормозни босдим. Мошинам зил-замбилдай оғир, тезлик жуда катта, шундай қилмасам, уни босиб кетишим ҳам ҳеч гап эмас эди-да.

Тўхташим билан ҳалиги шляпали кимса букчайганча югуриб дераза қошига келди-да, илтижо қила кетди:

— Жон, ука, мени ола кет, йўқ дема, бу яхшилигинг мендан қайтмаса, Худодан қайтсин, у дунёю бу дунё барака топ, ўғлим, илтимосимни ерда қолдирма!...

Қарасам, туппа-тузук бир мўйсафид, бошига катта бир ташвиш тушганга ўхшайди, ҳаддан зиёд безовта, ҳатто аянчли кўринади. Бунақа йўлларда одатда биз одам олмасдик, чунки тунда ҳар хил жиноятчилар изғиб юришар, бемаҳалда тўхтасанг, қурол ўқталиб, мошинадаги бор молингни тортиб олиши, боз устига, чўнтагингни ҳам шипшийдам қилиши улар учун писта чаққандай бир гап эди. Хуллас, бу оқсоқол унақа шубҳали зотлардан эмаслигини пайқаб:

— Чиқинг, отахон, — дея бошим билан ўнг томоним-

га имо қилдим. (Шеригим кабина ортидаги ётоқчада дам олаётганди).

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, бобой? — сўрадим у жойлашиб олгач, аста газни босарканман.

— Э, ўғлим, — деди муйсафид чуқур хўрсиниб, сўнгра қўрқув ва хавотир тўла нигоҳини менга қадаб, фавқулодда сўз қотди: — Утакаси ёрилиб, хотинидан қочган одамни умрингда кўрганмисан?

— Йўқ, — дедим мен ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Уша зот — мен бўламан! — хитоб қилди оқсоқол дабдурустдан. — Ҳа-ҳа, хотинимдан қочиб кетаяпман. Жин урсин уни!.. Минг лаънат! ..

Унга зимдан савол назари билан тикилаётганимни сезиб, яна бир хўрсинди-да, умидсиз, синиқ овозда гап бошлади:

— Бундан кўп йиллар муқаддам, — у кезларда мен қирчиллама, қадди-басти келишган, азамат йигит эдим, — вилоят фирқа қўмитасида ҳайдовчи бўлиб ишлар, қўмитанинг мафкура бўйича саркотибини олиб юрардим. Хўжайиним Иван Иванич ҳар ҳолда яхши одам, «ГАЗ-24» мошиналари энди чиққан пайтлар, менга ҳам қулинг ўргилсин битта оппоғидан беришган эди. Хўжайин билан кеча-кундуз тиним билмасдан ишлар, эрка хотин-бола-чақаси, танноз ўйнашларининг ҳам хизматини қилиб улгурардим. Кунларнинг бирида туйқусдан идорада тўс-тўполон бошланиб қолди. Масковдан катта бошлиқлар келиб, биринчи котибимизни фирқадан ўчириб, ишдан олишди. Ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани учун, дейишди. (Бунинг нималигини ҳалигача яхши тушунмайман.) Кейин қурултой ўтказилиб, янги раҳбар тайинланди. Илгари бунақа тўс-тўполонлар тез-тез бўлиб тургани учун ҳамма: янги бошлиқ янги муқомда йўрғалаб, яна кимларни ишдан бўшатаркин, деб кутарди. Лекин узоқ кутишга тўғри келмади. Биринчи котиб дастлабки кунданоқ биринчи муовинга ҳужум бошлаб, бир ойдаёқ уни бошқа ишга ўтгани муносабати билан ўз вазифасидан озод қилди. Кўп ўтмай, навбат менинг хўжайинимга ҳам етиб келди. Унга фирқа ёғочсозлик корхонасига бошқон бўлиб ишлаш учун йўлланма берди. Молиявий инқирозга юз тутган корхонани оёққа турғазиш керак эди-да. Кейинчалик эшитишимча, янги жой Иван Иванични бу ердан кетказиш мақсадида атайин, сунъий йўл билан инқирозга юзтубан этилган экан. Чунки Иван Иванич порахўр ва юлғич бўли-

шига қарамай, (ҳар ҳолда порани у бировларнинг ишини битказиб, анча ҳалоллаб оларди), ҳамма масалада ўз фикрига эга, тўғрисўз ва шарттаки одам эди. Бундайлар эса, у кезларда катта раҳбарларга ёқмаслиги аён эди.

Хуллас, Иван Иванич билан хайрлашдим-у, мен учун тамомила янгича ҳаёт бошланди. Хўжайинимнинг ўрнига марказдан Айра Габдуллина исми соҳибжамол аёлни қўйишди. Янги котиба шунақанги гўзал нарса эдики, сутга чайилгандек оппоқ юзлари ниҳоятда ҳушбичим, қора қошлари қалдирғоч қанотларидек бир текис, елкалари оша тўзғиб ётувчи оловранг сочлари тилладек товланарди. Фақат катта-катта мовий кўзларигина кишига тешиб юборгудек совуқ боқарди.

Илк ишга келган куниёқ у мени хонасига таклиф этиб, рўпарасига ўтиришимни буюрди. Сўнгра ҳеч қандай андиша ва истиҳолага ўрин қолдирмайдиган оҳангда ҳаёсизлик билан гап бошлади:

— Гап бундай, ўртоқ: мен бу ерга марказдан жуда катта ваколатлар билан келганман. Икки марта гапиришни ёқтирмайман. Айтган гапим ҳамма ходимлар, айниқса, сен учун қонун бўлиши керак. Ҳайдовчи — ҳар қандай раҳбар, айниқса, мендай олий раҳбарнинг ўнг қўли ҳисобланади. Шу боис ҳар бир қадамингни ўлчаб босишга тўғри келади, қиттак измимдан чиқсанг ҳам, аяб ўтирмайман, пўстингга сомон тиқаман. Тушунарлими?

Бу кутилмаган гапдан лол қолиб, зўрға оғзимни очдим:

— Тушунарли...

Шукрулла бетон йўл чеккасидаги икки қаватли мўъжаз миршабхона биносига яқинлашаркан, жим қолиб, тезликни камайтирди. Сирдарёдан ўтган улкан кўприкка етиб келгандик. Бино яқинида беш-олти юк ва енгил мошиналар турар, уларнинг ҳайдовчилари икки миршабни ўраб олиб, алланималарни зўр бериб уқдиришга уринишарди. Йўқ жойдан камчилик топган миршаблар эса, «осмон қўлларингда бўлса, ташлаб юборинглар», — дегандай ғўдайиб, бир нималик бўлиб қолиш илинжидами, сурбетлик билан ишни пайсалга солишарди.

Уларнинг ёнидан шошилмай ўтиб олганимиздан сўнг Шукруллога яна жон кирди.

Хуллас, Роберт Назарович (шляпали мўйсафиднинг исми-шарифи шунақа экан) вилоят фирқа қўмитасининг янги котибаси билан қандай иш бошлаганини батафсил ҳикоя қиларкан, уйқусизликдан эснаганимни кўриб, буни зерикканимга йўйиди чоғи, воқеалар тизимини ҳатлаб ўтиб, гапни қисқа қилди:

— Охир-оқибат иш шунга бориб етдики, мен ўша жодугарга уйланишга мажбур бўлдим.

Мен унга ҳайрон бўлиб тикилдим.

— Қанақасига?.. Жодугар деганингиз нимаси? — сўрадим чинданам ҳеч нарсага тушунмай.

— Ҳа, азизим, янги котибамизнинг асил маънода жодугарлигини англаб етишим учун у билан узоқ йиллар бирга яшашим зарур бўлди.

Азбаройи қизиқиб кетганимдан кўзларимда ўт чақнаганини кўрган мўйсафид жонланиб, ҳикоясини давом эттирди:

— Айра Габдуллина қўл остида ишлайдиганларга ҳаммавақт заҳрини сочар, уларнинг дилини оғритиш ва ранжитишдан чинакам лаззат топар эди. У тадбиркор, ишбилармон, омади чопган одамларни жини севмас, айниқса, тақводор, художўй кишиларни кўргани кўзи йўқ эди.

Мен илгари буларни котибамизнинг фирқа мафкурасига чексиз садоқати, фирқа ишига фидойиларча муносабатига йўяр эдим. Лекин кейинроқ билсам...

— У сизни қандай қилиб... ўзига уйланишга мажбур қилди? — сўрадим мен сабрим чидамай, гапини бўлиб.

— Мен икки ой мобайнида худди аскардай унинг хизматини қилдим. Янги мошинадан ажралиб қолмай, деган ниятда унга ёқишга, дилига йўл топишга интилардим. (Ўша даврларда шўролар мамлакатида ишсизлар йўқ, деб гапирилари-ю, лекин аслида тузукроқ иш топиш қийин эди.)

Кунларнинг бирида олис туманда иш билан анча кеч қолиб кетдик. Сўнгра янги котиба ташрифи шарафига энг зўр ресторанда базм уюштирилди. Хуллас, юкхонамни турфа-туман ичимлик ва мева-чеваларга тўлдириб, ярим кечаси уйга отландик. Айра хоним ширакайф, орқа ўриндиқда оппоқ сонларини кўз-кўз қилаётгандай чалиштириб, ястаниб ўтираркан, бирдан менга:

— Мусиқангни қўй! — деб буюрди. Овозида алла-

қандай ёқимсиз шира, совуқ бир жозиба бордай туюлди менга.

Радионинг қулоғини бурагандим, Валентина Толкунованинг майин қўшиғи янгради. Айра шу заҳоти:

—Ўчир! — дея ўшқирди. — Шўхроғидан йўқми? Элвис Пресли ёки ўзимизнинг Богдан Титомирдан...

«Об-бо, шайтонча қўшиқларга ишқибоз экан-да», — хаёлимдан ўтказдим «рок»ни ўлгудай ёқтирмаганим боис, ўлганимнинг кунидан ашқол-дашқол солинадиган қутини титкиларканман. Ҳайрият, ҳамкасбларимдан бири солиб қўйган шекилли, бир кассета чиқди. Уни магнитафонга қўйишим билан бамисоли тўфон ёки бўронда қолиб кетган эркак кишининг ҳирқироқ овозда кучаниб айтган қўшиғи янгради.

— Товушини кўтар! — бақирди Айра хоним ўтирган жойида алламбало хатти-ҳаракатлар қилиб, рақс туша бошларкан.

Хуллас, у яқиндагина кўчган янги уйига етиб келганимизда, (одамлар уй олишга йиллаб навбатда турган бир пайтда, унинг бир ўзига беш хонали уй беришганди), шайтонча мусиқадан миям карахт, қулоқларим том битган эди. Боз устига, орқа ўриндиқда ялпайиб ўтирган аёл томонга негадир қарашга ҳам юрагим безиллаб қолганди. Шу боис ҳам мошина юкхонасини очиб, ундаги шиша-пиша ва мева-чеваларни тез-тез уйга ташиб киргиздим. Сўнгра янги хўжайиним билан энди хайрлашмоқчи бўлаётгандим, унга нигоҳим тушди-ю, тақҳа тўхтаб қолдим. Унинг кўзларида айни бир вақтда ҳийла, макр, жоду ва аллақандай шум бир севги тажассумини туйиб, тилим айланмай қолди. Ажабо, шу пайт кўз олдимда тухумсимон катта кўзгу пайдо бўлди ва унда кетма-кет ғалати ёзувлар акс эта бошлади: «Уйимда қол, истасанг — шампан ичамиз, истасанг — қаҳва...» Ё тавба, афтидан, шу йўл билан Айра хонимнинг миясида кечаётган фикрларни ўқий бошлагандим.

— Кетмай тур, мен ҳозир... — деди янги котибамиз нозли, эрка товушда шошилмай бурилиб, ичкарига йўл оларкан. Аёлнинг юриш-туриши, товушининг ўзидаёқ сеҳрловчи алланима бордай эди. Лаҳза ўтмай, янги хўжайиним қайтиб чиқди. Энди дилга ғавғо солувчи бўлиқ бадани яққол кўриниб турган узун шаффоф ичкўйлак кийган, қўлида биллур қадаҳ бор эди. Яна тухумсимон кўзгуда ёзув кўринди: «Ич, азизим...» Негадир томоғим

қақраб турган эди, шартта қадаҳни олиб охиригача симирдим. (Кейинчалик билсам — бу иссиқ-совуқ қилиб дамланган шароб экан).

Шу пайт... шу пайт Айра хоним кўз олдимда худди осмондан тушган фариштадай ой юзли, шунақанги гўзал аёлга айландики, уни бамисоли Мажнундек бечораҳол ва нотавонларча севиб қолганимни англадим. Ҳозир рўпарамда турган гўзалнинг бошдан-оёғи жаҳонни ўртаб, оламга бир бошдан ўт солгудай офатижон бўлиб туюларди. Унинг яшиндай чақноқ нигоҳи юрагимга устма-уст ўт қалар, ғулғула солар эди.

Ўша куни бошимдан кечирган ишқий саргузаштларим таъриф-тавсифига тилим ожизлик қилади. Азбаройи ишқим зўрлиги ва чексиз бахтдан сармаст бўлиб, қандай унинг ётоқхонасига кириб кетганимни сезмай қолдим. Онадан қандай туғилган бўлсак, шундайлигимизча бир-биримизга арслондек ташландик. Айра мени эзиб-янчиб, тилка-пора қилиб ташлагиси келар, мен эса бундан ҳадсиз бахтиёрлик туярдим. Аёл жами ишқий дилкашликларни тескарисига, «оёғини осмондан» қилиб адо этар, унинг бу ғаройиб хатти-ҳаракатлари менга ҳам бир дунё завқ-шавқ бағишлар эди.

Хуллас, ўша тунни тонггача у билан айш-ишратда ўтказдим. Бундай қараганда, менинг, оддий бир ҳайдовчининг бошига бахт қуши қўнгандай, унча-мунча одамнинг қўли етмайдиган, кимсан, улкан вилоят фирқа қўмитаси дарғаларидан бири бўлмиш соҳибжамол аёлнинг муҳаббатини қозонган, висолига эришгандим. Етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган яна қанақанги висол!.. Лекин бу муҳаббат менга нечоғли қимматга тушишини, унинг ҳали бошимга нечоғли даҳшатли фожеалар солишини ўшанда тасаввуримга ҳам сиғдиролмасдим.

Тонгга яқин ҳориб-чарчаб ухлаб қолибман чоғи, бир маҳал тепамда юлдузли осмон, унинг қоқ ўртасида тўлин ой кўринди. Нохос кўкни яшиндай кесиб, думли юлдуз учиб ўтди. Негадир марҳума онамнинг юз қиёфасига ўхшаб кетган ой менга ачиниб йиғлаётгандай, юзларидан дув-дув ёш тўкаётгандай туюлди. Кутилмаганда думли юлдуз яна пайдо бўлиб, мен томонга қараб шиддат билан пастлай бошлади. Унинг «юз» қиёфаси ҳам ғам-андуҳли кўринар, айни вақтда аллақандай имо-ишоралар билан менга бир нималарни уқтирмоқчи бўларди. Мана, ниҳоят, у шундоқ рўпарамга етиб

вақтроқ ишдан келиб қолсам, улар негадир саросимага тушиб қолишар, хотинимга очиқдан-очиқ заҳарларини сочишар эди.

Кунларнинг бирида хотиним ҳаддан зиёд синиққан, руҳи чўккан ҳолда қайтиб келди. Кела солиб музхонадан ароқ олиб, истаконга тўлдириб қуйди-да, шартта ичиб юборди. Сўнгги пайтларда унинг ишлари чаппасига кета бошлаганидан унча-мунча хабарим бор эди. Турфа-туман халқ фронтлари, фирқалар ва ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек кўпайиб кетган сохта «демократлар» бир ёқадан бош чиқариб, ҳайратланарли якдиллик билан комфирқага ҳужум бошлашган, уларнинг бўйнига минг бир айбни қўйиб, давлат тўнтаришига киришишган эди.

Айра шу даражада асабий эдики, кутилмаганда бармоқларидан кўм-кўк учқунлар сачради, танасига йиғилиб қолган каҳрабо заррачаларини ерга ўтказиб юбориш учун шоша-пиша иссиқлик қувурларига ёпишди. Маълум бўлишича, охир-оқибат «демократ»ларнинг қўли баланд келиб, комфирқа раҳбарларини ишхоналаридан қувиб солишибди. Фирқа раҳбари бўлган хотинимнинг бошқа касби йўқ эмасми, шу-шу уйдан чиқмай қўйди. Кеча-кундуз тиним билмай «ишлаш»га ўрганганиданми, энди у ўзини қўярга жой тополмай қолди. Шу боис ҳам арзимаган нарса учун жанжал чиқариб, бутун аламини мендан олар эди.

Унинг чинакам жодугарлиги айни шу кунларда намоён бўла бошлади. Масалан, у очарвоҳ (вампир)га айланиб, устамонлик ва ҳушвақтлик билан менинг руҳий қувватимни сўриб оладиган одат чиқарди. Айни вақтда Айра менинг тақдиримга ҳам ўз таъсирини ўтказар, аниқроқ айтганда, омадимни ўғирлашга қарор қилгандай эди. Чунки ўша кезларда менинг ишларим ҳам чаппасидан кетаётган, мен раҳбарлик қилаётган автобаза захира қисмлар ва ёнилғи учун қарзга ботиб, иқтисодий таназзулга юз бурганди. Боз устига, у шунақанги ёлғончи эдики, кўзимга бақрайиб туриб, «оқни — қора», «қорани — оқ», дейиши чўт эмас эди.

Унинг энг оддий жодугарлик хислатларидан бири, менинг рўмолчам ёрдамида уйда йўқолган нарсаларни излаб топиш эди. Мен болалигимдан бедаво паришонхотирлик касалига мубтало эдим ва ҳаммавақт майда-чуйда нарсаларимни йўқотиб юрардим. Энди эса, менинг авторучкам, ҳамёним, тароқ, қалам ва ҳоказо лаш-

лушларим кўз очиб-юмгунча топилар; бунинг учун хотиним даструмолимни чап тўпиғига боғлаганча, ўзимни қўлтиғимдан олиб, атрофга қулоқ солаётгандай бир зум тек қотар, сўнгра кутилмаганда уйнинг ҳафталаб супурги ёки латта тегмаган ифлос бурчагига ўзини отиб, тантанавор қиёфада йўқолган нарсамни топиб берарди.

Булар бари майда-чуйда ишлар эди, албатта. Янада ғаройиброқлари ҳали олдинда экан.

Бир куни ошхонада тимирскиланиб юрган Айра қўполлик қилиб, устолдаги суюкли бувисидан эсдалик бўлиб қолган чиройли хитой косачасини пастга тушириб юборди, лекин у жон ҳолатда нигоҳини қадаши билан косача ҳавода бир зум муаллақ қотди-да, сўнгра худди сувга чўкаётгандай вазмин чайқалганча, оҳиста ерга «қўнди».

— Биласанми, — дея изоҳ берди хотиним бу ғалати ҳодисага, — мен косача синмаслигини шунақанги хоҳладимки, бутун вужудим ана шу истакка айлангандай бўлди...

Бу пайтда ғалла ўрими мавсуми бошланган бўлиб, мени бир гуруҳ ҳайдовчиларга раҳбар сифатида шаҳар яқинидаги жамоа хўжалигига жўнатишди. Хўжалик раиси мени ёлғиз бир онахоннинг кенг ва озода ёғоч уйига жойлаштирди. Кечқурун чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирарканмиз, аёл: «Ҳаммаси жойида-ку, кимдир қорамолимни иссиқ-совуқ қилганга ўхшайди, сигирим ҳеч нарса емай, жуда озиб кетди, сут бермай қўйди», — дея зорлана кетди. Мен унга раҳмдиллик кўрсатиб бош ирғар эканман, бирдан кўз олдимда хотиним намоён бўлди-да, алланималар дея имлаётгандай туюлди. Кейин онахонга ўз-ўзимдан:

—Эҳтимол, сизга хотинимнинг ёрдами тегар, у баъзи бир афсунлар ва гиёҳларни билади, — дея сўз қотарканман, гапларимнинг маъносини ўзим ҳам англаб етмагандай эдим. Уй бекаси хурсанд бўлиб кетди ва раиснинг олдига бориб, келгуси якшанбада шаҳарга тушиб чиқишим учун мошина ундириб келди.

Душанба куни кечқурун эса, хотиним сочларини оқ дурра билан танғиганча, қишлоқ йўли бўйлаб мен билан ёнма-ён бораркан, йўл ёқасини диққат билан кузатарди. «Сен ҳаммасига қарайверишинг мумкин, лекин асло гапира кўрма!» — дея огоҳлантирди у мени. Айра ботбот тўхтаб, ой нурида ғира-шира жилоланаётган қандайдир ўт-ўлан пояларини узиб олар эди. Шу тариқа

кўп ўтмай, унинг қўлида турфа-туман ўт-ўландан иборат гулдаста пайдо бўлди ва хотиним пировардида уйга қайтгач, уни супурги ёки бўёқ чўткасига ўхшаб боғлади. Сўнгра тоғорага қудуқ сувидан солиб, унинг устига энгашди-да, паст овозда алланималар деб пичирлай бошлади, овози шу даражада паст эдики, мен қанча қизиқмай, бари бир эшитолмадим. Бир маҳал у қаддини ростлади, менга тоғорани олиб, орқасидан юришимни имо қилди-да, ёғоч уй ичкарисидаги катта хонага йўл олди. Бу ерда шипга осилган катта қаҳрабо чироқ уйнинг бурчакларигача нурафшон қилиб турарди. Хотиним қўлидаги «супургини» тосдаги сувга ботирди-да, сўнгра уни бир силкитиб, афсун ўқилган сувни уйнинг чап бурчагига қараб сачратди. Шу заҳоти қулоқни қоматга келтирувчи чийиллаган овоз эшитилди, бамисоли ўнлаб сичқонлар девор бўйлаб юқорига ўрлаб кетгандай тапир-тупирдан сесканиб тушдим.

Мен энди хотинимга даҳшат ичра тикилардим: у лабларини маҳкам қимтиганча, гиёҳлар боғламини тоғорадаги сувга ботириб олиб, тўрт томонга силкитар ва ҳар сафар шовқин-сурон кўтарилар, ғалати тапир-тупир овозлар энди ҳаммаёқни тутиб кетганди. Мен кўзга кўринмас мавжудотларнинг эгри-бугри йўналишда пастдан юқорига — шипга ва у орқали томга югураётганларини пайқадим. Тахминан, яна бир дақиқадан сўнг бутун тарақ-туруқ тепамизга, бутунлай томга кўчиб ўтди. Биз ҳовлига отландик. Энди, афтидан, томда доира ясаб айланаётган сичқонларнинг тапир-тупир овозлари азбаройи кучайиб кетганидан ёғоч уй томи қисирлаб силкинар ва ўнлаб, юзлаб сичқонлар тутун чиқадиган қувур орқали қоронғи осмон қўйнига интилишаётгандай эди. Шовқин-сурон тобора кучайиб, кўп ўтмай авж пардада чийиллаганча, осмон қаърига отилди...

Ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак, шундан сўнг қишлоқлик энахонимизнинг муаммолари ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлди; эртасигаёқ сигирининг «иштаҳаси» очилиб, озуқа ейишга тушди, сўнгра сут ҳам бера бошлади. Қишлоқ хўжалиги ишларини тугатиб, уйга қайтиш фурсати етиб келганда аёл каминани ўтқизгани жой тополмай, бир қоп картошка билан сийлади, истаган куним азиз меҳмон бўлиб келаверишим мумкинлигини айтди.

— Аслида нима воқеа бўлган экан ўзи, Роберт Назарович? — сўрадим мен сабрим чидамай унинг гапини бўлиб.

— Бу воқеа менга ҳозир ҳам худди ўша вақтдагидай буткул қоронғу. Айра бу хусусда лом-мим демас, савол бериш бизда ножоиз иш саналарди. Қачондир у менга: «Тилга кўчган билим кучини йўқотади», — деганди. Ана шу, холос...

— Бунинг қандайдир изоҳи бўлиши керак-ку, ахир? — сўрадим мен яна ўжарлик билан.

— Кейинчалик илми ғайб ёки афсунгарлик билан боғлиқ адабиётларни мутолаа қилиб шуни аниқладимки, жодугарлар уч тоифада бўларкан: оқ, қора ва кулранг. Биринчи тоифадагиларнинг қўлидан фақат эзгу ишлар келаркан, иккинчилари — ёвузлик ва учинчилари — униси билан ҳам, буниси билан ҳам шуғулланаверишаркан.

Жодугарлик, афсун масаласида ўрта асрларнинг энг билимдон иблисшунослиги сўнгги тоифадаги жодугарлар кенг тарқалганлигини эътироф этади. Хусусан, ҳосилсизлик, турли касалликлар пайдо бўлиши, қурғоқчилик, фолбинлик, инсонга қарши иссиқ-совуқ қилишларни одатда уларга тўнкашган. Жодугарлар ёвуз ғайб кучлари ёрдамида иш юритишади ва улар билан хуфия мулоқотда бўлишади, деб тахмин қилишган. Уларнинг таъқиб-тазйиқида бўлишаркан, жодугарлар айни вақтда ўша ёвуз кучларга ҳам таъсир кўрсата олишган, улардаги ғайри табиий қобилиятлар мана шу билан изоҳланади. Буюмлар, ҳайвон ва ўсимликларнинг сирли хусусиятларини билиш ва улардан моҳирона фойдаланиш ҳам жодугарларга хос хислатдир.

Роберт Назарович мошина чироқлари ёнаётган асфальт йўлга ўйчан тикиларкан, яна сукутга ботди. Мен улардаги ғайритабиий қобилиятлар мана шу билан нан туярканман, миямда саволлар ғужғон ўйнарди.

— Кечирасиз, Роберт Назарович, — дедим мен сукутни бузиб, — тушунишимча хотинингиз жодугарларнинг эзгу тоифасидан шекилли?

— Йўқ, дастлаб мен ҳам шундай деб ўйлаб, янглишган эканман. Пировардида унинг кулранг жодугарлар тоифасига мансублигини англадим. Чунки у одамларга яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам бирдай раво кўраверарди. Лекин... лекин кунларнинг бирида биз турадиган уйнинг (биз шаҳар марказидаги номенклатура учун қурилган ҳашаматли кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида яшардик) шундоқ биқинидаги кўчадан намо-

йишчилар ўтиб қолишди-ю, шу кундан бошлаб хотинимнинг хулқ-атвори кескин ўзгара бошлади.

Намойишчилар пастда комфирқага қарши турли шиорлар ёзилган матоларни кўтарганча, бақир-чақир қилиб ўтишаётганди. Безовта оломон ичидан: «Горбачев йўқолсин!», «СССРни парчалаган комфирқага минг лаънат!», «Номенклатурадаги маҳкамачи тўралар иши судга оширилсин!» — деган бўғиқ ҳайқириқлар янграрди.

Қутургудек ғазабга кирган Айра хонада асабийлик билан уёқдан-бу ёққа одимларкан:

— Лаънати демократлар! Кўрасизлар ҳали, ҳолингизга маймунлар йиғламаса, отимни бошқа қўяман, бошингизга ит кунини соламан! — дерди тишлари орасидан илондай вишиллаб. Кейин куракда турмайдиган сўзлар билан болахонадор қилиб сўкинди. Шу топда у чинданам ўзини ўлжасига отмоқчи бўлаётган кўзойнакли илонга ўхшаб кетганди.

Шундай деди-да, у бирдан жадал ичкарига отланди, лаҳза ўтмай, бир челак сув ва турли гиёҳлардан иборат «супурги»сини кўтариб чиқди. Сўнгра қаҳр-ғазаб ўтида ёнаркан, челакдаги сув устига энгашди-да, алланималар дея пичирлаб, афсун ўқишга киришди. Кейин «супургиси»ни челакдаги сувга ботириб, дераза орқали пастга, намойишчилар устига силкитишга тушди. Бу ишни бир неча бор такрорлагач, ажабо, оломон худди аридек тўзиб кета бошлади. Бақир-чақир овозлари янада кучайиб, баъзи бировлар чеккада саф бўлиб турган миршабларга дағдаға билан ўзларини отишди. Лаҳза ўтмай шунақанги тўс-тўпалон қўпдики, оломон ва миршаблар жиққамушт бўлиб, ўнлаб одамлар оёқ остида қолиб кетишди. Намойишчилар тўдаси тўфон кўтарилган уммондай жавлон уриб тўлқинланар, ер-кўкни остин-устун қилишга шайлангандек жазавага тушди.

Шайтонлаб қолган боладай оғзидан кўпик чиқиб кетган Айра кўзларини ғазабнок чақнатиб, заҳархандалик билан қаҳ-қаҳ уриб куларкан, терлаб-пишганча, «супурги»сини челакка ботириб, оломон устига узлуксиз силкитишда давом этарди.

Мен аксарият ҳолларда ўзимни тийиб туришга одатланган эмасманми, лекин бу сафар ундай қилолмадим.

— Ўзингни бос, жоним, бас қил! — дея хотинимга ёпишиб, қўлидаги супургисини тортиб олдим-да, пастга улоқтирдим.

Хотиним каминага шунақанги нафрат билан тикилдики, сочларим, баданимдаги тукларимгача тикка бўлиб, бутун вужудимни совуқ бир тўлқин қамраб олгандай бўлди. Айранинг оҳуникидай катта-катта кўзларидан бамисоли қаҳрабо учқунлари сачраб, бутун борлиғимни ўраб-чирмар экан, мен худди ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган манқурт одамдай туйқусдан юввош тортиб қолдим. Айни дамда у менинг ички куч-қувватимни очарвоҳ янглиғ сўриб олаётгандай оёқ-қўлларимда чексиз бир чарчоқ ва мадорсизлик туйдим. Шу заҳоти кўз олдим қоронғилашиб, рўпарамдаги хотиним чирпирак бўлиб айлана бошлади, оёқларим чалишиб, ҳушимдан айрилганим элас-элас ёдимда...

...Зимистон осмон қўйнида тилла ипдай латиф нур бўйлаб Коинот қўйнида учиб кетаяпман. Олисда қуёшга ўхшаган дум-думалоқ ёрқин нурни илғагандай бўламан. У гоҳ пайдо бўлади ва гоҳ кўздан йўқолади. Ён тарафимда ой сузиб юрганини пайқайман. Унинг юзи энди негадир хира тортган. У бамисоли кўзларидан юм-юм ёш оқизиб йиғлаётган мунис аёлни эслатади. Тавба, ахир, бу онамнинг юз қиёфаси-ку?! У нега йиғлаяпти? Қўққисдан ойнинг ёнгинасида думли юлдуз пайдо бўлиб, зумда атрофимда гирдикапалак бўлиб айлана бошлайди. Унинг хатти-ҳаракатлари ҳам ғайриоддий, гоҳ жойида тўхтаб, менга маъюс тикилаётгандай бўлади, гоҳ ойнинг атрофида чарх уради. Ёпирай, ахир, думли юлдузнинг «юзи» отамнинг ўзгинаси-ку! Чамаси, у менга нимадир демоқчи бўляпти. Лекин нима?..

«Отам» тим қоронғу кўкда худди мультфильмдагидай нурдан алланима «чизиш»га киришади. Мана, дастлаб у думи билан тўртбурчак шаклини ясайди, кейин унинг ҳошияларини нақшин жилолар билан безайди. Сўнгра ўртасига қўҳна лотин имлосида «Инжил» деб ёзади. Тайёр бўлган муқаддас китобни имо-ишоралар ила менга узатади.

Мен тилла ипдай латиф нур бўйлаб гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан ғойиб бўлаётган қуёшдай ёруғлик сари интиларканман, бу ғалати манзарага ҳайрат ва таажжуб ила тикиламан.

Думли юлдуз кўк пештоқига энди ўзгача сувратлар чизишга киришади. Бир ондаёқ кўз олдимда қизил тожли дакангхўроз, сўнгра товуқ пайдо бўлади. «Отам» уларнинг атрофида парвонадек айланаркан, ноҳос унинг думида кумуш сопли узун ханжар кўринади. Думли



...ндонск. областн. б...иотека
Инв. № 709 053

юлдуз ханжар сопини думи билан ўраганча, аввал хўрозга яқинлашади, дафъатан унинг калласини сапчадай узиб ташлайди. Сўнгра товуққа навбат келиб, у ҳам бошидан жудо бўлади. Танасиз қолган каллалар бамисоли севинч билан жилмайганча, мен интилаётган чароғон нуқта сари учиб кетишади.

Мен ҳам латиф нур бўйлаб ҳамон ўша нуқта сари интиламан. Лекин аксига олиб, худди тошбақадай имиллайман. Яраланган бургутдай аранг қанот (ҳа-ҳа, икки курагим остида қанот пайдо бўлган ва шундай бўлиши табиийдек, мен бундан сира ажабланмайман) қоқаман. Йўқ, мен энди буткул тўхтаб, осмону фалакда муаллақ қотаман. Ойнинг юзига негадир қонталаш рангдаги булутлар парда тортади. Парда ортига аста ўтаркан, ойнинг кўзларидан энди ёш эмас, қон томчилари сизиб чиқаётгандай туюлади. «Отам» — думли юлдуз ҳам туйқусдан камон ўқидай фалакнинг олис бурчига отилиб, тим қоронғулик оғушига зумда сингиб кетади.

Энди истиқболимдаги порлоқ нуқта гардишга айланиб, бирдан чароғонлашиб кетгандай бўлади, беихтиёр кўзларим қамашиб, киприкларимни пирпиратаман. Ё Раб, мен осилиб бораётган латиф нур энди негадир жуда хира тортган, у ҳозир узилиб кетадигандай, мен эса, тубсиз жарга қулайдигандай эдим. Мана, ниҳоят, нур қоқ ўртасидан узилиб тушди, мен эса рўпарамдаги ёрқин қуёшга тикилганча, даҳшат ичида тубсиз жар сари учиб кетдим...

...Жон аччиғида ҳансираб кўзларимни очганимда, хонанинг қоқ ўртасида чалқанчасига йиқилиб ётардим, юқорида нақ бурним устида эса, биллур қандилдаги юз шамли чироқ чарақлаб ёниб турганини кўрдим-у, елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортдим.

Сўнгра хаёлимни жамлашга уриниб, бўлиб ўтган тўс-тўполон воқеаларни бирин-кетин хотирамда тиклай бошладим. Кўчамиздан ўтган намойишчилар... Деразадан бош чиқариб, уларнинг бошлари узра «супурги» силкитаётган Айра... Одамлар ва миршаблар ўртасидаги жиққа-мушт тўқнашувлар... Жунбушга келиб, бир-бирларини босиб-янчиб бораётган оломон... Хотинимнинг ғазабнок нигоҳи ва ундан отилаётган совуқ учқунлар...

Демак, мен ҳушимдан айрилибман-да? Демак, туш кўрибман. Туш бўлгандаям, яна қанақаси денг! Қанча ҳушсиз ётдим экан? Бир соатми ё бир кеча-кундузми?...

Атрофга алангладим. Хотиним уйда йўқ эди. Кўнглим ғаш, хонада бамисоли аллақандай мавҳум бир ваҳм ва саросимали қўрқув ҳукм сураётгандай. Йўқ, бугина эмас, унда қандайдир ёвуз бир шарпа кезиб юргандай эди. Уйда Айра йўқ, лекин айни дамда ўзимдан бўлак яна кимдир борлигини ботиний бир туйғу билан аниқ ҳис қилаётгандим. Мана, кутилмаганда, тепамда қандил чирсиллаган товуш чиқариб, аста тебрана бошлади. Шу заҳоти жавондаги идиш-товоқлар шақир-шуқир қилиб, худди жон битгандай турган жойларида силкина бошлашди. Кийим-кечак жавони эшиги ҳам ўз-ўзидан очилиб-ёпилди.

Бу манзарани кузатиб ётарканман, азбаройи қўрқиб кетганимдан сувга бўккан мушукдай жунжикиб, рангим мурдадай оқариб кетган эди.

Обдон ҳолдан тойган эканман, амаллаб ўрнимдан турдим. Айни шу дам визиллаган товуш эшитилди: идиш-товоқ жавонидан учиб чиққан митти ликопча шундоқ бурним устидан учиб ўтиб, деворга зарб билан урилди-да, чил-парчин бўлиб синди. Титраб-қақшаганимча, гандираклаб, эшик сари юрдим. Эшикни итариб бир қадам қўйганимни биламан, эшик табақаси куч билан башарамга урилди. Яна гумбурлаб, чалқанчасига ағдарилдим. Пешонам ғурра бўлган, тағин ҳушимдан айрилаёзгандим. Э, Худо, нима бўлаяпти ўзи? Ё зилзила бошландимикин?.. Лекин зилзила бўлса, бутун уй, дарпардалар, совутгичу бошқа ҳамма нарса зир титраши керак-ку?

Амал-тақал қилиб, тағин ўрнимдан турдим. Томоғим қақраб кетган эди, сув-пув ичгани ошхонага судралдим. Ошхона эшигини эҳтиёткорона очдим-у, таажжуб ва қўрқувдан тахтадай қотиб қолдим. Кўз олдимда учта қора мушук деразадан кетма-кет отилиб киришдида, худди одамлардай ошхонадаги курсиларга ўтириб олишди. Шу чоқ хонада ўз-ўзидан чироқ ўчиб қолди. Лекин кўзларим қоронғуликка тезда кўникиб, уларни аниқ-тиниқ кўриб турибман. Улар кўзларини чақнатиб, менга совуқ тикилишади, мен эса—уларга! Нима қилишимни билмай: «Пишт-е, пишт!» — дея ҳайдадим. Улар курсилардан бирин-кетин сакраб тушишди-ю... кейин қаёққа ғойиб бўлишганини англолмай қолдим. Қорамтир шарпаларга айланиб, қўшни хонага ўтишди чоғи, изларидан юрдим. Ўрта хона эшигини очсам, не кўз билан кўрайки, нигоҳи бежо, чўққисоқол бир кўк эчки

уй тўрида худди одамлардек чўккалаганча, олд оёқлари билан китоб варақлаб ўтирарди. Негадир унинг думи юқорига диккайган эди. Эсхонам чиқиб, худди безгак тутаётгандай баданимга титроқ югурди, совуқда қолган одамдай тишларим тақиллай бошлади. Шу пайт кўк эчки бешбаттар эсимни оғдириб, менга маъноли тикиларкан, шумлик билан манқаланиб сўз қотди:

— Қўрқма, ошна, биз сенга хушхабар олиб келдик...

Тилим зўрға калимага келиб:

— Қ-қанақа... хушхабар? — деб сўрадим.

— Сени яқинда олиб кетишади.

— Қ... қаёққа? — сўрадим яна жон-поним чиқиб.

— Қаёққа бўларди,— бамайлихотир жавоб берди эчки китоб варақлашда давом этаркан. — Жаннатга-да. Сен яхши одамсан-ку, ахир!..

Ўша пайтларда ҳар ҳолда соғлигим жойида, ҳалиг вери дорилбақога жўнаш ниятим йўқ эди. Шу боис ҳам ўзимни пича қўлга олиб, кескин жавоб бердим:

— Мен ҳеч қаёққа бормайман!..

— Ҳамма шунақа дейди, — деди эчки энсаси қотиб.

— Лекин бормай иложинг қанча. Вақти-соати етган одамларни биз Ерда узоқ қолдиролмаймиз. Ҳаққимиз йўқ бунга.

— Ахир, мен ўлишни истамайман, боз устига, фоний дунёда ишларим кўп ҳали!.. — дедим мен куюниб.

Кўк эчки негадир диккайган думини ликиллатиб, пича ўйга толди-да, бирдан кўзларимга тик қаради.

— Агар бир шартимизни бажарсанг, маълум муддатга сени қолдиришимиз мумкин.

— Қандай шарт? — сўрадим мен ҳушёр тортиб. — Шайтон билан битим тузишим керак эмасми ишқилиб?

— Ҳозирча йўқ, — деди эчки қатъий оҳангда. — Билъакс, зарурат туғилса, шундай қилишга ҳам тўғри келар. Лекин... шартимиз шуки, Айра хонимга ҳеч қачон қарши бормайсан, ҳар қандай шароитда уни қўллаб-қувватлайсан. Салгина унинг измидан чиқсанг ҳам, биз сени аяб ўтирмаймиз, пўстингни шиламиз!...

Мен азбаройи ҳайратга тушганимдан оғзим очилиб, яна ҳайкалдай қотиб қолдим.

— Бугина эмас, — дағдаға қилишда давом этди кўк эчки, — акс ҳолда пайсалга солиб ўтирмай, тўғри дўзахга олиб кетамиз.

Шу топда миям зумда ёришиб, мен бу масхарабозликлару лўттибозликларнинг асил моҳиятини англаб

етгандай бўлдим. Илк марта Айра хоним билан гаплашганимда ҳам у худди шундай дағдаға қилганди. Демак, хотиним фирқа котибасилигидаёқ шайтоннинг... Лекин аниқ хулосага келишдан аввал бир масалани ойдинлаштириб олишим керак эди. Яна ўзимни қўлга олиб, кўк эчкига юзландим:

— Нуқул «биз, биз», дейсиз, сизлар кимсизлар ўзи?

— Бизнинг кимлигимизни наҳотки ўзинг тушунмаган бўлсанг? Сени бунчалик калтафаҳм одам, деб ўйламовдим. Дарвоқе, олий ўқув юртини юқоридан қўнғироқлар ҳисобига тугатган одамдан яна нимаям кутиш мумкин, — деди эчки манқа овозда ижирғаниб.

— Англашимча, сизлар... нариги дунё вакилларисиз.

— Балли. Лекин билиб ол: биз оддий вакил эмасмиз. Хуллас, гап шундай: шартимиз сенга тушунарли деб ўйлайман. Ҳузурингга яқин кунлардаёқ махсус вакилларимиз яна ташриф буюришади. Бир ҳужжатга имзо чексанг, бас, жононанг билан мазза қилиб яшайверасан. Акс ҳолда... нима бўлиши ўзингга маълум.

Эчки шундай дея чап оёғи билан «тап» эткизиб, олдидаги китобни ёпди. Беихтиёр китоб муқовасига нигоҳим тушди: унга улкан шохдор... шайтон сурати битилган эди. Буни пайқаган эчки туйқусдан тараддуд ва саросимага тушиб, калласини лиқиллатганча, китобга бир пуфлаган эди, у зумда кўздан йўқолди. Эчки эса бир сакраб, ўзини деразадан ташқарига отди. Мен шоша-пиша дераза ёнига келиб, пастга қарадим: эчки сувга тушган кесакдек ғойиб бўлган, боз устига, қўш табақали дераза ойнаси ҳам синмаган, бус-бутун эди.

Бизни шўролар даврида болалигимиздан, Худо йўқ, деб даҳрийсифат қилиб тарбиялашган, шу боис на Инжил ва на Тавротни ўқиган эдим. Раҳматли бувим Инжилнинг икки-уч оятинигина, биз ўлганимизда ўқийсан, деб мажбуран ёдлаттирган эди. Ҳозир Худо кўнглимга солдими (сўнгги йилларда мен Худо борлигига имон келтиргандим), тиз чўкканимча, юқорига қараб, ана шу оятларни ўқишга киришдим. Уйимизда менга раҳматлик бувимдан эсдалик бўлиб қолган Инжил ҳам бор, лекин уни илк бор кўрган Айра фирқа котибалиги пайтидаёқ негадир жон-пони чиқиб, сандиғимизнинг энг тагига тиқиб юборганди.

Оятларни уч мартадан ўқиб бўлиб, «омин» қилгач, зудтар сандиқни очиб, Инжилни излашга тушдим. Де-

вонанинг ишини Худо ўнглабди, деганларидай, муқаддас китоб сандиқдаги кийимлар уюмининг тагида экан, дарров топила қолди. Энди уни Айра топа олмайдиган, лекин ўзим учун қулай жойга яширишим керак эди. Ўйлаб-ўйлаб, уни охири китоб жавонимиздаги Лениннинг сайланма асарлари ортига қўйдим. Чунки хотиним ҳеч қачон китоб ўқимас, Ленин жилдлари эса, Айра фирқа котибалигида қандай келтирилган бўлса, шундайлигича жавонда терилиб турарди.

Ҳаммаёқ тинчиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, секин ошхонага ўтиб, қаҳва ичиб, нон-пон еган бўлдим. Лекин хаёлим буткул бошқа ёқда, ўта маъюс, паришонхотир бир ҳолатда эдим.

Менинг болаликдан юрак хасталигим бор, шунинг учун ҳакимлар ҳар текширишганда менга асабийлашиш, умуман, ҳаяжонланиш мутлақо мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлашарди. Ёшлигимдан ҳар қандай тўқнашувлар ва жанжал-суронлардан ўзимни четга олиб юришим, ҳаммага «хўп», деб муросасозлик қилишим ана шундан эди. Айра ҳам буларни яхши билар, шу боисми, арзимаган нарсадан жанжал чиқариб, нуқул жиғимга тегиш пайида бўлар, назаримда, мен асабийлашиб, жунбушга келсам, бундан лаззат олиб, ўзи роҳатланадигандай эди. Авваллари бунинг сабабини сира тушунолмай бошим қотарди. Чунки мен унга жанжал учун қарийб ҳеч қандай важ-карсон ёки баҳонага ўрин қолдирмасдим-да. Шунга қарамай хотиним: «Чойни суюқ дамлабсан», «Нега ишдан кеч келдинг?», «Бу сафарги ойлигинг нега кам?» — дея минғирлагани-минғирлаган эди.

Шундай бўлдики, автобазамиз кредит қарзларига ботиб кетгани сабабли уч ой мобайнида ойлик беролмай қолдик. Ана шундаги аҳволимни бир кўрсангиз эди. Ойлик бериладиган кунлари кечқурун уйга қайтишга ҳам юрагим безилларди. (Айранинг омонат жамғармаларида анча-мунча маблағлари бўлишига қарамай, уларга тегилмас, биз фақат менинг ойлигим ҳисобига яшардик). Остона ҳатлаб ўтишим билан эса:

— Нима, бу сафар ҳам ойлик йўқми? Нима, бу уйда эркак киши борми ўзи? Ё ўрнингга мен эркак бўлишим керакми? Хотин бошим билан сени энди боқишим зарур чоғи? Минг лаънат сендақа эрга!.. — дея шунақанги шовқин-сурон кўтарардики, қулоқларим том битиб кетарди.

Бир куни юк мошиналаримизнинг бири маст бир одамни босиб кетиб, ишхонамизни миршаблар босди. Тергов ишлари билан бўлиб анча кеч қолиб кетдим.

Шундан кейин уйга қайтганимдаги жанжални бир кўрсангиз эди!

— Нима бало, янги ўйнаш орттирдингми? Кўнгиллари ёшроғини тусаб қолибди-да?! Биз қариб қолибмиз-да энди?! Ёш жувонларга суягинг йўқлигини илгари ҳам билардим-а! Ҳе, сендақа хотинбознинг энасини... — шундай дея у эркакчасига болахонадор қилиб роса сўкинди.

Айранинг феъли-хўйи фирқа котибалигида қандай бўлса, шундайлигича қолган, у ўша даврдаги кўпчилик фирқа раҳбарлари қатори ҳеч бир гапнинг тагига етиб ўтирмас, ҳеч бир масаланинг моҳиятини сўраб-суриштирмас, ҳатто буни эшитишни ҳам истамас, жиддий ва узрли сабаб билан бирор камчиликка йўл қўйиган бўлсанг (агар бу камчилик саналмаган тақдирда ҳам), бирдай балога қолардинг, яъни аёвсиз ҳужум, йўқ, даҳшатли тўфонга дучор бўлардинг, етти аждодингдан умрингда эшитмаган ўта маданиятсиз, беҳаё сўзлар билан ҳақоратланиб, оёқ ости қилинар, сурбетлик билан балчиққа қориб ташланардинг. Бунда уларнинг кўзлари худди шишадай совуқ ялтираб, ўзидан кибру ҳаво ва нафрат учқунларини таратарди. Бундай кезларда эътироз билдириб, бирон гап айтишга уринсанг, бамисоли оловга ёғ қуйигандай бўлардинг. Айра (ёки бошқа фирқа котиби) бешбаттар жазавага тушиб, оғзидан кўпик сачратиб, мантиқсиз ва маза-матрасиз гаплардан иборат ўқлар ёмғири билан сени яксон қилар, буткул янчиб ташларди.

Шу пайт ташқари эшик очилиб, хаёлим бўлинди, афтидан, хотиним кириб келганди. Дарров соатга қарадим: вақт ярим тунга яқинлашиб қолганди. Бундай вақтларда мен «Оч қорним, тинч қулоғим», деган ақидага риоя қилиб, Айра ўзи «ҳисобот» бермагунча оғзимга талқон ютгандек ўтираверардим.

Лекин Айра бугун ўзида йўқ хурсанд, эркаланиб, бўйнимга осиларкан, озгина кайфи борлигини ҳам пайқадим. Бу сафар сабрим чидамади.

— Жуда қолиб кетдинг, жоним? — дедим мен иложи борича юмшоқ оҳангда унинг қўлларини силаб.

— Лаънати демократларни роса бопладик-да, бугун, — деди у жавобдан қочиб, гапни чалғитаркан. — Сен

ҳалақит бермаганингда, обдон пўстини шилардиг-а. Лекин бари бир бошланиши чакки эмас. Энди улар билан бирма-бир ҳисоб-китоб қилишимга тўғри келади. Аблаҳлар!...

— Сендан сўраяпман, жоним, — дедим мен иложи борича назокат билан. — Шу пайтгача қаерда юргандинг?

— Намунча мижғов бўлмасанг, — жавоб берди хотиним жаҳл аралаш. — Иш билан юрувдим. Биз анави қаттол демократларга қарши сиёсий ҳаракат бошлаяпмиз.

— Биз деганинг кимлар?

— Комфирқачилар-да. Улар бизни: «Собиқ маҳкамачи тўралар», — деб аташади. Ўзларининг кимлигини сўрайдиган одам йўқ. Энди буни биз сўраймиз.

— Комфирқани яна тикладиларингми?

— Албатта-да. Улар ҳозир бизнинг бўйнимизга минг бир айб қўйиш билан овора. Лекин ўзлари-чи? Улар ўзларини демократлар деб аташади-ю, лекин аслида фашистларнинг ишини қилишаяпти.

— Масалан?

— Масалан, зўравонлик билан ҳокимиятни қўлга олишяпти. Зўравонлик билан корхоналарни хусусийлаштира бошлашди. Зўравонлик билан бозор иқтисодига ўтказишаяпти. Уларни демократ эмас, балки давлат тўнтарувчилари, деб атаса, тўғрироқ бўлади. Аслида улар ватан хоинлари, ашаддий жиноятчилар-ку, ахир!..

Хотинимнинг кайфияти яхши кезларда у билан баҳслашиш мен учун мароқли машғулот эди.

— Лекин бозор иқтисодига ўтмай, корхоналарни хусусийлаштирмай туриб, чинакам демократик жамият қуриш мумкин эмас-ку! — дея эътироз билдирдим мен. — Ваҳоланки, демократия — ҳозирча башарият асрлар мобайнида эришган энг нурли чўққилардан бири саналади.

— Тўғри-ку-я, лекин бу жараён табиий равишда кечиши, зўравонлик билан амалга оширилмаслиги керак. Умуман, бизда ҳозир ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб кетган лўттибозларни демократ деб аташ ҳам калтабинликдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам биз...

— Сен улар билан бирма-бир қандай ҳисоб-китоб қилмоқчисан? — сўрадим мен унинг дастлабки гапини ёдига солиб.

— Эрта-индин рўзномада ўқийсан. Бугун кечаси демократларнинг энг катталаридан бирининг хонадонида чинакам қиёмат-қойим бошланади!.. — деди Айра мамнун ҳолда кафтларини бир-бирига ишқаларкан, айёрлик билан кўзларини ўйнатиб. — Қишлоқдаги онахон ёдингдадир? Унинг уйига кириб олган инс-жинсларни мен ўша аблаҳнинг хонадонига ҳайдадим.

Мен дарров ўша қишлоқи аёл уйидаги аввал деворлар орқали томга кўчган, сўнгра осмонга кўтарилиб кетган ўнлаб сичқонларнинг тапир-тупурию қулоқни қоматга келтирувчи чийиллаган товушни эсладим.

— Агар ўша маънода бўлса, қиёмат-қойим бизнинг уйда ҳам бошланган, — дедим мен маъюс оҳангда бошимни хам қилиб.

Айра менга синчков тикиларкан, яна айёрлик билан кулимсиради.

— Демак, хонадонимиздаги ботиний кучларга сенинг баъзи ишларинг маъқул тушмаган. Хулқ-атворингни зудтар яхши томонга ўзгартиришинг керак.

— Яхши томон деганинг нимаси? — сўрадим мен ўзимни овсарликка солиб.

— Айтайлик, бизларга қўшилиб, ўша пасткаш демократларга қарши курашиш ҳам яхшилик саналади.

— Лекин демократлар аксинча мулоҳаза юритишади. Нима яхши-ю, нима ёмонлиги нисбий тушунча-да, ахир! Буни бизга ким узил-кесил ҳал қилиб беради? Парвардигорми?

«Парвардигор» сўзини эшитган хотинимнинг бирдан қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Кўзларида аллақандай ваҳима акс этиб, гап ройишини дарҳол бошқа ўзанга бурди.

— Менга қара, азизим, майда-чуйда гапларингни қўй. Бугун демократлар устидан қозонган кичик ғалабамизни ювишимиз керак. Уйда шампан борми?

— Бор, албатта, — дедим мен истамайгина ўрнимдан турарканман.

Хуллас, ўша куни хотиним билан шампан ичиб, маишат қилиб анча кеч ётдик. Қаттиқ уйқуга кетган эканман, кимдир эшик қўнғироғини жиринглатаётганини эшитиб, ғижиниб ўрнимдан турдим. Айра тош қотиб ухлаб ётар, уни осонликча уйғота олиш амримаҳол эди. Гандираклаганча бориб, кимлигини сўраб ҳам ўтирмай, эшикни очдим. Очдим-у ҳайратга тушиб, беихтиёр орқага тисарилдим.

Остонада оппоқ соқоллари кўксига тушган, узун оқ ридо кийган, баланд бўйли, ниҳоятда нуроний бир отахон менга аллақандай меҳр ва... хавотир билан тикилиб турарди.

Кўнглимга ғулғула тушиб, Айра айтган қиёмат-қойим чинданам бошланди шекилли, дея хаёлимдан ўтказарканман, мўйсафидга салом бердим. У жиддий қиёфада бош ирғаб алик олди-да, вазмин оҳангда сўз қотди:

— Ўғлим, бемаҳалда безовта қилганимиз учун маъзур тутасиз. Лекин биз сизни йўқлаб келдик.

Шунда мен унинг орқасида худди шундай узун оқ ридо кийган яна бир савлатли оқсоқол, зинанинг пастроқ поғоналарида эса, оппоқ либосдаги рўмол ўраган икки аёл турганини кўриб, таажжубим баттар ортди.

— Лекин менинг ҳеч қаёққа бориш ниятим йўқ, — дедим мен қатъий оҳангда пича асабийлашиб. — Бу хусусида аввал юборган вакилингизга айтувдим-ку.

— Сиз янглишаяпсиз, ўғлим, биз ҳеч қандай вакил юбормаганмиз.

— Қанақасига? Ахир, куни кеча кўк эчки қиёфасидаги вакилингиз...

— Маъзур тутинг, ҳаммаси тушунарли, — деди мўйсафид назокат билан гапимни бўлиб. — Кўзингизга эчки қиёфасидаги шайтон кўринибди. Ундан жуда-жуда эҳтиёт бўлишни маслаҳат берардик.

— Унда сизлар кимсизлар, ахир?

— Биз самовотданмиз, дорилбақоданмиз... Сиз тақводор бўлмасангиз ҳам одамларга ҳамиша яхшилик қилиб келган, дили пок инсонсиз. Уйингизни ёвуз руҳлар, иймонсиз инс-жинслар босган. Улар сизни ҳалок қилиб, руҳингизни дўзахий хилқатга айлантиришмоқчи. Ҳозирги вазиятда улардан осонликча қутулолмайсиз.

— Лекин мен сизлар билан кетишга тайёр эмасман. Ўйлаб кўришим керак.

Нуроний отахон аста юз ўгириб ёнида турган ўзидан ҳам савлатлироқ мўйсафидга мурожаат қилди:

— Нима қиламиз? Ўйлаб кўришга вақт берамизми?

— Ҳай, майли, — вазмин бош ирғади ҳамроҳи. — Ўйласин.

— Бўлмаса, ўйлаб кўринг. Ҳозирча хайрлашмаймиз. Лекин пайсалламанг. Биз ҳали яна келамиз.

— Бу иш ҳаддан зиёд қийин эса-да, Айрани буткул тарк этишга уриниб кўринг, — гапга аралашди зина-

поянинг иккинчи муюлишида турган аёлларнинг бири. — Биз уни қўлдан бой бердик ҳисоб.

— Ҳа-ҳа, — оҳиста бош ирғади оқ рўмол ўраган иккинчи аёл. — Чунки, лаънати Иблис у билан битим тузишга муваффақ бўлибди. Улар одатда шартномага ўз қонлари билан имзо чекишади. Қон билан кирган нарса эса, жон билан чиқади.

— Аммо сиз бунга йўл қўя кўрманг, тушундингизми, асло йўл қўя кўрманг! — қатъий тайинлади рўпарамда турган нуроний отахон менга «хайр» дегандай ўнг кафтини силкитиб.

Улар бамисоли тумандай ҳавога сингиб, зумда кўздан ғойиб бўлишди. Кейин қандай воқеалар кечгани буткул ёдимдан кўтарилибди...

Эрталаб ширин уйқу оғушида ётарканман, хотинимнинг негадир олисдан келаётган овозидан уйғониб кетдим.

— Тура қол, Роберт, ишга кечикяпсан, — дея ошхонадан туриб бақирди Айра. Сал ўтмай у тепамга келиб, хавотирли қиёфада сўради: — Кечаси ташқари эшикни сен очиқ қолдирганмидинг?

Кеча кечаси ташриф буюришган оқ либослардаги нуроний отахон ва онахонлар дарров ёдимга тушди. Лекин бу ҳақда хотинимга бирор гап айтишни лозим топмадим. Ётган жойимда елкамни қисиб, мужмал жавоб бердим:

— Ёдимда йўқ. Шампанни сал кўпайтириб юборибман чоғи.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Айра айёрона кулимсираб, — бу дунёда кайф-сафо, маишат қолади, қолган ҳаммаси ўткинчи. Лекин эшик очиқ қолгани чакки бўлибди. Ё биров келдими?

— Й... йўқ, — дедим мен пича дудуқланиб, бош чайқарканман. — Ҳеч ким келгани йўқ.

Хотиним негадир менга шубҳали нигоҳ ташлаб:

— Тура қол энди, юз-қўлингни ювиб, чойга чиқ. Пастда мошинанг ҳам кутиб қолди, — дея ошхонага йўналди.

Ўша куни ишга келдим-у, кеча ташриф буюрган тунги меҳмонлар буткул хаёлимга ўрнашиб олса бўладими! Вазирлар Маҳкамаси учун шошилинч маълумотнома ёзишим кераклигини баҳона қилиб, ҳамма ишларни муовинимга топширдим-да, эшикни ичкаридан қулфлаб олдим.

тобланиб, сайқал топади ва илоҳий мазмун касб этади. Мен ана шундай севгига дучор бўлгандим.

Роберт Назарович гап шу ерга келганда, чўнтагидан «Малборо» қутисини чиқариб, сигарет тутатди. Ҳамон ғизиллаб тегимизга кириб кетаётган бетон йўлга тикиларкан, яна бир неча фурсат маъюс ўйга толди. Мен унга дилдан раҳмим келиб қараб қўйдим-да, кўнглини кўтариш учун атайин қувноқ кайфиятда сўз қотдим:

— Юз грамм оқидан қуйиб берайми, Роберт Назарович?

Ҳамроҳим ғамгин ҳолда кулимсираб, юзимга тикилди.

Кейин аста:

— Борми? — деб сўради.

— Албатта-да. Бўлмаса, таклиф қилармидим, — дедим жилмайиб, мошинани йўл четига буриб тўхтатарканман. Сўнгра ашқол-дашқол солинадиган қутини очиб, икки соат аввал шеригим юз граммини ичиб, ухлагани чиқиб кетганароқни олдим, пиёлага тўлдириб қуйдим-да, Роберт Назаровичга узатарканман:

— Мошина ҳайдамаганимда, сиз билан бирга ичишардим, лекин Худо хоҳласа, буям насиб қилар, — дедим яна кулимсираб. (Худди шу гапимга фаришталар «омин» деган экан, аммо бу ҳақда кейинроқ.)

Ҳамроҳим юраги ёнаётган эди чоғи, пиёлани бир зумда бўшатди. Тошкентдан эрмак учун биз бир коса қурт ҳам олгандик, биттасини унга узатдим.

— О, газак зўр-ку! — деди Роберт Назарович пича кўнгли ёришиб, қуртдан тишлар экан. Кейин негадир ғурур билан қўшимча қилди: — Мен кўп йиллар олдин Тошкентда, кейин Самарқандда бўлганман. Ажойиб шаҳар! Умуман, Ўзбекистонингиз — жаннатмакон ўлка! Об-ҳавосини айтмайсизми! Эски шаҳар бозорига кириб, азбаройи ҳайратга тушганимдан нафасим қайтиб кетаёзган. У ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Жондан бўлак ҳамма нарса топилади денг!..

— Ҳа, — дедим мен ҳам унинг она Ватаним ҳақидаги илиқ сўзларидан тўлқинланиб. — Биз улуғ аждодларимиз бунёд этган бу кўҳна шаҳарларимиз билан ҳамиша ифтихор қиламиз!..

— Юртбошингиз ҳам жуда донишманд, ўткир одам-да. Эҳ, ҳозир бизда ҳам шунақа раҳбар бўлганида эди...

— Аввало ундай деманг, кўз тегади. Ундан кейин сизларники ҳам ёмон эмас, демократ, сал юраги панд берди-да... Бизни ота-боболаримиз ҳамиша яхши ният қилишга ўргатишган. Худо хоҳласа, сизларда ҳам, бизда ҳам ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Илоё, айтганинг келсин!...

— Хўш, кетдикми бўлмаса ё яна озгина қуяйми? — дедим мен унга савол назари билан тикилиб.

— Етади, кетдик, — деди Роберт Назарович аста-секин аввалги маъюс ҳолатига қайтаркан. Мошинани ўт олдириб, олға жилдирарканман, у яна ҳикоясини давом эттирди:

— Хулласи калом, ўша куни ана шундай оғир ўйлар исканжасида бошим ғувиллаб, уйга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Уйда яна хотиним йўқ, ошхонадаги устол устига: «Мен фирқачилар шўъбасига кетдим, дарғамиз Геннадий Ильич чақиртирибдилар. Тезда қайтаман. Овқат — қозонда. Сенинг Айранг», — деб ёзилган бир энлик хат қолдирибди.

Азбаройи сиқилиб кетганимдан бардан очилган «Жириновский» арофини олиб, қадаҳга қуйдим. Уни бир кўтаришда сипқоргач, газак қилмай, яна бир қадаҳ қуйиб ичдим. Худди Соколовга ўхшаб (Шолоховнинг машҳур асаридаги қаҳрамонни танийсиз, албатта) учинчи қадаҳдан кейингина тузланган бодринг билан газак қилдим. Хотиним қозонда карам шўрва тайёрлаб кетган экан, истамайгина ликопга қуйиб, уч-тўрт қошиқ ичган бўлдим.

Кейин ойнаижаҳонни қўйиб, нимкатга чўзилдим. Ярим мудроқ ҳолатда ойнаижаҳонга тикилиб ётарканман, бирдан сергак тортиб, бошимни кўтардим. Ажабо, кўзгудан боғичлари ҳам йўқ узун қора ридо кийган, кўзлари чақчайган девдай дароз кимса менга аллақандай макр ва ижирғаниш аралаш қадалиб тикилаётганини кўриб, этларим жимирлашиб кетди. Унинг қопқора сочлари ҳам икки жойидан худди шохларга ўхшаб тепага чиқиб турарди. Бирдан унинг думғазасида калтагина думи борлигини ҳам пайқаб қолдим. Негадир у думини узун қўллари билан силаб-силаб қўяр эди.

Мен энди кайф қилиб, дунё ташвишларини ҳеч курса бугун унутишни истагандим, кайфимдан асар ҳам қолмади.

«Бу лаънати кўрсатув қайси дастурдан берилаяпти ўзи?» — деган хаёл билан ўрнимдан турмоқчи бўлган

Устуллардан бирини кўтариб, лаънати мушукларга ҳамла қилдим. Улар худди ўтган сафаргидай ҳавога сингиб, шу заҳоти кўздан йўқолишди. Фақат аллақандай қорамтир шарпалари ёқимсиз бириллаганча, ошхона эшиги орқали ўрта хонага ўтиб кетгандай бўлди. Устулни кўтарганимча, шарпалар ортидан югурдим.

Ўрта хонага кирдим-у, яна тараша бўлиб қолдим. Не кўз билан кўрайки, уй тўрида ўша чўққисоқол кўк эчки чўнқайганча, думини диккайтириб, китоб варақлаб ўтирарди. «Э, ўша олим бўлган сендан...» — дея энди унга ташланмоқчи бўлгандим, эчки совуққонлик билан шаштимдан қайтарди:

— Ўзингни бос, тентак! Намунча ҳовлиқмасанг. Нега бизнинг махсус вакилимизни хафа қилдинг? Ахир, у камдан-кам одамлар ҳузурига шахсан ўзи ташриф буюради. Ҳазратимиз Улуспирнинг ўнг қўлларидан бири саналмиш Баал Зебуб жанобларини наҳотки танимаган бўлсанг? Ҳурмат-иззатингни жойига қўйиб, шундай обрў вакилимизни юборсак ҳам ақлингни йиғиштириб ололмадинг. Энди ўзингдан кўр, ғаламус!...

Эчки шундай дея ғазаб билан китобни ёпган эди, унинг муқовасидаги шайтон сувратига кўзим тушди-ю, ногоҳ миямга келган фикрдан қичқириб юбораёздим. Инжил!... Чинданам, мен тентак, қовоқ калла, уйда Инжил борлигини буткул унутиб қўйибман-ку!.. Ота-онамнинг руҳи поклари тушимда буни менга бежиз эслатишмади, ахир. Боз устига, уларнинг хўроз ёки товуқ сўйиб, Худо йўлига қурбонлик қилишим кераклигини шама қилишгани ҳам ёдимдан кўтарилаёзибди.

Зудтар ўзимни китоб жавонига отдим-у, Лениннинг сайланма асарлари ортига қўлимни тиқдим. Э, Худо, муқаддас китоб жойида йўқ эди. Алам билан яна эчкига юзландим.

Кўк эчки эса, китобни олд оёқлари орасига олиб, орқа оёқларида бамайлихотир чайқалганча, энсаси қотиб сўз қотди:

— Ё тавба! Одам ҳам шунчалик калтафаҳм бўладими! Наҳотки бизни ҳам ўзингга ўхшаган лақма, тўпори деб ўйласанг?! Энди бу ёғига кўз очиб кўрган суюкли ёринг Айра хоним жазоингни беради. Кунингни кўрсатади ҳали у сенга!..

Шундай деб, у китобни қўлтиқлаганча, камондай эгилиб, ўзини деразага отди. Ўтган сафаргидай на бир шовқин эшитилди ва на дераза ойнаси синди. Лекин

айни дамда яшин чақнаб, кетма-кет момақалдироқ гумбурлади-да, шатир-шутир ёмғир қуя бошлади.

Мен қаҳр-ғазаб ўтида ёнарканман, аллақандай хунук воқеани олдиндан сезиб, вужудимни мавҳум бир ғулғула, хавотир ҳисси чулғаб олаётгандай эди. Мен ана шундай ҳолатда уйдан Инжилни излашга киришдим. Уни Айрадан бўлак биров олиши мумкин эмас. Яна қаерга яширди экан? Ярим соат ичидаёқ уйни остин-устин қилиб юбордим. Инжил на сандиқда, на жавонда ва на бошқа жойда бор эди.

Кўп ўтмай, эшикдан Айранинг ўзи кириб келди. Негадир у ҳам дарғазаб кўринар, қовоқ-лунжи осилиб кетган эди.

— Лаънати демократлар, — деди у фиғон бўлиб. — Думада ўзларича, комфирқа фаолиятини умуман таъқиқлаш ҳақида масала кўтаришибди. Эналарининг ҳаққи борми бунга? Яна демократлар эмиш... Биз уларга таъқиқлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўямиз ҳали. Геннадий Ильич ҳаммамизни катта курашга, керак бўлса, жангга киришга шай туришимизни тайинладилар. Эртага яна намойишга чиқамиз. Қурол бўлса қани эди-я!..

— Қон тўкилиши мумкин-ку, ахир? — дедим мен беихтиёр хавотирга тушиб.

«Қон» сўзини эшитган Айранинг кўзларида аллақандай совуқ учқун чақнаб кетди.

— Албатта тўкилади-да, — деди у мамнунлигини яшириб ўтирмай. — Бундай вазиятда қурбонларсиз иш битмайди. Эртага уларга шунақанги сабоқ берайликки, то ўла-ўлгунларича эслаб юришсин! Ўша аблаҳларнинг пўстини шилиб, терисига сомон тиқамиз!...

Хотиним кийим-кечак ва бошқа нарсалар ағдар-тўнтар бўлиб ётган сандиққа, жавонларга нигоҳ ташларкан, баттар аччиғи чиқди. Менга нафрат билан тикиларкан:

— Ким ҳаммаёқнинг тўс-тўпалонини чиқарди? Нима қидирдинг? — деб сўради.

Мен тўғрисини айтишга мажбур бўлдим.

— Инжилни изладим...

Бу сўзни эшитган Айранинг худди аччиқ гаримдори чайнаб қўйгандек афти буришди.

— Нимага керак бўлиб қолди сенга ўша...

Мен Айрани сира алдай олмасдим, чунки у масофадан бемалол фикримни ўқир, мен ҳам кўпинча ғаройиб

кўзгу орқали унинг нима демоқчилигини аввалдан билиб турардим. Мана, ҳозир ҳам кўз олдимда ўша кўзгу намоён бўлди. Кетма-кет унга хотинимнинг ўйлари ёзила бошлади: «Оббо, лаънати-ей. Одам бўладиганга ўхшамайди бу. Ўша бемаъни китобни излашга тушибдими, бу тамомила мияси айниганидан далолат. Булар етмагандек, уям асли демократлар томон шекилли? Йўқ, уни жазоламаса бўлмайди. У дунёю бу дунё унутмайдиган қилиб жазолаш керак!...»

Ташқарида яна яшин чақнади. Кетма-кет бутун оламга дағдаға қилаётгандек еру кўкни тутиб момақалдироқ гумбурлади. Шитирлаб ёғаётган ёмғир тобора кучайиб, жалага айланаётганди.

Мен энди чинакамига қўрқиб кетдим. Айрадан ҳамма балони кутиш мумкин, истаган ёмонлик қўлидан келарди. (Хотиним учига чиққан ёлғончи бўлишига қарамай, лекин кўзгу орқали фақат тўғри гапни айтарди чамаси. Мен бунга тажриба орқали ишонч ҳосил қилгандим.) «У мени ўлдирмоқчи», — деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, бутун вужудимга титроқ югургандай бўлди. Афсунгарлик ҳақидаги китобларни ўқиб, мен бир нарсани яхши билиб олгандим: ёвуз ниятли жодугар ўз яқин одамининг ички қувватини сўриб олиш учун уни ўлдириши керак эди. Мен доимо ана шундан қўрқиб яшардим. Оилавий можаролар вақтида у менга бир неча бор асабларимни қақшатиб, тишларини кўрсатган, агар унинг измидан юрмай, чизган чизиғидан чиқсам, минг бир балога гирифтор қилиши мумкинлигини бот--бот таъкидлар эди.

Ҳозир ҳам бир пасда жазавага тушганча; шанғиллаб бақир-чақир қиларкан, шундоқ ҳам асабий руҳимни аёвсиз эговлашга тушди. Айни чоғ чинданам шундай бўлдими ё кайфим борлиги туфайли менга шунақа туюлдими, хотинимнинг афти-башараси тишлари иржайиб чиққан қора бўрининг сиёғига айлана бошлади. У фавқулодда ўзини устимга отиб, ёқаларимни йиртиб, кўксимга ёпишди. Ё фалак, у гарданимга тишларини ботириб, қонимни сўра бошлаганди.

Зоҳирий маънода ҳам, ботиний маънода ҳам юрагим қонга тўлиб, уни бор кучим билан итариб ташладим-да, сакраб ўрнимдан турдим. Айра гилам устида думалаб ётаркан, асабий ҳолда қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Мен азбаройи даҳшатга тушганимдан қон сизғиб чиқаётган бўйнимга даструмолимни босганча, қўшни

хонага ўтиб, зудтар эшикни қулфладим. Сўнгра жароҳатимга йод суртиб, дока билан танғиб бойладим. Шоша-пиша энг керакли нарсаларимни митти жомадонга жойларканман, кийим-кечак жавонининг энг тагида ётган Инжилга кўзим тушди. Азбаройи суюниб кетганимдан уни дарров қўлимга олиб, дуч келган бетини очдим-у, хотиним қамалган уйнинг эшиги сари юрдим. 77-сурадаги оятларни товуш чиқариб ўқишга тушдим.

Айни дамда ичкари уйда асабийлик билан қаҳ-қаҳ уриб, эшикни тепкилаётган Айра фавқулодда тинчиб қолди. Кейин ҳиқичоқ тутиб, ўқчий бошлаганини пайқадим. Мен оят ўқишда давом этарканман, сал ўтмай, унинг бутунлай овози ўчди.

Мен энди бир қарорга келишим керак эди. Айрани ёвуз ботиний кучлар, Иблис малайлари ихтиёрига буткул ташлаб кетишим, бу жойларни тарк этишим ёки тақдирга тан бериб, хотиним билан бирга келишим, уни ёвуз кучлар тазйиқидан қутқариб, эзгу йўлга бошлаш мақсадида пешонамга ёзилганини кўришим зарур эди.

«Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим», деганларидек, ташлаб кетай десам, унга бўлган севгим вужудимни оташдай чулғаб, жону жаҳонимга ўт қўйгудай, кетмай десам, даҳшатли қора бўрининг сўйлоқ тишлари, иржайиб чиққан важоҳатли калласи шундоқ кўз олдимда гавдаланади.

Аросатда ғамгин ўйга толиб, қанча турганим ёдимда йўқ, бир маҳал ичкаридан йиғи овозини эшитиб, яна сергак тортдим. Ичкари уйда, Айра, чамаси, эшикка бош қўйганича мук тушиб йиғлар, алланималар дея илтижо қиларди. Яқинроқ бориб қулоқ тутдим.

— Азизим, мени тарк этма! Ўтиниб сўрайман, Роберт, ёлғиз ташлаб кетма мени!.. — дерди у негадир паст овозда зорланиб.

Азбаройи раҳмим келганидан юрагим эзилиб, эшикни очмоқчи ҳам бўлдим. Лекин бир қадам босиб, тўхтадим. Нохос кўз олдимда яна ўша тухумсимон кўзгу пайдо бўлиб, унга қуйидаги битиклар кетма-кет ёзила бошлади:

«Азизим Роберт! Шундай оғир вазиятда сен мени ташлаб кетишдек номардликка йўл қўёлмайсан. Буни яхши биламан. Чунки сен мени чин дилингдан севасан. Ёдингдами, мен ҳам сени илк кўрган кунимданоқ яхши кўриб қолгандим. Биз бахтли оила қурдик. Лекин ҳозир ана шу оиламиз устида қора қузғунлар пайдо бўл-

ган. Улар бизни бир-биримиздан жудо этиб, у дунёю бу дунё ҳаётимизни дўзахга айлантиришмоқчи. Сендан ўтиниб илтижо қиламан: бунга асло йўл қўйма, азизим! Акс ҳолда қолган умринг қашшоқлик ва хору зорликда ўтади. Билиб қўй, жонгинам, сенинг пешонангга фақат мен ёзиғлиқман ва мендан ўзгаси сенга вафо қилмайди. Ана шу пок ва самовий севгимиз ҳаққи, мени ташлаб кетма, Роберт! Йўқса, мен адойи тамом бўламан ва мен билан мангу видолашувинг мумкин...»

Хотинимнинг кўзгудаги дил сўзларини ўқирканман, фавқулодда ҳаяжонга тушиб, тўлқинланиб кетгандим. Азбаройи таъсирланганимдан кўзларимда ёш қалқиб, беихтиёр эшик сари юрдим-да, калитга қўл чўздим, айни шу дам ташқари эшик қўнғироғи чўзиқ жиринглаб қолса бўладими! Сесканиб тушдим. Бундай бемаҳалда уйга ҳеч ким ташриф буюрмас эди. Ким бўлиши мумкин? Ё ҳалиги... оқ ридо кийган боболармикин?...

Эшикни очмоқчи бўлиб, ташқарига отланаётгандим, Айранинг таҳдидли овози тўхтатди:

— У ёққа бора кўрма! Икки каллакесар уйингни ўмаргани келган. Агар икковимизни ҳам чавақлаб кетишларини истамасанг, эшикни оча кўрма!..

Мен энди нима қилишимни билмай, яна аросатда гангиб қолгандим. Айра эшик ортида шунақанги илтижо қилиб, шунақанги зориллай кетдики, мен беихтиёр тиз чўкканча, мук тушиб йиғлай бошладим.

Охири сабр-бардошим тугаб, ўрнимдан турдим, хотиним қамалган уйнинг эшигини шартта очдим-у, яна шафқатсизларча алданганимни сездим. Не кўз билан кўрайки, ичкари уйда жамоат жам: юқорида чўққисоқол кўк эчки китоб варақлаб ўтирар, чап томондаги нимкат устига ўша учта қора мушук худди одамлардай чўнқайиб олишган, уйнинг ўнг бурчагида кўзлари чақчайган, думли дароз кимса ҳам ғўдайиб турарди. Айра эса... Айра ўртада тиз чўкиб ўтирар, юзи ҳамон... бўри қиёфасида эди. У менга ўткир тишларини кўрсатиб, заҳарханда билан иржайди, кейин ҳозир ўзини устимга отадигандек орқага тисланди, гавдаси камондек таранг тортилди.

Ташқарида борлиқ оламни ларзага келтириб, шунақанги ваҳимали момақалдироқ гумбурладики, худди осмон узилиб ерга тушаётгандай эди. Кўкни тилка-пора қилган чақмоқнинг кўм-кўк нурлари хонани бир зум

ёритиб, унда жам бўлган ғайб дунёси мавжудотларига ҳам бешбаттар ваҳимали, афсонавий тус берди.

Мен қўрқувдан дир-дир титрарканман, ўзимни аранг қўлга олдим: қўлтиғимдаги Инжилни азот юқорига кўтариб, яна оят ўқишга киришдим.

Шу чоқ хона ўз-ўзидан кенгайиб, шип ўрнида митти юлдузлар ғира-шира милтиллаётган қоронғу осмон кўринди. Пастдаги Айра, чўққисоқол эчки ва бошқа махлуқлар қора шарпаларга айланиб, алланимадан хавотирга тушгандай турган жойларида ғимирсилаб қолишди. Осмонда ҳилол ой пайдо бўлиб, унинг шундоқ биқинидан думли юлдуз ўқдай отилиб чиқди-да, Коинот қаърига сингиб кетди. «Ахир, булар шўрлик ота-онамизнинг руҳлари-ку!» — хаёлимдан ўтказдим мен ва уларнинг ишорасини ҳам англаб етгандай бўлдим: улар менга Айрани тарк этишни, бу Худо урган уйдан ўқдай отилиб чиқиб кетишимни уқдиришаётганди.

Шоша-пиша эшикни ёпиб, калитни шарақлатиб яна қулфладим. Йўл-йўлакай митти жомадонимни қўлга олиб, кўча эшик сари югурдим. Остонада ўша эски танишларим: узун оқ ридо кийган, оппоқ соқоллари кўксига тушган икки мўйсафид бу ишимни қўллаб-қувватлаётгандай менга мамнуният билан тикилишарди. Уларга салом бериб, пастга интиларканман, зиналарда турган икки аёл ҳам менга самимий жилмайиб қарашаётганини кўриб, кўнглим таскин топгандай бўлди.

Уйимиздан катта шоҳкўчага яёв юрилса, бир соатлик йўл эди. Вақт ярим тундан оққан, кўчада биронта ҳам мошина кўринмасди. Бахтимга, жала тинган, осмондаги пağа-пağа қора булутлар энди жанубга қараб жадал сузишарди. Оёқларимни олиб, орқа-ўнгимга қарамай югурарканман, ўша йўлни бор-йўғи чорак соатдаёқ босиб ўтдим-ов.

Яна ярим соат ўтмай, шоҳкўчада сенга дуч келдим. Жавонмард йигит экансан, умрингдан барака топ, йўқ демай, мошинангга олдинг. Энди умримнинг охиригача дуоингни қилиб ўтаман...

Ҳикоя шу ерга келганда, Шукрулло бир зум жим қолди-да, қалай, маъқулми, дегандай менга маъноли нигоҳ ташлади. Мен чинакамига ҳайратда қолиб ҳаяжонга тушгандим.

— Тайёр фантастик асар-ку бу! — хитоб қилдим мен жонланиб. — Зўр кино қилса ҳам бўлади.

— Лекин бу ерда ҳеч қандай тахайюлот йўқ. Бари ҳаётий.

— Йўғ-е, — эътироз билдирдим мен. — Роберт Назаровичнинг руҳан соғлом одам эканига ишончинг комилми? Галлюцинация, руҳий сароб деган гаплар бор, ахир?

— Бунга заррача шубҳам йўқ. Чунки у билан биз бир ой ўтмай, яна юз кўришдик-да.

— Хўш-хўш? — сўрадим мен сабрим чидамай. — Қаерда кўришдинглар?

— Бўлмаса, ҳикоянинг якунини эшитинг, — шошилмай давом этди Шукрулло. — Биз бу пайтда кўҳна шаҳарга туташиб кетган туманга кириб келгандик, кўзлаган манзилимизгача бу ёғи арзимаган масофа қолганди. — Хуллас, ўша куни мен Роберт Назаровични Переделкинога етмасдан Голицино деган қишлоқдаги синглисининг уйида қолдирдим. Мен билан ота-боладек самимий хайрлашаркан, у бир дақиқа тўхтаб, чуқур ўйга толди. Кейин ўта жиддий қиёфада сўз қотди:

— Ҳаётда тасодифий иш бўлмайди, ўғлим. Ҳар бир кечган воқеа замирида қандайдир қонуният, мантиқ бор. Мана, сен билан ҳам бежиз учрашмадик, деб ўйлайман. Бунинг маъноси ҳақида мен анча бош қотириб, ҳозир тагига етгандайман. Гап шундаки, Сен Шарқда туғилиб ўсгансан. Шарқ эса, азалдан улуғ набийлар, азиз авлиёлар ва шайхлар макони саналган. Улар бор жойда эса, эзгулик, поклик, олийжаноблик илдиз отган. Иблис ҳам қадамини ўйлаб босган. Сизнинг юртингизда ҳозирда ҳам шундай табаррук одамлар, муқаддас зиёратгоҳлар бор, деб эшитаман.

— Албатта, бор-да, — дедим мен хурсандлигимни яширолмай, унинг гапни нимага тақамоқчи эканига дарров фаҳмим етиб. — Авлиёсифат тирик шайхлар, машҳур халқ табиблари бизда ҳали ҳам сероб. «Сўғал ота» каби илоҳий қадамжолар ҳам анча-мунча. У ерда сеҳрли бир қудуқ бўлиб, унинг ҳосияти шундаки, ёнига пок ниятли, яхши одамлар келиб қудуққа челак ташласа, сув чиқади. Ёвуз ниятли, нопок одамлар челак ташласа, уларга бир қултум ҳам сув насиб этмайди. Одамлар ана шу сувда ювиниб, ҳар хил дардлардан, иссиқ-совуқ ва ёвуз афсунлардан фориғ бўлишади.

— Балли! — хитоб қилди Роберт Назарович чин дилдан суюниб. — Жуда фаҳм-фаросатли йигит экансан.

Сенга айтсам, ўғлим, мен бу ерда, синглимникида узоқ қололмайман. Эртами-кечми, бари бир Айранинг ҳузурига қайтиб бораман. Чунки боя айтдим-ку, мен хотинимсиз яшай олмайман. Лекин...

— Лекин сиз янгани «Сўгал ота» зиёратгоҳига олиб боришингиз керак. Шунақа аёлларнинг қанчаси шифо топиб, шайтонга ҳай берган.

— Барака топ, ўғлим! Кўнглимдаги гапни топдинг. Олиб борганим бўлсин! — шундай деб Роберт Назарович менга қўл ташлаб, уй манзилимни ёзиб олди.

Ишонасизми, у бир ой ўтмасданоқ Айра хонимни бошлаб, Тошкентга етиб келди. Аёлнинг кўзлари олазарак, ўзи қандайдир ўта асабий кўринарди. Мен уларни «Тико» мошинамга ўтқизиб, «Сўгал ота» зиёратгоҳига бошлаб бордим. Хоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, Айра хоним ташлаган челакка сеҳрли қудуқ бир томчи ҳам сув бермади. Лекин Роберт Назаровичнинг ўзига челак қарийб тўлиб чиқди. Роберт Назарович сувни меҳмонхонага олиб бориб, хотинини ювинтирди. Ана шунда, биласизми, чинакам мўъжиза юз берди: Айра хоним ваннахонадан анча хотиржам тортиб, буткул ўзгача одамга айланиб чиқди. Зиёратгоҳга етиб келгунига қадар худди оғзига талқон солиб олгандай бир оғиз ҳам гапирмаган, юзидан заҳар томиб турган бу тўнг аёл аслида дилбар, ҳазилкаш, сўзамол ва кўнгилчан экан. Биз томонларга умрида биринчи келиши, шунинг учунми, у ҳаммаёққа ҳайрат ва завқ-шавқ билан тикилар, арзимаган манзаралардан ҳам худди ёш боладай суюниб кетар эди.

Эртасига ўзларида йўқ хурсанд эр-хотинни ярим тунда тайёрагоҳгача кузатиб қўйдим. Осмон мусаффо, кўк пештоқи узра ғарбга оғаётган тўлин ой бамисоли жилмайиб боқар, юлдузлар ҳам ўзгача жилва билан милтиллаётгандай эди. Шу чоғ Коинот кўксида худди байрам мушаги отилгандай ёрқин из қолдириб, думли юлдуз учиб ўтди.

— Қойил-э! Роса савобга қолибсиз-ку! — хитоб қилдим мен ҳам азбаройи севинганимдан Шукруллонинг гапини бўлиб. Юрган йўлида нуқул савоб ишнинг пайида бўладиган бу танти йигитга нисбатан ҳурматим яна ўн чандон ошиб кетганди шу топда.

— Нимасини айтасиз. Роберт Назаровичнинг хурсандлигини айтмайсизми! У ҳозир ҳам хат ёзиб туради. Ҳамма ишлари жойида эмиш. Айра хоним фирқадаги

фаолиятини буткул тўхтатиб, мактабда дарс бера бош
лабди. Улар бир ўғилча кўришибди. Исми нима дерсиз
Каминага ҳурматлари боис уни Шукрулло, деб ата
шибди.

Бу пайтда биз кўҳна шаҳарга ҳам етиб келгандик

* * *

Ҳокимиятга кириб келишим биланоқ қабулхонанинг
тўрига нигоҳ ташладим-у, қаққайганча бир зум ҳайкал
дай туриб қолдим. Тўрдаги устол ортида ўтирган малл
сочлари тилладай товланиб, кўҳликкина юзидан заҳа
томиб турган, қорамтир кўзлари негадир олазарак бо
қувчи аёл ҳозиргина Шукрулло ҳикоя қилиб берга
Айра хонимнинг айнан ўзгинаси эди.

Унга салом бериб, ҳоким бор-йўқлигини сўрадим
У саломга алик олишни ҳам лозим топмай, аллақандай
беписандлик ва кибру ҳаво ила:

— Ҳоким йўқ, — деб жавоб берди ва менга бу жа
воби билан таъбимни хира қила олганидан ўзи хур
санд бўлиб кетгандай туюлди.

«Наҳотки бизда ҳам ўшанақа аёллар... Йў-ғе!..» —
дея оғир ўйлар гирдобида вазмин одимлаб, ҳоким муо
вини хонаси сари юрдим. У билан биз қачонлардир бир
олий билимгоҳда ўқигандик, шу боис хонасига истага
вақтда берухсат бостириб кираверишим мумкин эди.
Ҳалиги малла сочли аёл орқамдан:

— Ҳой ўртоқ, ҳой ўртоқ! Қаёққа? Тўхтанг, деяпман!
— дея шанғиллаганча қолаверди...

## ФАРИШТА ТАШРИФИ

### Фантастик киноқисса*

Кутилмаганда осмонни тилка-пора қилиб чақнаган чақмоқ улкан шаҳар яқинидаги тоғлар силсиласи этагига жойлашган катта-кичик уйларни ва унга уланиб кетган водийни сутдай оппоқ нурга чулғайди. Кетма-кет бутун оламни ларзага келтириб, момақалдироқ гумбурлайди.

Ҳув наридаги кўм-кўк водийда ёмғир йўқ, бу ерда — тоғ қишлоғи осмони узра тўпланган баҳайбат қора булутлар тўдаси пишқириб, шаррос жала қуяр эди.

Яна бир неча бор яшин чақнаб, момақалдироқ гумбурлайди-да, булутлар тўдаси сезиларли тезликда улкан тоғлар силсиласи ортига жилади. Лаҳза ўтмай, осмонни қоплаган булутлар пардаси бир неча жойидан йиртилиб, унда ҳаддан зиёд ёрқин юлдузлар милтиллай бошлайди.

Ана шу «йиртиқ» жойларнинг бирида қўққисдан улкан ва янада ёрқинроқ бир юлдуз пайдо бўлади-да, шиддат билан тоғлар силсиласи сари интиларкан, тобора катталашиб боради.

Мана, бир неча фурсат ўтгач, тоғлар этагидаги адирлик устида пайдо бўлган «бизбизак»ка ўхшаган юлдуз бир лаҳза адир узра муаллақ ҳолда осилиб тураркан, пастга нур дасталарини йўналтириб, ҳаммаёқни кундузгидай нурафшон қилиб юборади.

Сўнгра аста-секин пастлаб, адирнинг энг юқори нуқтасига қўнади-ю, шу заҳоти чироқларни ўчиради, борлиқ яна зулмат оғушига чўмади. Айни дамда «бизбизак»нинг бир неча думалоқ иллюминаторларигина ўзидан сарғиш нур таратарди, холос.

* Қисса Равшан Асқаров билан ҳамкорликда ёзилган.

Само кемаси адирда узоқ турмайди.

Бамисоли хайр-маъзур қилаётгандай, яна ўзида пастга ёрқин нурлар таратиб, кескин осмонга кўтарилади.

Ана шу ёрқин нур остидаги адир чўққисида энди ёқиз пайдо бўлади.

Оппоқ ҳарир кўйлакдаги бу фариштасифат қиз тугги осмон бағрига, чақмоқ юлдузлар қўйнига сингиб бораётган само кемасига то у кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб туради-да, сўнгра ўткир нигоҳини чор-атрофга адир этагига йўналтиради.

У адирдан ялангоёқ ҳолда эниб, улкан шаҳарга шаҳардан ташқарига турфа-туман мошиналар чироларни чароқлатганча ғизиллаб учиб ўтаётган катйўлга қараб юради.

Ўтлоқдан ҳолироқ жойларда унинг оёқлари ёмғирдан кейин пайдо бўлган балчиққа ботиб кетар, лекиқиз ҳеч нарсага эътибор қилмасди.

Ёлғиз кекса чинор ўсган йўл ёқасига етиб келгач, бир неча дақиқа ёнидан ғир-ғир ўтаётган мошиналарга қараб туради-да, сўнгра бурилиб, йўл ёқалаб кетади.

У улкан шаҳарнинг ерга тўкилган юлдузлардай ғуж ғуж чироқлари осмонни ёритиб турган сирли маскан сари йўл олганди.

Қизнинг ёнгинасидан Ер деб аталмиш сайёранинг ба ҳайбат юк ташувчи «Лимузин», «Волга», «Жигули» «Тайота» каби мошиналари елдек елиб ўтар, лекин қи уларга заррача эътибор бермай, рўпарасига тикилганча олға жиларди.

Шинам ресторанни эстрада шовқини тутган.

Очиқ кўкракларида оппоқ сийналари балқиб турган узун ипак кўйлакда тилла тақинчоқлари билан кўзн олгудек ялт-юлт қилаётган хонанда аёл ижро этаётга шўх қўшиқ қувноқ ва айни маҳалда зерикишдан ўзин қаёққа уришини билмайдиган ясан-тусан хўрандала нинг қулоқларини қоматга келтиргудай.

Ресторандаги девор ва қандилларга ўрнатилган ту фа-туман мусиқавий рангин чироқлар куй оҳангига м ҳолда тинимсиз товланади.

Устоллар орасида патнисларда ноёб овқатлар ва ж риж пишириқларини кўтарганча, дастурхон хизматчил ри ғир-ғир ўтиб туришади.

Эстрадачилар рўпарасида қимматбаҳо кийим-кеча ларга бурканган ёш-яланглар, ўрта ёшдаги одамлар (

ралиб, эшилиб рақс тушишади, уларнинг орасида битта-ярнмта, ёши ўтган сатанг хотинлар ҳам учрайди.

Элликдан ошган, ялтироқ дакрон костюмдаги бир одам ярғоқ бошини ярақлатганча, оёқлари узун, ярим яланғоч, дароз бир қизчани маҳкам бағрига босган ҳолда ўйин тушар, унинг баланд пошнали туфлилари паркет тўшамада дўқиллар эди.

Устоллар узра сигарет тутунлари паға-паға бўлиб ҳавога ёйилади.

Хўрандалар танноз хонанда ижро этаётган қўшиққа эътибор қилмай, ўзлари бир-бирларига ёпишиб қуюқ суҳбат қуришар, бот-бот қадаҳларни чўқиштиришарди.

Айрим давралардан инглиз, франг, афғон, турк забонлари қулоққа чалинарди.

Ялтироқ костюмдаги Шуҳрат бўйинбоғини бўшатиб қўйганча, гўзал Лолитанинг елкаларига қўлини ташлаб олган, қадаҳдаги коньякдан бот-бот ҳўплар эди.

Лолита эса рўпарасида ўтирган малласоч дугонаси билан жонланиб суҳбатлашарди.

— Гулка савдойи бўлиб қолаёзибди, — дейди Лолита. — Амирликларга бориб, уй жавонлари олиб келибди-ю, энди уларни сотолмай гаранг.

— Ҳа, ҳозир одамларда пул кам.

Эстрадада қўшиқ янграйди:

— Эркакларни асранг, аёллар!..

— Менга унинг телефонини топиб бер, — дейди Лолитанинг дугонаси.

Макс лақабли қиморбоз Шуҳратга яқинлашиб, унинг елкасига туртади.

— Шуҳа, қутқар, ошна!..

Шуҳрат бошини кўтариб, унга савол назари билан қарайди.

— Юқорида, номерда... пича омадим кетди...

Макс қўл ҳаракатлари билан карта тусаётгандай ҳолатни англатади.

— Қанчага тушдинг? — сўрайди Шуҳрат қовоғини уюб.

— Беш юз бакса...

— Охири вой бўлади, Макс, — дейди Шуҳрат қўйин чўнтагидан доллар чиқараркан.

Макс пулни олиб, кўздан ғойиб бўлади.

— Ким бу? — сўради Лолита.

— Маҳмуд, — истеҳзоли кулимсирайди Шуҳрат. —

Қиморбоз... Баҳорда улар бу ердан нуқул тентакларни излашади. Хасталик бу. Картасиз яшай олмайди...

Эстрадада энди қоп-қора мўйловли хушовоз ёш хонанда қўшиқ айта бошлайди.

Ресторанга ажнабий сайёҳлар гуруҳи кириб келади. Бош дастурхон хизматчиси уларни ясатилган бўш устоллар сари бошлайди.

— Кечирасиз, Шуҳрат ака...

Унинг рўпарасида ёш хизматчи йигит турарди.

— Сизни нариги устолга таклиф қилишаяпти...

У Лолитанинг елкасидан қўлини олиб: «Мен ҳозир —дейди-да, ўрнидан туриб, бўм-бўш устолда танҳ ўтирган одамнинг рўпарасига бориб жойлашади.

— Олдингга ўзим бормоқчийдим, — дейди у, — ёл ғиз эмас экансиз?..

— Ҳечқиси йўқ, — дейди Шуҳрат. — Лекин муасси фирма хусусида сўз очмоқчи бўлсанг, сенга гапим йўқ Аброр.

— Шуҳрат, — дея илтижо билан тикилди таниши унга. — Сен мени биринчи йил кўриб турганинг йўқ-ку?

— Гап йўқ. Лекин сен ҳам менинг одатимни яхши биласан, — кулимсирайди Шуҳрат. — Дўстлик ўз йўлига, лекин пул... Ҳаёт шунақа...

Шуҳратнинг таниши бошини қуйи солганча сукут сақлайди.

— Сени, Аброр, ўша хитой билан алоқани йиғиштир, деб аввал ҳам огоҳлантирган эдим, — дейди Шуҳрат, — ўзинг пиширган ош...

Аброр бўш устолга тикилганча яна бир неча дақиқа жим қолади-да ,сўнгра ўрнидан туриб, ташқарига йўналади.

Шуҳрат унинг ортидан тикилганча қараб қолади, сўнгра ўрнидан туриб, ўз устолига отланади.

— Кетдик бу ердан, — дейди у Лолитага.

Лолита гапдан тўхтаб, Шуҳратга ўгирилади. Йиги эса ташқарига отланган эди.

Лолита ўрнидан туриб, дугонасига қўлини силки тади:

— Чао!

Қиз Шуҳратнинг ортидан кетади.

Эстрадада ҳамон қўшиқ янграйди.

Ярим яланғоч раққоса кўйлаги этагининг ёриқлари дан оппоқ сонларини кўз-кўз қилиб, ноз-ишва ила хи ром айлайди.

* * *

Лолитанинг оёқлари ҳам чакки эмас. Мошина ичида уларни муқобил мошиналарнинг чироқлари бот-бот ёритиб ўтади.

Лолита «Лимузин» ҳайдаб бораётган Шуҳратнинг тиззасига бошини қўйганча, ўриндиқда оёқларини чалиштириб, осмонга қараб ётади. Унинг туфлилари деразага тақалиб турарди.

— Балки «Сангам»га борармиз? — сўрайди Шуҳрат.

— У ер менга ёқмайди, — дейди Лолита сигаретини ўт олдираркан, — «Олимпия»га боргим келаяпти.

— Гап йўқ, — дейди Шуҳрат ва кескин тормозни босиб, ҳар қандай қоидага зид, мошинани орқага буради. У энди газни боса бошлаган маҳалда ДАН ходимининг ўзидан қизил нур таратаётган таёғи ва чўзиб-чўзиб чалинган ҳуштаги уни тўхтатади.

Шуҳрат мошинани тўхтатиб, жойида ўтираверади.

Ёндераза қошида сержантнинг бақалоқ юзи кўринади. У қуралай кўзларини Лолитанинг оёқларига ҳайрат билан тикади.

— Сержант... Обидов... — дейди ДАН ходими панжасини шапкасига теккизиб салом бераркан. — Ҳужжат... ҳужжатларингизни кўрсак.

Шуҳрат чўнтагидан йигирма долларлик қоғозни чиқариб сержантга узатади.

Шуҳрат сержантнинг жавобини кутмай, тезликни улаб, мошинасини кескин олға ҳайдаб кетади.

* * *

Мошиналар ғизиллаб учиб ўтаётган йўл манзараси муҳити титрда пайдо бўлади.

Сценарий муаллифлари, постановкачи режиссёр, оператор ва бошқа ижодий жамоа аъзоларининг исм-шарифлари ёзилган ёзувлар худди тундаги катта йўл узра юлдузли осмон қўйнига сингиб кетаётгандай ҳолатда кўрсатилади.

Ёзувлар тугагач, дастлабки шаҳар йўли манзараси атрофини қум барханлари ва саксовулзорлар қуршаган катта кимсасиз йўл билан алмашинади. Қоронғи тушиб қолгани учунми, мошиналар йўқ ҳисоби.

Шуҳрат энди ВАЗ-2101 русумидаги «Жигули» мошинасини ҳайдаб келаяпти. Ёнидаги ўриндиқда — Аб-

рор. Улар энди аввалги қиёфаларига нисбатан 5-6 ёш навқиронроқ кўринишади. Шуҳратнинг энди аспирантурани тамомлаган даври.

— Сенга маза, — дейди Аброр, — ҳимоянг зўр ўтди. Менинг эса, ҳали елкамда тоғ тургандай.

— Ҳечқиси йўқ, — юпатади уни Шуҳрат. — Сеники ҳам яхши ўтади, ўзим ёрдам бераман. Айтмоқчи, китобчанг нашрдан чиқдими?

— Шу ишни битказсак, илмий ишингни ҳомийсиз ҳам ўзинг чоп этаверасан.

— Илоё айтганинг келсин!

— Биласан-ку, поччам — катта тижоратчи. Қўлингни бурнингга тиқиб юравермай, сен ҳам бизнинг ишларга сал-пал аралашиб тур. У-булик бўлиб қоласан, деб ҳоли-жонимга қўймади.

— Сира ишонгим келмаяпти, чиндан ҳам ҳозир киссангда йигирма минг доллар борми?—сўрайди Аброр, эҳтимол, иккинчи ё учинчи марта.

— Бўлганда қандоқ! Белимга тугиб беришди. Сен оддий аспирантсан, шунча пулинг бўлиши мумкинлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, дейишди. Поччамнинг Алматидаги ҳамсояларига етказиб берсак, кейин шартномага қўл қўйдириб, муҳр бостирсак, бўлди, марра бизники!

— Е, тавба! Шунча пул умрим бино бўлиб тушимта ҳам кирмаган!..

— Мени айтмайсанми, мени!.. Лекин эсон-омон қайтиб келсак, бизга ўз улушимизни беришади. Анча-мунча!..

Шу пайт уларни «ГАЗ-21» мошинаси катта тезликда қувиб ўтади-да, беш юз газча олдинга ўтиб тўхтайди.

Мошина чироқлари ёруғида Шуҳрат билан Аброр челак тутган барзанги бир йигит «Волга»дан тушиб, қўл кўтарганча ўзларидан тўхташни илтимос қилаётганини пайқашади.

Шошиб қолган Шуҳрат беихтиёр тормозни босади.

— Бензинлари қолмаган чоғи,—дейди Шуҳрат каби ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўпам тотиб улгурмаган тажрибасиз Аброр тахминлаб.

— Уч-тўрт литр берайлик, даштда қолиб кетишмасин,—дейди Шуҳрат ҳам соддадиллик билан.

Шу пайт челак кўтарган барзанги йигит мошина деразасига энгашади.

— Йигитлар, мана шу челакни сотиб олсанглар,— дейди у негадир совуқ буйруқ оҳангида.

— Бизга челак керакмас,—дейди вазиятни ҳали ҳам тушуниб етмаган Шуҳрат дилига ғулғула тушиб.— Бензинларинг тугаган бўлса, пича берайлик, деб тўхтовдик.

— Йўқ, бизга бензин керакмас, лекин манави челакни сотиб оласизлар!—дейди барзанги йигит амирона ва челакни олдинга — «Жигули» деразаси сари узатади.

Шу пайт «Волга»дан кетма-кет отилиб чиққан яна икки гавдали йигитнинг бири қўққисдан тўппонча ўқталиб, челакка қараб ўқ узади.

Челакнинг ўртасида пайдо бўлган катта тешикни кўрган Шуҳратнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетади.

— Тешик челак нархи энди яна қимматлашди,— дейди «Волга»дан тушган малла сочли девқомат йигит.

— Бўла қолинглар энди,—дейди пастроқ бўйли кўзлари қийиқ йигит,—сизлар билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтимиз йўқ.

Малла сочли йигит Аброрни мошина эшигидан юлқилаб тортиб чиқаради-да, бир-икки муштлашдаёқ қулатади. Аброр ҳушидан айрилади. Қийиқ кўзли йигит эса, Шуҳратнинг бўйнига зудтар арқон солиб, бор кучи билан ўзига тортади. Очиқ эшик орқали ерга юзтубан қулаган Шуҳратнинг бўйни қип-қизил бўлиб шилиниб кетади. Нафас олиши қийинлашиб, бўғилади, кўзлари косасидан чиққудай ола-кула бўлиб кетади. Уни икки тарафдан кучли оёқлар аёвсиз тепкилашга тушишади.

Шуҳрат ҳушидан кетаркан, малла сочли йигитнинг:

— Бас қилларинг, ўлдириб қўясанлар!—деган сўзлари элас-элас қулоғига чалинади.

Бу пайт Шуҳратнинг жигарини мўлжаллаб тепкилаётган қийиқ кўзли йигит нохос ҳаракатини тўхтатиб:

— Шошма-чи, унинг белини қараш керак. Ўзбеклар бор бисотларини белларига тугиб юришади,— дейди-да, зудлик билан Шуҳратнинг кўйлаги остидаги қийиқчани ечиб олади.

Қийиқчага тугилган катта миқдордаги долларни кўриб, учаласининг ҳам кўзлари косасидан чиқиб кетаёзади.

— Кетдик!—дейди малла сочли девқомат йигит ошиғич буйруқ оҳангида.—Худо берамаи деса, қўш қўл-

лаб беради. Саке, сен «Жигули»га ўтир, тайёр захир қисмлар...

Лаҳза ўтмай кимсасиз тунги дашт қўйнида «Волга» ва «Жигули» машиналари кетма-кет катта тезликда олға елиб кетишади.

Шуҳрат билан Аброр эса, оғиз-бурунлари қонга беланган ҳолда йўл чеккасида беҳуш ётганча қола веришади.

* * *

Уларнинг тепасида — ёрқин юлдузлар тўла ойдин осмоннинг қоқ ўртасида тўлин ой ғамга ботгандай ҳушсиз ётган йигитларга маҳзун боқади. Шу пайт ундан сал қуйироқда бамисоли иккинчи, кичикроқ ой пайдо бўлиб, Шуҳрат билан Аброр ётган жой сари катта тезликда пастлай бошлайди.

Кутилмаганда Шуҳрат ётган жойида бир сапчиб танасидан унинг руҳи — айнан ўзига ўхшаган, лекин шаффоф нурга йўғрилган йигит ажралиб чиқади-да, аввал ўз жасадига, кейин ҳамроҳиникига ҳайрат ва таажжуб билан тикилади.

Бирдан унинг нигоҳи ўзидан ёрқин нур таратиб пастлаб учиб келаётган ойсимон само кемасига тушади.

Мана, чор-атрофга иллюминаторларидан милт-милт нур таратаётган ликопчасимон кема уларнинг ёнгинасига келиб қўнади-да, шу заҳоти тагидан узун зина узалиб, ерга қадалади.

Шу маҳал зинадан илк лавҳа орқали бизга таниш маҳзун нигоҳли фариштасифат соҳибжамол тушиб келади.

У йигитнинг руҳи ила юзма-юз келгач, кўзларида аллақандай самовий бир ёғду жилва қилади.

— Салом, эй ошуфта руҳ! — дейди у соф ўзбек тилида.

— Салом, эй... фаришта! — дейди йигит ҳайрат ва таажжуби баттар ортиб.

Пича тараддудда қолгач, у сал ўзига келиб сўради.

— Чамамда, мен ўлганман-у, сен мени Мункар Накир сўроғига бошлаб бормоқчисан, шундайми?

— Йўқ, азизим, сен ҳали қайта тириласан. Худо деган беғубор, софдил йигит экансан, бошларингга

мусибат тушганини биз иттифоқо Коинотдан туриб пайқадик. Афсус, бир оз кечикибмиз. Лекин ҳечқиси йўқ. Сизлар пича ҳушсиз ётиб, ҳализамон ўзларингга келасизлар. Йўловчи мошинада уйга ҳам эсон-омон етиб оласизлар.

— Сен буни қаердан биласан? Умуман, сизлар кимсизлар ўзи?—сўрайди Шуҳрат энди кемага нигоҳ ташлаб.

— Кейин... бу ҳақда кейин...—дейди қиз кулимсираб, лекин унинг қаёққадир шошаётгани сезилиб туради.—Биз ҳали яна кўришамиз, Шуҳрат. Лекин сенга бир гапни айтиб кетишим керак: яқин орада сенинг ишларинг ўнгланиб кетади. Аждодларинг саййид, шайхлардан ўтган табаррук зотлар экан. Парвардигор иродаси билан сени ўшаларнинг руҳи-поклари қўллайди. Билъакс, илмингдан воз кеча кўрма! Аммо... нопок йўлга кирсанг, бунинг охири вой бўлиши тайин. Хўп, омон бўл, яна кўришгунча хайр, азизим!

Қиз турган жойида бир зумда кўздан йўқолиб, шу заҳоти само кемасининг зинасида пайдо бўлади-да, йигитга қўл силкитади.

Шуҳрат ҳам жилмайганча, унга беихтиёр қўл силкитади.

— Хайр, фаришта!

Лаҳза ўтмай само кемаси Коинот қўйнига қараб отилади.

Унинг ортидан анграйиб қараб қолган Шуҳрат ўз жасади томон юради, сўнгра бирдан унинг устига сакрайди. Шу ондаёқ йигит бир сесканиб, ўзига келади.

Ётган жойида кўзларини очиб, коинот қаърига сингиб бораётган митти юлдузга ҳайрат ичра тикилиб қолади.

* * *

Эски шаҳардаги мўъжаз кўк дарвоза ёнига оқ «Лимузин» келиб тўхтайди. Ундан ширакайф Шуҳрат тушади. Мошинанинг юкхонасини очиб, ундан катта қутини олади-да, уйга қараб юради.

Унча катта бўлмаган оддий ҳовли. Ўнг тарафда айвонли, тўрт хонали уй, ҳовли ўртасига турфа-туман мевали дарахтлар дид билан батартиб экилган. Бодринг, помидор, қулупнай ва кўкатлар экилган жўяклар ҳам бор. Ҳовли юқорисидан ўтган чуқур ариқда чарх-

палак чиғириғи ғичирлаб айланади. У чиқариб бер ётган сув жилдираб полизга таралади. Кетмон ушл ган отаси жўякларга сув тараш билан банд.

— Ассалому алайкум, дода! — хурсанд ҳолда хит қилади Шуҳрат қўлидаги қутини айвон четига қўя кан. Кейин отаси билан қучоқлашиб кўришади. Лек отасининг нимадандир норозилиги кўриниб турад Айвонда Шуҳратнинг онаси пайдо бўлади.

— Бормисан, болам!—дейди у гинаомуз оҳанг ўғлини бағрига босаркан.—Марказдан уй олиб чак қилдинг-да. Азбаройи соғинганимдан ёш болад ичикиб қолаяпман.

— Ойижон, энди тез-тез келиб тураман. Худо шукур, ишларим юришиб кетди,—дейди Шуҳрат ху чақчақ кайфиятда қутидаги ичимликлар ва рестора дан олган овқатларини айвондаги хонтахта усти олиб қўяркан.—Дода, сиз ёқтирган винодан олиб ке дим. Ота-бола бир отамлашайлик.

— Мошинада ичиб юрадиган одат чиқарибси ўғлим,—дейди отаси хонтахта тўрига ўтаркан, қовоғи ни уюб.—Бу ишингиз чакки. Домлачиликни ҳам й ғиштириб қўйибсиз. Илмли одам ҳаётда қоқилмайд Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва са лам: «Бешикдан қабргача илм изла!»—деб беж айтмаганлар ахир!..

— Э, додажон!—дейди Шуҳрат ҳамон ўша кўт ринки кайфиятда чет эл шаробининг қопқоғини оча кан.—Домлалик ҳам қиламан, керак бўлса, профе сорлигини ҳам оламан. Бу ўткинчи дунёда чўнтак пулинг бўлса, чангалда шўрва...

— Ёшинг ҳам ўттизга бориб қолди, болам. Биз қ риб қолдик. Сени уйлантириб, орзу-ҳавасингни кўрс деймиз. Сен бўлсанг, ҳали-ҳануз парвойинг палак..

Шундай деб онаси ҳовли чеккасидаги тандир тара га қараб отланади. Нон ёпа бошлайди.

— Бошингизга тушган ўша фалокатдан сўнг с жуда ўзгариб кетдингиз, ўғлим. Ёдингиздами, сиз ў мирлигингизда қандай беғубор, илмга ташна, тан йигитча эдингиз! Энди бўлса, нуқул пул, бойликд гапирасиз. Булар бари қўлнинг кири, ўткинчи нарс лар, ахир!

— Э, додажон! Ҳаётда сиз эскича мушоҳада юр тишга ўрганиб қолгансиз.

— Ҳай-ҳай-ҳай, ўғлим, гуноҳ гапни гапираяпси

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам, отангни ўлдирганга онангни бер, деганлар. Ёвузликка қарши албатта курашмоқ жоиз. Лекин ёвузликни ёвузлик ила енгиб бўлмас. Амал қилинган ҳар бир ёвузлик худди уммон тўлқинларидай янги-янги бахтсизликларни бошлаб келаверади.

— Тушунсангиз-чи, додажон, бу фалсафангиз Дақкиюнусдан қолиб, абадаси чиқиб кетган. Мен мана шу ёшга кириб, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотиб кўрдим. Энди мен мустақил йўлга кириб, ана шу улкан ҳаётнинг дошқозонида қайнаяпман. Ҳа-ҳа, асил маънода яшаяпман! Шунча вақт бир илмий ходим бўлиб юрганим етар! Энди мени ҳеч ким, ҳатто Худо ҳам, бу йўлдан қайтаролмайди. Чунки ҳозир мен бойлик маъносида ҳам, ишбилармонлик борасида ҳам шундай чўққига кўтарилдимки, олдимда ўзларини мапаман деган тадбиркорлар ҳам ип эшолмайди!..

— Ҳай-ҳай-ҳай, жон ўғлим, Оллоҳга шак келтирманг!—дейди жон-пони чиқиб кетган отаси зориллаб.— Худо кўрсатмасин, бунинг охири вой бўлади. Ҳамиша: Иншооллоҳ, Худо хоҳласа, деб гапиринг!..

— Э, дода, қўйинг бу бош оғриқ гапларни! Келинг, яхшиси сиз билан бир ичишайлик. Яхши мавзулардан гаплашайлик...

Шундай деб Шуҳрат пиёлаларга вино қуйиб, биттасини отасига узатади. Отаси хафақон кайфиятда бошини чайқаб, ичмаслигини билдиради.

Шуҳрат: «Сизларнинг соғлигингиз учун!»—деб винони бир сипқоришда ичади.

— Додажон!—дейди Шуҳрат ичкилик таъсиридан-ми, ҳаяжон билан кўзларини сузиб.—Бу ёруғ дунёда менинг сизлардан бошқа яхши кўрадиган одамларим йўқ. Сизлар учун ҳамма нарсага тайёрман! Истасанглар, шаҳар марказидан зўр ҳовли сотиб олиб берай; истасанглар...

Шу пайт қўлида «пуф-пуф»лаб иссиқ нон кўтариб келган она ота-бола даврасига қўшилади.

— Э, болагинам!—дейди у маҳзунлик билан.—Киндик қоними тўкилган жойни ташлаб қаёққа ҳам борардик. Худога минг қатла шукур, ҳамма нарсамиз бут. Сут-қатиқ, мева-чева, сабзавот — ҳаммаси ҳовлимизда бор. Мен ҳам ғимир-ғимир қилиб, тиним билмайман. Сен тинч бўлсанг, ўзингга муносиб келин топиб уйлансанг, ўзимизнинг бағримизда, мана шу

ҳовлида яшасанг — бизга шундан ортиқ бахт йўқ, болагинам!

— Ойижоним!—дея онасини қучоқлайди Шуҳрат.— Ҳаммаси яхши бўлади, мана кўрасизлар! Уйланаман ҳам, невара-чеварали бўласизлар ҳали!.. Мен сизлар учун ҳамма нарсага тайёрман!..

Онаизорнинг кўзларига беихтиёр севинч ёшлари балқийди.

* * *

Ўз «Лимузин»ида шаҳар марказидаги уй-идорасига йўл олган Шуҳрат эски шаҳарнинг эгри-бугри тор кўчалари орқали олдинга шошилади. Бир соатдан кейин туркиялик ишбилармонлар билан учрашиши керак, унгача уйида яхшилаб дастурхон ясаттириши лозим. Мошина чироқлари гузардаги эски девор ёнида турган ўсмирлар гуруҳини ёритади. Асфальт ётқизилган катта кўчага буриларкан, Шуҳрат ғалати манзаранинг гувоҳи бўлади.

Само кемасидан тушган ўша бизга таниш ҳарир куйлакли қиз тор кўчага кириб борарди.

Шуҳрат унга айтарли эътибор бермайди, унинг «Лимузин»и катта кўчадаги чироқлари йўлини ёритаётган мошиналар оқимига қўшилиб кетади.

Фариштасифат қиз эса, ўсмирлар алланималар хусусидадир гурунглашиб турган гузар сари юрмоқда, қоронғида уларнинг сигаретлари тунги юлдузлардай милтиллайди.

Ўзлари томон келаётган ғалати қизга кўзлари тушган ўсмирлар унга ҳайрон бўлиб тикилишади. Уларнинг бири ҳайратдан ҳуштак чалиб юборади. Сўнгра ўсмирларнинг эътиборини қизнинг билагидаги қоронғуда ялтираб кўринаётган билагузуги ўзига жалб қилади.

Йигитларга яқинлашиши билан улар қизнинг йўлини тўсишади.

Қиз уларга хотиржам тикилганча, тўхтайди.

У ўзини хотиржам тутиб янглишган эди.

Девори ортида қиз боланинг қичқириғини эшитган Шуҳратнинг отаси эшикни очиб, тор кўчанинг зулматга чўмган муюлишига қараб шошади.

Ўсмирлар ғойиб бўлишган. Чанг босган йўл чеккасида эса, ялтироқ куйлакдаги фариштасифат қиз ҳушсиз ётарди.

билагининг яқиндагина билагузук тақилган жойи тирналиб, қонталаш рангда қизариб қолганди.

Шуҳратнинг отаси хотинини чақириб чиқади ва иккovлон ҳуши бошидан учган қизни амал-тақал қилиб уйга олиб киришади.

* * *

Шуҳрат юқумли касалликлар шифохонасида бир ўзи шипга тикилганча, ўй суриб ётибди. Унинг тепасидаги осғичга сап-сариқ суюқ дори илиб қўйилган, узун резина найча орқали у йигитнинг билагига уланган. Шифокорлар унга томчилатиб гемодез қуйишаётганди.

Йигитнинг юзида чуқур изтироб ва қаҳр-ғазаб ифодалари бамисоли қотиб қолган, кўзларига қон қуюлгандай эди. Унинг қалбида катта ўзгаришлар кечаётганини пайқаш қийин эмас. Жигари эзилган эмасми, шифокорлар унга «сариқ» деб ташхис қўйишганди.

Шуҳратнинг изтиробли ўйлари ҳазин мусиқа жўрлигида эшитилади:

«Нега бундай бўлди? Бу қандай кўргилик? Катта-катта йигитлар кўра била туриб, ўзларини шундай кишилар қўлига топшириб ўтиришса-я!.. Шу даражада ҳам содда, гўл, шу даражада ҳам лақма бўладими одам? Мана энди у бўйнигача қарзга ботиб ўтирибди. Яна кимдан? Ўзи ёмон кўрган ўша хитойликларнинг фирмасидан. Йигирма минг доллар-а! Бу айтишга осон. Бутун умр ишласа ҳам бу пулни топиб бўпти. Поччаси Латиф ака бу ишда ўла қолса унга кўмаклашмайди. Қори ишкамбадан ҳам зиқнароқ. Бировга бир дона сигаретни ҳам тўмсайиб беради. «Биз билан бирга ишласанг, улушингни оласан», дейди-ю, иложи бўлса, ўша улушингни ҳам уриб қолади...»

Шуҳратнинг кўзлари энди қатъият билан чақнайди:

«Йўқ, энди у Худо хоҳласа, манави «сариқ»дан қутулиб олгач, буткул бошқача яшайди! Лаънати илмни ҳам йиғиштиради, олийгоҳни ҳам!.. Етар шунча хоксор, латтафуруш бўлиб юргани...»

Шу пайт эшик тақиллаб, поччаси Латиф ака кириб келади. У баланд бўйли, қирра бурун, кўзлари кичкина совуқ тикилади. Орқасидан кирган ҳамшира:

— Бемор узоқ гаплашиши мумкин эмас, ака, сиздан илтимос,—деб чиқиб кетади.

— Оббо, сен-ей, — дейди Латиф ака истеҳзо аралаш

ўлганининг кунидан илжайиб...—кап-катта йигитлар шунақаям қовун туширадими?! Ахир, қайси тентак чўлнинг қоқ ўртасида, яна ярим кечаси луч келган одамга мошина тўхтатади? Калланглар қаерда ўзи?!

Шуҳрат унга парвойи палак бўлиб тикилади. Бирдан унинг нигоҳида нафрат учқунлари чақнайди. Лекин чурқ этмайди, аламини ичига ютади.

— Менга қара, жигар, сен эрта-индин профессор бўладиган одамсан, ёш болалигинг қолмади. Шунинг учун воқеанинг айнан шундай бўлганига ишониш қийин. Ё сен ошнанг билан келишиб бизни лақиллатаяпсанми? Ростини айт: пулни балки қимор-пиморда ютқазиб қўйгандирсанлар? Ё бўлмаса мўмай фойда олиш мақсадида уни тасарруфга қўйиб юбордиларингми?

Шуҳрат энди поччасига қаҳру газаб билан тикилади.

— Менга ишонмасангиз, сизга бошқа гапим йўқ,— дейди овози бўғилиб.—Чиқинг бу ердан!..

— Оббо сен-ей!—дея ҳовуридан тушиб, энди эркаловчи оҳангда сўз қотади Латиф ака.—Жаҳлинг ҳамбурнингнинг устида туради-я сенинг! Салга ловуллаб кетасан. Қўй, асабийлашма, жигар, сенга бу ҳозир гирт зарар.

— Менга нима фойда, нима зарарлигини ўзим яхши биламан,—дейди Шуҳрат ҳамон газабини босолмай.— Лекин тушунолмай қолдим, менинг қиморбозлик қилиб юрганимни қаерда кўрувдингиз ўзи?!

— Э, бўлди, ўзингни бос,—дейди поччаси тил учида яна уни юпатишга уриниб.

— Йигитчиликда ҳаммаси бўлиши мумкин. Жўралар билан улфатчиликда нималар қилмайди одам. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Энди сен билан биз бу огир вазиятдан қандай чиқиб олишни ўйлашимиз керак, жигар.

Шуҳрат унга истеҳзо аралаш савол назари билан тикилади.

— Уйда бундай пулга сотишнинг мумкин бўлган ҳеч ваҳоларинг йўқ ҳисоби,—дейди Латиф ака кибру ҳаво аралаш писанда билан.—Ўзинг яхши биласан: сенга қарз бериб турардим-у, лекин янги участка қураяпман, цех, ресторан очаяпман, жами пулларим тасарруфда. Дарвоқе...

Латиф ака пича ўйланиб қолади. Шуҳратнинг тунд қиёфасига умидворлик балқийди.

— Дарвоқе, Паркентда отанг қурган тўрт хонали дала ҳовлиларинг бор-ку?..

Шуҳрат алам билан қошларини чимиради.

— Шуни сотишга тўғри келади. Камида ўн минг долларга кетади. Сенга очиғини айтай: бунақа катта пулни ҳеч кимдан ололмайсан. Бошқа иложинг йўқ.

— Нималар деб алжираяпсиз ўзи?—дейди Шуҳрат гижиниб.—Бўлиб ўтган воқеадан ота-онамнинг хабари йўқ-ку.

— Отангга билдирмаймиз. Ойинг билан ўзим гаплашаман. Онайизоринг тушунади.

— Хўш, қолган ўн мингни қаердан топаман?

— Э, жигар, китоб қўлтиқлаб умрингни ўтказиб юраверган экансан-да. Дала ҳовлининг пулини тасарруфга қўйиб, икки ойда уч баравар кўпайтириб олиш мумкин. Ошнам қора Садирни танийсан-ку, ҳозир қозоқлардан дон олиб, туркманларга сотиб, роса пул қилаяпти. Шуни ишга соламиз.

Шуҳрат ўйланиб қолади.

Буни унинг розилигига йўйган Латиф ака яна «ҳужум»ни давом эттириб, эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда гапиради:

— Дўппини ерга қўйиб, яхшилаб ўйлаб кўр, жигар, ҳозирги шароитда бошқа иложинг йўқ. Бугун кечқурун мен ойинг билан ими-жимида гаплашиб, дала ҳовлиларингга харидор излашга киришаман.

Чеҳрасига чуқур ғам-андуҳ соя ташлаган Шуҳрат беихтиёр муштлари тугилиб, юзини тескари буради.

* * *

Латиф аканинг ишхона-уйи. Уй деворлари нақшин жилолар билан безатилган. Шипга қимматбаҳо биллур қандил осилган. Бўлмада олмон уй жавонлари... Унг тарафда устига гулдор ипак мато ташланган «Г» ҳарфи шаклидаги нимкат, оёқ остида — чўгдек эрон гиламлари...

Хонанинг тўридаги қора-ялтироқ устол ортидаги бежирим курсида ўтирган Латиф ака радиотелефонда аллаким билан гаплашаяпти.

— Менга қара, Арсен, — дейди у қизишиб. — Сен билан биринчи йил ишламаяпмиз-ку, тушунсанг-чи,

ахир! Бу ишда иккаламизнинг ҳам оёғимиз осмондан бўлиб кетиши мумкинлигини тасаввур қиласанми? Умуман, бу телефонда гаплашадиган гап эмас. Яхшиси, идорамга келгин, бафуржа муҳокама қиламиз. Хўп, кўришгунча!...

Телефон дастагини қўйиши билан эшикда котибаси — баланд бўйли, калта кўйлак кийган йигирма ёшлардаги сатанг қиз кўриниб, Шуҳрат келганини билдиради.

— Айт, кираверсин, — дейди Латиф ака.

Шуҳрат ғазаб билан отилиб киради. У озиб-тўзиб кетган. Лекин нигоҳида дастлабки ғам-андуҳ йўқолиб, қандайдир қатъият, ўзига ишонч пайдо бўлган.

— Нима бало, фирмангда ишларинг чаппасига кетдими, жигар? — сўрайди Латиф ака сохта ачиниш билан. — Нега бунчалик озиб кетдинг?

— Фирмада-ку, ишлар чакки эмас, — дейди Шуҳрат истеҳзо аралаш. — Лекин анави қора Садирингиз гирт учар, товламачи экан. Онангни эмгурни ё ажримчилар тўдасига топшираман, ё қаматтириб юбораман!..

Латиф ака дарров попуги пасайиб қолгандай бўлади.

— Тунов куни қўнғироқ қилувди. Ишлари чатоқмиш. Қирғизистондаги икки вагон молини миршаблар ушлабди.

— Буларнинг менга дахли йўқ! Ўн минг баксани кўз олдингизда нақд санаб берган эдим. Бир йилдан бери алдаб юрибди. Худди тўтиқушдай «эрта оласан, индин оласан»дан нарига ўтмайди. Энди ўзидан кўрсин! Лаънатидан олти юз фоиз қилиб ундирмасам, отимни бошқа қўяман.

— Э, жигар, бунча катта кетма. Садир ёмон йигит эмас. Яна пича сабр қил, сўзининг устидан чиқади.

— Яна қанча сабр қилишим керак? Хитой фирмасидан ҳали яна ўн минг қарзим бор. Яқинда тилхат ёздириб олишди. Бир ой ичида тўламасам, устига катта устама фоиз қўйилади, кейин менинг ишимни ҳам ажримга оширишади, тушунаяпсизми, ахир?!

— Э, жигар, сени менчалик тушунадиган яна бир одам бўлса, калламни кундага қўяман, — дейди Латиф ака сохта куюнчаклик билан.—Ажримга келсак, ҳозир манаман деган зўравонлар ҳам бу ишдан қўрқиб қолган. Қонунларимиз зўррок-да.

— Э, қонун йўлингдаги тўсиндай бир гап. Уни ҳаммавақт айланиб ўтиш мумкин.

— Бу сенинг фикринг. Гап шундаки, ажримчилар пулингни ё бирор бошқа мулкингни ундириб беришади-ю, лекин ўз улушларини олишни ҳам асло унутишмайди.

— Сал-пал хабарингиз бор: шу ўтган бир йилда менчалик қийналган одам бўлмади. Жуда катта одамларнинг фарзандларига бир эмас, иккита диссертация ёзиб беришимга тўғри келди. Шу боис тузуккина фирмага, дўконга ҳам эга бўлдим. Бундан буён Худо хоҳласа, ишларим зўр бўлаверади. Кичик завод, фабрика очаман ҳали.. Лекин анави лўттибозингизни қаматтирмай қўймайман!..

Латиф аканинг жон-пони чиқиб кетади.

— Менга қара, жигар, қаматишдан фойда йўқ, — дейди у энди чинакамига куюниб. — Қамалган одам бир тийин қарз тўламайди! Бу ёзилмаган қонун, тушунсанг-чи! Бу гапни сенга мен — қамоқхона кўрган одам айтаяпман!..

— Бўлмаса нима қил дейсиз? — бақиради Шуҳрат яна ғазаб отига миниб. — Е олдига ёлланма кимсаларни жўнатиб, обдан шилтасини чиқарайми?! Билиб қўйинг: мен энди сиз билган илгариги Шуҳрат эмасман! Бугунги кунда менинг орқамда обрў акалар турганини ҳойнаҳой сиз ҳам эшитгансиз...

— Менга қара, жигар, — ялинишга ўтади Латиф ака. — Худо хайрингни берсин, ўзингни бос. Садирдан пулингни ўзим ундириб бераман! Керак бўлса, мошиналарини ҳам соттираман. Умуман, ёмон одам эмас у. Тирикчилик шу кўйга солган...

Шуҳрат поччасига яна нафрат билан тикилади. Кейин паст овозда:

— Яхши одам бўлганида, сиз билан ҳамтовоқ бўлмасди, — дейди-да, пича ўйланиб тургач, ковоғини уюб: — Сизга уч кун муҳлат бераман. Агар уч кун ичида қарзини узмаса, ўзидан кўрсин! У ҳолда бу иш билан манаман деган ажримчилар тўдаси шуғулланади! — дея кескин бурилиб ташқарига йўналади.

* * *

Шуҳрат ота-онасиникига борган кунининг эртасига кайфи тарқаб ўзига келгач, кеча маст ҳолда борганини

учун улардан узр сўрагани «Лимузин»ида яна эски шаҳарга йўл олади.

Уйга кириб бориши билан дастурхонда чой ичиб ўтирган отаси, кейин онаси билан қучоқлашиб кўришади. Қўлини кўксига қўйиб, энди узр сўрамоқчи бўлиб турганида, кўзи нимкатда ётган ҳарир кўйлакли фариштасифат қизга тушиб, турган жойида ҳайкалдек қотиб қолади.

Ота-онаси қизни аллақачон ҳушига келтириб, парваришлаб, узун оёқларига оппоқ чойшаб ёпиб қўйишганди.

Шуҳрат ўз ҳаётида жуда кўп чиройли қизларни кўрганди. Лекин бу... Унинг кўзларида аллақандай самовий бир ёғду жилва қилаётгандай. Гўё унинг бутун танаси қуёш ва юлдузларнинг шаффоф нурлари ила йўғрилгандай эди. Лекин уни илгари қаерда кўрган?..

— Бу ким? — сўрайди Шуҳрат зўрға тили айланиб. — Мен уни илгари қаердадир кўргандайман.

— Э, болам, кеча кечаси маҳалламиз ўспиринлари, бир бало қилишган чоги, деворимиз ортида беҳуш ётган экан, — дейди онаси чуқур хўрсиниб, — амаллаб уйга олиб кирдик.

— Лаънатилар дўппослаб ҳушидан кетгазишган-у, қимматбаҳо тақинчоқларини ўғирлаб кетишган кўринади, — дейди отаси афсус-надомат оҳангида. — Лекин танасида бирор лат еган жойи йўқ...

Қизнинг паришон нигоҳи йигитга тушади-да, унда жонланиш юз бергандай бўлади.

— У... гапирадими? — сўрайди яна Шуҳрат ҳамон қиздан кўз узолмай.

— Ҳа, — дейди энди онаси жонланиб. — Соф ўзбекча гаплашади. Лекин сал девонароққа ўхшайди.

— Чинданам, гаплари сал ғалатироқ, — дейди отаси хотинининг фикрини қувватлаб. — Ўзига келиши олдидан қандайдир юлдуз буржлари. Коинотдаги ўзга сайёралар ҳақида алламбалолар, деб алаҳсиради...

Шуҳрат ўйчан ҳолда: «Қизиқ...» — дея қизнинг тепасига келади. Йигит ва қизнинг нигоҳлари ўзаро тўқнашади.

Бу тўқнашувдан ҳар иккovининг жисмига ҳарорат туташиб, қизнинг танаси ботаётган қуёшдек алангаланади, шабнам қўнган гул барги каби нафис юзини

тер босиб, навниҳол вужуди иситма ўтидан тўлғаниб бошлайди.

Шуҳратнинг ҳам пешонасидан тер қуйилиб, кўнгил уйи вайрон бўлиш даражасига келади.

Бебақо дунё ҳам бир пас юмшаб, туи фитнани ўз тасарруфидаги осуда ҳудуддан қувиб солади. Жаҳон меҳр-оқибат ва вафо билан тўлиб, жами бахтиқаролик ва касофатлар фалак уйини тарк этади.

Шуҳрат туйқусдан қизни қаерда кўрганини эслайди.

— Ахир, бу — фаришта-ку! — дейди у кўзлари чақнаб. — Салом, эй фаришта! — дея хитоб қилади у азбаройи суюниб кетганидан оғзининг танобини қочириб.

Салом, эй ошуфтадил руҳ соҳиби! — дейди қиз ҳам севинчдан гул-гул ёниб.

Шуҳратнинг ота-онаси йигит ва қизнинг бу ғалати аҳволидан лол қолишганча, бир-бирларига маъноли қараб қўйишади. Ёшлар эса улар борлигини буткул унутишгандай.

— Биз таниш бўлсак-да, ҳали-ҳануз исмингни билмайман, — дейди Шуҳрат негадир қимтиниб.

Бизнинг сайёрада мени Карэлла, деб аташади. Сизларнинг тилингизда у Гавҳар дегани.

— О, гоят гўзал! Мен ҳам Гавҳар десам майлими?

- Бош устига.

Улар ўзаро гурунглашаркан, ҳар икковининг ҳам кўзлари ўзгача бир сурур ила чақнайди. Шуҳрат бамисоли буткул бошқа одамга айланиб қолгандай.

— Башоратларинг тўғри чиқди, Гавҳархон! Ушанда мен сени тушимда кўрдим, деб ўйловдим, — дейди Шуҳрат кулимсираб.

Қиз унга шундай қаттиқ тикиладики, гўё унинг бутун ичини ичак-чавоқларигача кўраётгандай туюлади.

— Лекин сен ўзгариб кетибсан, Шуҳрат. Сен жуда софдил, бегубор йигит эдинг, — дейди Карэлла маъюсланиб, — илмини йиғиштириб қўйиб, савдо-сотиққа берилиб кетибсан...

—. Э, илмлилар нима каромат кўрсатишаяпти, — дейди Шуҳрат хафсаласиз қўл силтаб. — Ҳозир улардан ҳатто қассобларнинг ҳам обрў-эътиборлари анча баланд. Дарвоқе, бу ҳақда халқда қизиқ латифа ҳам тўқишган. Айтиб берайми?

— Қани-қани, — дейди Карэлла ёш боладай қизиқиб. — Эшитайлик-чи!..

Отаси кулимсираб хотинига маъноли имлайди-да, иккаласи уксизгина одимлаб эшикка йўналишади.

— Дўхтур ака, — дебди жиннихонага бир танишини йўқлагани борган одам бош шифокор ҳузурига кириб, — мен бир оғайнимни кўргани келувдим, унинг ёнида соппа-соғ, жуда ақлли бир одамни кўрдим. У йирик тижоратчилардан, қассоблик ҳам қўлидан келаркан.

— Э-ҳа, уми, — деб жавоб берибди бош шифокор энсаси қотиб. — У буюкликни даъво қилиш дардига чалинган. У ҳеч қандай тижоратчи ҳам эмас, қассоб ҳам... — У — оддий профессор.

Қиз маъюс кулимсираб, бошини сараклатди.

— Илм-фан, маданият одамларининг қадри йўқ жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Коинот миқёсида қаралса, сизлар бу соҳада ҳали жуда-жуда орқадасизлар.

— Аксарият давлатлар илм-фанга жуда кам маблағ ажратади. Лекин буни ҳам тушуниш мумкин. Чунки ҳозирги шароитда улар аввало ўз халқининг қорнини тўйдириши керак-да...

— Балли, аммо илм-фан одамларининг ўзлари ҳам олма пиш, оғзимга туш, деб ухлаб ўтиравермасликлари лозим.

Қиз шундай деб, аста ўрнидан туриб, нимкатга суяниб ўтиради.

Ҳарир кўйлагининг кўтарилиб қолган этакларидан чиннидай ялтираб кўринган оппоқ сонларига нигоҳи тушган Шуҳратнинг кўзлари қамашиб, боши айланиб кетади. Бунақа кезларда Шуҳрат ўзини тутиб туролмасди. Йўлбарсдай «ўлжаси»га ташланарди. Лекин ҳозир негадир нафсини тийиб, энди қизга завқ-шавқ билан тикилади.

Шундагина қиз ўзининг эгни-бошига эътибор қилиб, хижолатомуз оҳангда сўз қотади.

— Бизда Ердагидай кийинишмайди. Шунинг учун мен...

Шуҳрат зумда бир қарорга келади.

— Кетдик, — дейди у қизнинг қўлидан ушлаб, ташқарига бошларкан.

— Қаёққа? — деб сўрайди қиз.

— Сенга ерликлар қанақа кийинишларини кўрсатмоқчиман.

Шуҳрат Карэллани «Лимузин»га ўтқизаркан, кўча-

да велосипед таъмирлаш билан банд болатойлар уларга қизиқсиниб тикилишади. Қиз велосипеддан кўз узмай қолади. Велосипед бирдан ўз-ўзидан жойида: қимирлаб, бўшаб ётган ғилдираклари сирли бир тарзда ҳаво билан тўлиб қолади. Эсхоналари чиқиб кетган болатойлар велосипедга ёпишиб, ғилдиракларини пайпаслаб кўра бошлайдилар. Кейин ўқдай учиб кетган «Лимузин» ортидан анграйиб қараб қолишади.

«Лимузин» пештоқига «Супермаркет» деб ёзилган дўкон ёнида тўхтайди, Шуҳрат эшикни очиб, қизнинг қўлидан тутганча, ичкарига бошлайди.

Анави алвон кўйлакни кўрсатинг-чи, — дейди у пештахта ортида турган новча сотувчи қизга. Сотувчи йигитнинг ёнидаги Карэллага энсаси қотиб тикилганча: «Ҳм», — деб қўяди-да, шошилмай кўйлак томонга ўгирилади. Лекин қўлини узатиб улгурмайди. Кўйлак ўз-ўзидан илгичи билан Шуҳратнинг олдига учиб тушади. Сотувчининг кўзлари косасидан чиқиб кетай дейди. Шуҳрат яна ҳайрат билан Карэллага тикилади. Қиз мугомбирлик билан йигитга кўзини қисиб қўяди.

— Қара-чи, шунақаси сенга ёқадими? — сўрайди Шуҳрат кўйлакни илгичдан ажратиб, қизга узатаркан. Карэлла майин жилмайиб:

— Сенга ёқса бўлди, — дейди-да, турган жойида бамайлихотир ечина бошлайди.

— Йўқ-йўқ, бу ердамас, — дейди Шуҳрат унинг ҳарир кўйлагини шошилинч қайта кийдириб. — Ҳув анави ерда пана жой бор.

Карэлла лаҳза ўтмай махсус хонада кийиниб чиқади. У энди янада гул-гул очилиб кетган.

— Гап йўқ! Жуда ярашди. Энди манави шим билан кофтани ҳам кийиб кўр-чи, — дейди Шуҳрат жилмайганча, унга кийимларни узатиб.

Карэлла шимни ҳам, кофтани ҳам тескарисига кийиб чиқади.

Роса кулишади. Йигит қизга узун пошнали оқ туфли ҳам олиб беради.

Қиз яна алвон кўйлагини кийиб олади.

Шуҳрат ҳамон оғзи очилиб турган сотувчи қизнинг олдига бир даста пул ташлайди-да, хурсанд ҳолда кийим-кечаклар ўралган тугунни кўтарганча, Карэлланинг елкасидан қучиб ташқарига бошлайди.

Улар яна «Лимузин»га ўтириб, катта кўчадаги мошиналар оқимига қўшилиб кетишади.

* * *

Шаҳарнинг энг катта шоҳкўчасидан кетаётган «Лимузин»нинг олдинги ўриндиқларида ўтирган Шуҳрат билан Карэлла шод-хандон ҳолда бир-бирига гап қотишади. Радиомагнитофонда Юлдуз Усмонова «Эркакларни асранг, аёллар» қўшиғини Алла Пугачевага тақлид қилганча ижро этарди. Карэлла ашула оҳангига мос равишда қўлларини ўйнатиб, ўзбекча рақс тушгандай бўлади. Кейин хандон уриб, йигитнинг елкасига бошини қўяди.

Бирдан қизнинг чеҳрасига хавотир ифодаси соя ташлайди.

— Секинроқ, — дейди у олдинда катта тезликда учиб бораётган ТНС «Волга»га ишора қиларкан. — Тормозни боса бошла, ҳозир анави касофат ҳалокатга учрайди. Олдини олардим-у, қувватим етмаяпти...

Шуҳрат «Лимузин»ни иккинчи тезликка олиб, тормозни босади.

Олдинда кетаётган «Волга» юк машинасини чап томонидан қувиб ўтишга чоғланади-ю, рўпарасидан чиққан «Мерседес»нинг биқинига зарб билан урилиб ўтади. Сўнгра иланг-биланг юриб, сал нарида тўхтайди. «Мерседес» гилдираклари осмондан бўлиб, йўлнинг чап томонига агдарилиб кетади.

— Тўхтат! — дейди қиз ташвиш билан Шуҳратнинг билагидан ушлаб. — Одамларни қутқариш керак!

Қиз билан йигит ағдарилиб ётган «Мерседес»нинг ёнига шошилишади.

Шуҳрат не кўз билан кўрсинки, мошина ичида... Макс оёғи осмондан бўлиб ётарди.

— Бу сенинг қиморбоз оғайнинг-ку! — дейди Карэлла қошларини чимириб.

Шуҳрат унга ҳайрон бўлиб тикилади.

— Сен уни қаёқдан танийсан?

— Миянгдан кечган фикрни ўқидим.

— Гап йўқ! Сенга ўзи роса Худо берган экан-да! Башоратчи, телепат, левитатўр... Балки экстрасенслик қилиб, уни ўзига келтирарсан? — дейди Шуҳрат Максга ишора қилиб.

— Бўлмасам-чи! — дейди Карэлла муғомбирона жилмайганча, енгларини шимариб, агдарилиб ётган мошина деразасига энгашаркан.

Сўнгра бармоқларини худди антенналардай Максга

қараб йўналтиради. Шу заҳоти қўлларидан каҳрабо учқунлари сачраётгандай чирс-чирс овоз эшитилади. Макс бирдан ўзига келиб, кўзларини очади. Шуҳрат шошиб эшикни очишга киришади.

— Макс, тирикмисан? — дейди у ҳаяжонда. — Худога шукур! Қўлингни бер!..

Уни амаллаб тортиб олишади.

Макс ҳеч нарса бўлмагандай ўрнидан туради. Лекин бир оёғини аранг босади.

— Чап тиззангнинг кўзи чиқиб кетган, — дейди Карэлла. — Уни бугуноқ табибга олиб бориб, жойига солдириш керак. Йўқса, майиб бўлиб қоласан.

Шу пайт йўл ўртасида ҳуштагини чалганча, чуваккина миршаб йигит пайдо бўлади. У ўзини шаҳар йўловчиларининг танҳо хўжайинидай кибру ҳаво билан ўта мағрур тутади.

— «Мерседес» кимга тегишли? — дейди у бурнини кўтарганча, Шуҳратга мурожаат қилиб. — Шунақаям кайф билан юрадими одам?..

— Уни сал одамбашара қилиб қўйсам, нима дейсизлар? Йўқса ҳамма айбни оғайнингизнинг бўйнига юклаб қўймоқчи.

— Гап йўқ, бир бопла-чи, уни!.. — дейди Шуҳрат ҳам шумлиги тутиб. Карэлла кўзларини катта-катта очганча, миршабга қаттиқ тикилади. Кейин бармоқларини унга йўналтираркан, улардан яна учқунлар сачраб, бамисоли миршабнинг бошига сингиб кетгандай бўлади.

Ҳамон «бақир-чақир» қилишда давом этаётган тартибот посбони лаҳза ўтмай, қўй оғзидан чўп олмаган мўмин-мулойим йигитга айланади. У Шуҳрат, Макс ва Карэллага яқинлашиб, кафтини чаккасига қўйиб салом бераркан, ҳадиксираган паст овозда тез гапиради:

— Менга қаранглар, оғайнилар, «Мерседес»ни уриб кетган «Волга» дагилар сизларни миршабхонага топширишни буюриб кетишди. Улар жуда нозик одамлар. Гапини икки қилолмайман. Лекин сизларда айб йўқ. Ҳаммасини ўзим кўриб турган эдим: қоидани «Волга»-дагилар бузишди. Шунинг учун сизлар мошинангларни ўнглаб, тезда қочиб қолинглар! Туя кўрдингми — йўқ! Келишдикми?

— Келишдик, — дейди Шуҳрат хохолаб кулиб юборишдан ўзини зўрга тийиб.

Карэлла билан Макс ҳам беихтиёр жилмайишиб бир-бирларига маъноли қараб қўйишади.

Миршаб эса, қўлидаги радиотелефонга алланималарни гапириб, қизил чироқлари милтиллаб турган қизил машинаси сари ошиқади.

* * *

Шуҳрат Карэлла билан шовқин-суронли ресторанда ўтирибди. Эстрадачилар қулоқни қоматга келтириб «Каравай» қўшиғини ижро этишади. Шуҳрат қизга алланималар демоқчи бўлади-ю, лекин мусиқа шовқини халақит беради.

Карэлла мусиқачиларга ишора қилиб:

— Овозини ўчириб қўйсам, нима дейсан? — деб бақиради.

Шуҳрат жилмайиб, бош иргайди.

Қиз зўр бериб, электрон кучайтиргичга тикилади. Лаҳза ўтмай, микрофон ишламай қолади. Энди миқтидан келган паст бўйли, ярғоқбош хонанданинг овози ғоят ночорлиги намоён бўлади. Мусиқачилар ҳайрон. Уларнинг бири электрон овоз кучайтиргичини ишга солишга уриниб, устига кафти билан уради.

Дастурхон хизматчиси йигит билан қиз ўтирган устолга патнисда чиройли шишаларда ичимлик ва ликопчаларда турфа таомлар қўяди. Шишаларнинг қопқоқлари Карэлланинг нигоҳи остида ўз-ўзидан очилиб кетганини кўрган хизматчининг кўзлари олайиб, ҳангу манг бўлиб қолади.

Шуҳрат хохолаб куларкан, қопқоғини ерга тушириб юборади. Карэлла уни ўз нигоҳининг кучи билан ердан кўтариб, ҳавода муаллақ ҳолда жилдирганча, яна жойига олиб қўяди.

Шуҳрат кафтларини тиззаларига уриб, яна мазза қилиб кулади. Шу пайт Шуҳратнинг нигоҳи рўпарасидаги устолга келиб ўтирган Аброрга тушади. Негадир унинг қовоқ-лунжи осилган. Аброр дўстини имлаб чақиради. Шуҳрат Карэллага: «Кечирасан, мен ҳозир...» — дейди-да, истамайгина ўрнидан туриб, Аброрнинг истиқболига юради, улар қўл олишиб сўрашадилар. — Фирмам буткул инқирозга учради, — дейди Аброр тушкун кайфиятда қош-қовоғини уюб. — Қамалиб кетмасам, деб қўрқаяпман. Яқин дўстим сифатида яна оёғингга бош уриб келдим.

— Гап йўқ, Аброрбек, — дейди Шуҳрат чертиб-чертиб гапираркан. — Мен сени яхши дўстим деб билайман. Ўртамизга пул аралашмагани маъқул.

— Дўстим! Сенга илтижо қиламан, илиниб-ёлвораман! Икки-уч милён ўтказиб тур. Худо хоҳласа, уч ойда олтмиш фоизга кўпайтириб, қайтариб бераман! Тушунсанг-чи, гап ҳаёт-мамотим устида бораяпти.

— Аввало корхонамдан милён пул чиқмайди, кўп пулларим тасарруфда. Ундан кейин, мен — судхўр эмасман! Тижоратчиман! Лекин гап бунда ҳам эмас. Афсуски, пул аралашган жойда дўстликнинг, ҳатто ака-укаликнинг ҳам умри тугайди. Тушунтиролдимми?

— Шуҳрат, оғайни. . .

— Бас қил. Бўйим баравар қарзга ботган кезларимда ҳам сендан бир сўм сўрамаганман. Ваҳоланки... ваҳоланки, ўшанда ҳам гап менинг ҳаёт-мамотим устида борганди. . .

Аброр бошини қуйи солганча, умидсизлик билан ўйчан нигоҳини устолга қадайди.

Шуҳрат шартта ўрнидан туриб:

— Сенга бошқа гапим йўқ, ошна. Соғ бўл! — дейди-да, Карэлланинг ёнига қайтади.

У ўз жойига келиб ўтирганида, унинг баланд бўйли ёш қиз билан рақс тушаётган ярғоқбош мўйсафидга нафрат ила тикилаётганини пайқайди. Чамаси, Карэлла бу хусусда бир нима демоқчи бўлади-ю, лекин фикри бошқа нарсага чалғийди. У эшик тарафга қараб бехтиёр жилмаяди. Шуҳрат у тикилаётган томонга нигоҳ ташлаб, ногоҳ «оҳ» тортиб юборади, улар ўтирган устолга Лолита яқинлашаётганди. Йигит Аброр билан бўлиб ўтган гап-сўздан ҳали ўзини қўлга олиб улгурмай, энди собиқ маҳбубаси билан «ажрим» ўтказишига тўғри келаётганди.

Лолита одатдагидай жуда очилиб кетган, аммо ранги бир оз оқариниқираган эди.

Қиз улар билан юзма-юз келганида, Карэлла жилмайиб, биринчи бўлиб сўз қотади.

— Салом, Лолита, кел, ўтир. Сени кўрганимдан жуда хурсандман.

Лолита «рақибаси»нинг очиқлиги ва самимиятидан анча саросимага тушиб қолади.

— Мени қаёқдан танийсан? — сўрайди у ажабланиб.

— Шуҳрат ўз юрагида сақлаётган нурли хотиралари орқали, — дея жавоб беради Карэлла.

— Демак, сен унинг ниги... севгилиси экансан-да? Шуҳрат қизнинг ўрнига шошиб жавоб қайтаради:

— Бизнинг муносабатларимиз бўлакча, у — ўзга сайёралик.

Лолита кулиб юборади.

— Эслаяпман. Бир марта шира кайфда мени «Агар ўзимнинг чинакам ва танҳо севгимни Ердан топмасам, уни ўзга сайёралардан, бутун Коинотдан излайман», — деб дагдага қилгандинг. Ўшанда мен буни ҳазил деб тушунгандим. Балки ҳозир ҳам ҳазиллашаётгандирсан?

— Нега ишонмаяпсан, Лолита? Агар хоҳласанг буни у ҳозироқ исботлаб беради. Исботлайсан-а, Карэлла? — дейди Шуҳрат ўзга сайёралик қизга илтижо билан тикилиб.

Карэлла маъюс жилмаяди.

— Сиз, — ерлик одамлар жуда галати мавжудотсизлар. Ўта муҳим икки нарса бор: ҳақиқат ва эътиқод. Худудсиз Коинот шароитида сиз бу қадриятларсиз бир дақиқа ҳам яшай олмаган бўлардингиз. Бу ерда ўз юртингизда эса нуқул ҳақиқатни четлаб ўтиб, эътиқодсиз яшаш пайида бўласизлар. Шунинг учун доим исбот-далил талаб қиласизлар. Бир ажойиб китобда Иблисдан ҳам исбот талаб қилишгани ёдимда. У ўзининг шайтонлигини исботлаб бергач, ерликлар унда хафа бўлиб қолишади.

— Хафа бўлиш йўқ. Истасанг, тажрибангни менда ўтказишинг мумкин, — дейди Лолита дангал.

Карэлла ўзини яхши тушунмаганлари боис пича тараддудда қолади. Лекин у танти аёл бўлиб, масалага бошқа томондан ёндошишга қарор қилади. У кўзларини катта-катта очганча, Лолитага тикиларкан, гапга тушади:

— Сен гўзал, мард ва танти аёлсан. Сен севишни ва севгига вафони яхши биласан. Сен бағрикенглик, софдиллик каби кўп ажойиб фазилатларга эгасан. Биласанми, Лолита, сен ўз мақсадини аниқ билувчи ва ўз-ўзини созлай олувчи мураккаб тизимсан. Сени ўраб турган ҳаётий муҳит ҳам сенга таъсир кўрсатолмайди. Шаънингга доғ туширмайсан. Сен менга ёқасан. Ҳатто айтишим мумкин: сен мен учун азизсан, чунки Шуҳрат сени севар эди...

Лолита асабийлашиб сигарет тутатади ва унинг гапини бўлади:

— Сен чиндан ҳам ўзга сайёралик экансан! Ерлик аёл ўзини бунақа тутмайди.

— Чунки ерлик аёл ўзлигини охиригача англаб етолмайди! — дейди Карэлла унинг фикрига изоҳ бериб.

Учови ҳам бир лаҳза сукут сақлашади. Шуҳрат уларнинг ҳар икковига завқ билан мафтун бўлиб тикилади. Карэлланинг ёнида Лолита ҳам ўзгариб қолгандай: у янада ақллироқ, софдилроқ, демакким, дилбарроқ аёлга айлангандай эди.

— Мен бу қадаҳни сен учун ичмоқчиман! — дейди Карэлла кўзлари чақнаб.

— Мен эса — сен учун! — дейди Лолита негадир ҳаяжонга тушиб.

— Мен сизларга қўшиламан ва ҳар икковингизнинг соғлигингиз учун ичаман! — дейди Шуҳрат бенхтиёр юзига табассум ёйилиб.

Вазият юмшаган, Шуҳрат дастурхон теграсида меҳмоннавозлик ва лутф билан ўз аёлларининг кўнглини овларди. Карэлланинг асабий гапидан у бирданига сергак тортади.

— Мени кечиринглар-у, лекин анави лўттибоз чолнинг бир таnобини тортиб қўймасам бўлмайди.

— Уйнайверсин, у ҳеч кимга халақит бераётгани йўқ-ку, — дейди Шуҳрат гап нимадалигини тушунмай.

Карэлланинг кўзларида яна ўт чақнагандай бўлади.

Сизлардаги лоқайдлик баъзан нобакорлик билан уйғунлашиб кетади. Эҳтимол, бу сўзларимга ҳам исбот талаб қиларсан?! Агар сизлар бу чолнинг хотини реанимацияда, барокамерада оғир касал бўлиб ётган бир пайтда унинг бемалол рақс тушиб юришига ижозат берсанглар... мен бунга йўл қўёлмайман.

Кейинги воқеалар саноқли дақиқалар ичида кечади. Кутилмаганда ярғоқбош кимсанинг оёгидаги туфлиси учиб кетади. У дарров қизнинг қучогидан чиқаришга мажбур бўлади. Туфлисини оламан, деб энгашиши билан бутун гавдаси аста юқорига кўтарила бошлайди. Унинг кўзлари косасидан отилиб чиққудай олаяди, бўйнн томирлари бўртиб, афт-башараси қизариб кетади. У зўр бериб ичига ҳаво ютади, лекин оғзи калимага келмайди. У нажот кутиб кимгадир осилмоқчи бў-

лар, лекин ҳамма даҳшат ичида ундан ўзини олиб қ чар эди. Эстрада узра унинг муаллақ учиши узоқ д вом этмайди, лекин бир пасда ўз атрофига жами б корчиларини тўплайди.

Уларнинг орасида кимлардир мўйсафиднинг ҳаво; яна қанча муаллақ ҳолда осилиб туриши юзасид ўзаро гаров ўйнашни ҳам бошлаб улгурганди. Ам Карэлла нигоҳининг кучи билан бу оғир танани орт кўтариб турншга ожизлик қилади. Қиз кўзлари юмиб, чуқур нафас олади.

Шу заҳоти «гуп» этган товуш эшитилади. Жо халқумига келган тана ерга қулаб тушган эди.

Кимлардир қарсак чалиб юборади, кимлардир шў ликка ёрдамга шошилади.

Бир раҳмдил аёл унга пиёлада сув узатаркан:

— Нега энди сизни бундай жазолашди? — деб с райди.

Ярғоқбош чол индамайди.

Карэлла унга нафрат билан нигоҳ ташлайди. Мў сафид турган жойида ирғишлай бошлайди. У атроф қўрқув ва саросима билан аланглар экан, минғирла гапиради:

— Мени... мени... Худо жазолади. Мен хотинимн касалхонада қолдиргандим... у — ўлим тўшагида . Мен бўлсам, бунда рақс тушиб юрибман...

Одамлар даврасида шовқин-сурон кўтарилади. Ва зият қалтислиги ва ўзини дўппослашлари мумкинлиги дан қўрқиб кетган чол ҳаммадан узр сўрашга тушади

— Кечирасизлар... бошқа бундай қилмайман!..

Шундай дея у тезда ресторанни тарк этиб, кўздан ғойиб бўлади ва, айтишларича, уни бу ерда бошқа қай та кўришмаган.

Лолита Карэллага завқ билан тикилганча сўз қотади:

— Балли, Карэлла! Унга яхшигина сабоқ бердинг. У виждонсиз одам экан, балки қўрқувдан сал ўзига келиб қолар.

Шуҳрат қадаҳларга яна вино тўлдирар экан:

— Карэлланинг ғалабаси учун! — дея таклиф қилади.

Қадаҳлар жаранглайди, хитоблар, олқишлар...

Бирдан Лолита ўрнидан туради.

— Энди менга рухсат...

Шуҳрат уни эшиккача кузатиб қўяди ва эшикоғага

уни таксига ўтқизиб юборишини тайинлаб, пул беради.

У ўз жойига келиб ўтираркан, Карэлланинг кўзларига миннатдорчилик ила тикилади.

— Лолитага нисбатан хушмуомала бўлганинг учун раҳмат!

Қизнинг жавобидан йигитнинг боши айланиб, кўз олдини оппоқ туман чулгагандай бўлади.

— Сени суйган одамларнинг бари мен учун қадрли!

• • •

Шуҳратнинг ота-онаси яшайдиган уй. Субҳидам маҳали. Карэлла Шуҳрат яшаган уйдаги ёгоч чорпояда мириқиб ухлаяпти. Деразадан илк қуёш нурлари кўринишини билан қиз кўзларини очади.

Дарров ўрнидан туриб, ичкўйлакда ташқарига йўналади.

Ҳовлидаги богнинг ўртасига бориб, тиз чўкканча, бармоқлари билан худди ерни сийпалаётгандай галати ҳатти-ҳаракатлар қилади.

Шуҳратнинг ота-онаси уни деразадан кузатиб турибишибди.

— Ана, у — сал девонароқ, деб айтувдим-ку, — дейди она товушини пасайтириб. — Ҳар куни шу пайтда чиқиб, ўзича ибодат қилади, алланималар деб пичирлайди.

— Фаришта десанг, фариштага ўхшамайди, — унинг фикрини тасдиқлайди ота. — Ўзимиз қатори ейди, ичади. Алвасти десанг, алвастиэммас, ниятлари жуда покиза. Қачон қарама, одамларга яхшилик, эзгу ишлар қилишини кўзлайди.

— Ро-ост, — дейди она меҳри жўшиб. — Энанг ўргилсин, шунақанги иффатли, гаройиб қиз эканки, ўзимизнинг қизлардан бутқул бўлакча. Қадамида ўзидан меҳр-мурувват нурларини таратиб юрганга ўхшайди.

— Тўгри айтдинг, хотин. Бу қизда гап кўп. Унда биз ҳали англаб етмаган бир сир-саноат бор. Гап ана шу сир-саноатнинг тагига ета билишда.

— Дунё қандайин мўъжизаки, унинг сир-синоатларининг тагига ҳали-ҳануз ҳеч бир зот етолмаган бўлса? Инсон қандайин сирли хилқатки, то маҳшар кунигача у ўзи-ўзлигини англай олмай ўтса?

— Э, хотин, ақлинг анча қуюлибди. Бу мангу саволларга манаман деган азиз-авлиёлару фозил-фузалолар ҳам жавоб тополмаган...

Шу пайт эшикда Шуҳрат кўринади-да, қиз «ибодат қилаётган жойга яқинлашади.

— Салом, фаришта! — дейди у хушчақчақ кайфият да.

— Салом. Шуҳрат! — дейди қиз энди унга ўзгача ўтли нигоҳ ташлаб.

Уларнинг ҳар иккови ҳам бир-бирларини севиб қолгани барча хатти-ҳаракатларидан сезилиб туради.

— Сен нима қилаяпсан ўзи? — сўрайди йигит ажаб ланиб.

Қизнинг нигоҳи бирдан маъюс тортади.

— Биз гаплашиб олишимиз керак, Шуҳрат, — дейди қиз овозини пасайтириб.

— Гап йўқ! — дейди Шуҳрат ҳамон ўша кайфиятда.— Бўлмаса, кетдик. Фаришталар яшайдиган еттинчи қават осмонга яқин жойга, тоққа чиқиб гаплаша қоламиз.

— Кулма, Шуҳрат, — дейди қиз янада маъюсроқ оҳангда. — Сенга чиндaнам жиддий гапим бор.

Энди Шуҳрат ҳам жиддийлашади.

— Марҳамат...

* * *

Қиз ва йигит «Лимузин»да илонизи эгри-бугри тоғ йўли бўйлаб кетишаяпти. Бир томон — тик қоялар силсиласи, иккинчи томон, — чуқур жарлик, унинг тубида шарқираб энлол сувли сой оқади. У Карэлланинг шошилмай сўзлаётган гаройиб ҳикоясига бутун вужуди билан қулоқ солади.

— .. Умуман, Коинот тузилиши инсон аъзолари тузилишига ўхшайди. Коинотнинг ҳам худди инсон каби мияси, юраги, нафас йўллари, ошқозон, ичак-чавоқлари мавжуд. Коинот миясини ерликлар Худо, Оллоҳ, Бог, Кришна ва ҳоказо номлар билан аташади. Баъзи олимларингиз уни Коинот Олий Тафаккури, Олий Онг, Олий Руҳ, деб ҳам номламоқдалар.

Қизнинг гаплари мултипликацион кўринишлар ёрдамида изоҳланади, яъни Коинот манзараси баҳайбат инсон қиёфасида, унинг мияси, умуртқа суяги, юраги ва бошқа аъзолари милтиллаб турган юлдуз буржлари шаклида намойиш қилинади. Коинотнинг жами асаб толалари ва ҳужайралари узуқ-юлуқ чизиқлар ва «учар ликопча»лар шаклида Мияга бориб туташган.

— Агар билсанг, — вазмин гапида давом этади Ка-

рэлла· — Инсон танасидаги миллиардлаб асаб толалари унинг жами аъзоларида кечаётган ўзгаришлар, ҳар бир ҳужайранинг ҳолатини зумда мияга етказиб берганн каби оламда кечаётган воқеа-ҳодисалар, ҳар бир инсон тақдиридан Коинот Мияси, яъни сизларнинг тилда айтганда, Худо ҳам доим воқиф бўлиб туради.

Бизлар, яъни Олий Самовий Тизимга кирувчи Коинотнинг Кузатув Маркази ходимлари бўлсак, Коинотда қувват-ахборот алмашинуви жараёнини назорат қиламиз. Инсоннинг асаб толалари унинг танасидаги турли хасталик, оғриқлар ҳақида зумда мияга ахборот етказишини сен яхши биласан. Биз ҳам ана шу тола ва тўқималарга ўхшаб, Галактика аъзоларидаги хасталиклар хусусида Коинот Миясига ахборот узатиб турамиз. Бунда биз сизлар «учар ликопча» деб атайдиган само кемалари ҳамда ўзгача ўлчамдаги латиф оламлардан унумли фойдаланамиз.

Бизнинг кемаларимиз учун вақт, фазо ва макон тушунчалари йўқ ҳисоби. Ўзга ўлчамдаги латиф олам эса, биз учун саноқли дақиқалар ичидаёқ бир юлдуз буржидан иккинчисига олиб ўтувчи эшик вазифасини бажаради.

Коинот манзараси энди спирал шаклида икки хил рангда кўрсатилади. Моддий олам — рангли кўринишда, латиф олам оқ-қора рангларда намойиш қилинади.

Шуҳрат машинасини маҳобатли тоғлар қўйнида ҳамон юқорига ҳайдаркан, қизнинг гапларини чуқур ўйга ботган ҳолда тинглайди. Йигитни биз ҳеч қачон бундай жиддий қиёфада кўрмаганмиз.

Шуҳрат тоғ йўлининг энг тепасида кутилмаганда «Лимузин»ини йўл четига олиб тўхтатади-да, қизнинг кўзларига тикилади.

— Демак, сен Ер ҳаётига мослашиб, биздан ахборот олиш учун келибсан-да? Демак, мен ҳам сен учун оддий ахборот манбаи эканман-да?

Карэлла рўпарасидаги қояга тикилганча, бир зум ўйга толади.

— Бу саволингга жавоб бериш учун гапни яна узоқдан бошлашимга тўғри келади.

Биласанми, иқтидорли ҳар бир ижодкор, ҳар бир олим илоҳий инсон ҳисобланади. Чунки уларнинг мияси илоҳиёт нури ила йўғрилган. Бизнинг сайёрамиздаги кибернетик ахборот жамғармасидаги маълумотларга қараганда, сизлар яшаб турган мамлакатда бундай ило-

ҳий инсонлар кўп ўтган. Фаробий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Шайх Ҳожа Аҳрор, Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Ясавий каби улуғ зотларни сайёрангиздагина эмас, балки бутун Коинотда ҳам яхши билишади. Сен ҳам ана шундай буюк инсонларнинг авлодларидан бири сифатида илоҳий шахс бўлиб шаклланаётган эдинг. Лекин сен... илм-маърифатни йиғиштириб қўйиб, кўпчилик ҳамкасбларинг қатори енгил-елпи ҳаёт йўлига кириб кетдинг. Ваҳоланки, сенинг сайёрадаги вазифанг — одамлар орасида илм-маърифат нурларини таратиш.

— Наҳотки мен шунчалик... — дея қизга эътироз билдиришга уринади Шуҳрат.

— Сенга қандай тушунтирсам экан... Ҳеч бир инсон онасининг қорнидан ёвуз бўлиб туғилмайди. Ҳаёт тақозоси билан маънавиятсизликка юз бурган сен каби инсонлар Коинотга бизлар кеи-тўлқини, деб атайдиган ёвузлик тўлқинлари таратишади. Бу билан улар билиб-билмай Коинотнинг руҳий-маънавий экологиясини бузмоқдалар. Чунки Ерда сенга ўхшаганлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетган-да!

Бинобарин, Ер сингари сайёралардаги ҳалокатли ижтимоий, руҳий ва экологик аҳвол Инсон шакли-шамойилидаги Коинотни ҳам, унинг олий ҳаёт шакллари мавжуд ҳудудларини ҳам касалликка чалинтириши хавфи йўқ эмас. Биз — Коинот Кузатув Маркази ходимлари эса, бунга йўл қўймаймиз. Бунинг олдини олишимиз керак.

Мен Ерга ана шу мақсадда ташриф буюрганман.

Шуҳратнинг ўйчан қиёфасидан қизнинг гапларига юз фоиз ишонгани кўриниб турибди. Лекин ундан дили оғриганини ҳам яширмоқчи эмас.

— Сен бу иш учун нега энди айнан мени танладинг? Умуман, ота-онам яшайдиган кўчада нима қилиб юрган эдинг?

— Биласанми, Шуҳрат, мен турли сайёраларда тектоник ҳодисалар бўйича ҳам мутахассисман. Биз Ерга илк ташриф буюрганимизда, кемамиздаги сейсмик асбоблар кузда сайёрангиз тарихида илгари сира кўрилмаган даҳшатли зилзила кутилаётганини маълум қилди. Бу улкан табиий офат бутун Осиё қитъасидаги шундоқ ҳам қил устида турган ҳаёт тарзини буткул инқирозга олиб келиши ҳеч гапмас эди.

Бу — бизнинг ишимизга халақит берарди.

Шунинг учун ҳам мен зилзилани қайтариш ҳақида Марказдан кўрсатма олгач, унинг ер ости марказини ўрганишга киришдим. Марказ эса, эски шаҳарда, сизларнинг ҳовлингиз жойлашган ерда бўлиб чиқди.

Гап йўқ! Демак, сен эрталаб ҳовлимизда зилзилани қайтариш билан шуғулланаётган экансан-да?

— Тўғри топдинг!

— Гавҳархон, мен сенинг беқиёс ғайритабиий қобилиятларинг ва бениҳоя кучли латиф қувватга эга эканингга юз фоиз ишондим. Лекин зилзиланинг олдини олиш масаласида... Кечирасан...

— Агар хоҳласанг, буни сенга ҳозироқ исботлаб беришим мумкин, — дейди Карэлла хотиржам ҳолда.

Йигит қизга, яна қандай каромат кўрсатмоқчисан, деган маънода кулимсираб тикилади.

— Анави қояни кўраяпсан-а, — дейди Карэлла рўпарадаги улкан қояга ишора қилиб.

— Гап йўқ, кўраяпман, — дейди Шуҳрат яна кайфиятини кўтарилиб. Қиз қояга зўр бериб тикиларкан, бирдан у кўздан ғойиб бўлади. Эсхонаси чиқиб кетган Шуҳратнинг оғзи очилиб қолади.

Карэлла Шуҳратга нигоҳ ташлаб: «Яхшилаб қараб тур», — дегандай кўзини қисиб қўяди-да, мошина эшигини очиб, ташқарига йўналади.

Ҳозиргина қоя ғойиб бўлган жойга яқинлашиб, кафтларини йўналтираркан, ундан бамисоли учқунлар сачрайди. Шу заҳоти қоя яна жойида пайдо бўлади.

Кейин юз берган воқеадан Шуҳратнинг этлари пирпир учиб, юзи қийшайиб қолаёзади.

Карэлла энди қўлларини олдинга чўзиб, сузаётгандай бир текис одимлаганча, қоя сари юраркан, тарам-тарам тош қатламлари қаърига худди сувга кираётгандай аста ботиб боради. Мана, қизнинг танаси бамисоли тошга сингиб кетгандай буткул кўздан йўқолади.

Шуҳрат мошинадан отилиб ташқарига чиқади. Ўзини қаёққа қўйишни билолмай, тоқатсизлик билан қоянинг атрофида уёқдан-буёққа одимлайди.

Бир маҳал қиз ҳеч нарса кўрмагандай қоянинг бошқа — шимолий чеккасидан чиқиб келганини кўриб, унинг истиқболига шошилади.

Шуҳратнинг ҳаддан зиёд қўрқиб кетганини кўрган Карэлла вазиятни юмшатиш учун қўнғироқдек овозда хохолаб кулади-да:

— Қалай, ҳамма гапларимга энди ишонгандирсан?— деб сўрайди.

— Гап йўқ! — дейди Шуҳрат ҳам базўр жилмайиб.

— У ҳолда кетдик! — дейди қиз қатъий. — Энди дам оламиз. Сиз билан шампан ичгим келади.

— Бош устига! — дейди Шуҳрат унинг елкасидан қучиб, «Лимузин» сари бошларкан.

* * *

Улар Чорвоқ кўли соҳилидаги ресторанга кириб боришади. Сал нарида турган икки миршаб уларга шубҳа билан тикилишади. Ресторанинг сунъий денгизга қараган, девор ва шифтлари нақшин жилолар билан безатилган айвонидаги бўш устолга ўтиришаркан, Шуҳрат қўл ишораси билан дастурхон хизматчисини чақиради.

Лаҳза ўтмай дастурхончи аёл уларнинг устолига муздай шампан ва турли егулик қўйиб кетади.

Шу чог уларнинг устолида яна битта шампан пайдо бўлади.

— Бу — ҳув анави акаларингиздан, — дейди дастурхончи аёл айвоннинг тўрида ўтирган савлатли одамларга ишора қилиб.

Шуҳрат ўгирилиб:

— Ийе, поччам-ку, — дейди. Лекин унинг юзидан хурсандлигини ҳам, хафалигини ҳам пайқаш қийин эди.

Имлаб уни олдига чақиради.

Латиф ака вазмин одимлаб, уларнинг ёнига келиб ўтиради.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, поччаси Карэллага суқ билан тикилиб:

— Қизинг зўр экан, — дейди. — Худди осмондан тушган фариштага ўхшайди.

— Гап йўқ! Тўгри топдингиз, — дейди Шуҳрат жиддий қиёфада.

Лекин поччаси истеҳзо билан қошларини чимиради. Унинг бу гапини ҳазилга йўйгани кўриниб турибди.

— Ишларинг қалай? Чол-кампир омонми? — сўрайди Латиф ака.

— Худога шукур, ҳаммаси яхши.

— Уч кундан бери сим қоқиб тополмайман. Ишга бораяпсанми ўзи?

— Йўқ, — дейди Шуҳрат тан олиб. — Манави фаришта билан бандман.

— Қора Садирни хонавайрон қилдинг. Фирмасини ёпиб, ҳамма молларини мусодара қилишибди. Энди мени тинч қўйсанг бўлармиди...

— Сизга нима қилибман? Сизга менинг ҳеч қандай даъвойим йўқ.

— Ўзингни гўлликка солмай қўя қол. Икки ойдан бери солиқ назорати ҳол-жонимга қўймаяпти. Бу ишда ҳойнаҳой...

— Нималар деяпсиз, почча! Наҳотки мени шу даражада аблаҳ деб ўйласангиз? Ҳеч қурса, опамнинг ҳурмати — мен сизга ҳеч қачон!..

— Бўлмаса, жон жигар, сендан илтимос, солиқ назоратини тинчитиб бер, жуда жонимдан тўйдириб юборишди.

— Мана бу ҳақда ўйлаб кўрса бўлади, — дейди Шуҳрат айёрлик билан ва шампан қуйилган қадаҳни поччасига узатади. — Келинг, ишларимиз бароридан келиши учун...

Улар қадаҳларини чўқиштириб ичишади.

Латиф ака яна Карэллага суқланиб қарайди.

— Е тавба! Чинданам фаришта!.. — дейди-да, сўнгра Шуҳратнинг елкасига кафти билан дўстона қоқиб, ўрнидан туради, ҳамроҳлари томон кетади.

Карэлла энди Шуҳратга ўзгача бир меҳр билан тикилади. Айни дамда нигоҳида чуқур изтироб ифодасини ҳам илғаш қийин эмас. Шуҳрат ҳам унга завқ-шавқ билан боқади.

— Кетдик, — дейди Шуҳрат бирдан ўрнидан туриб.

— Қаёққа? — сўрайди Карэлла паришонхотирлик билан.

— Менинг уй-идорамни ҳам бир кўргин, — дейди Шуҳрат унинг қўлидан ушлаб.

* * *

Лабларини қизнинг лабларидан ажратиб оларкан, Шуҳрат бенхтиёр кулимсираб:

— Худди ўзимизга ўхшаб ўпишаркансан, — дейди.

— Бу сенга ғалати туюлмаяптими? — сўрайди Карэлла йигитнинг кўзларига ўзгача меҳр билан тикилиб.

— Менга сенинг ҳамма нарсанг галати, — дейди Шуҳрат секингина, қиздан нигоҳини узмай.

Лекин муҳаббат риштолари нурланаётган бу нигоҳда хавотир ва маъюслик ҳам йўқ эмас эди.

— Сизларга ўхшаб ўпишишимнинг боиси бор, — дейди Карэлла аста кулиб. — Бу ёққа учиб келаётганимда: мен сизларнинг урф-одатларингизни телепатик йўл билан тўлиқ ўзлаштириб олдим.

Шуҳрат унинг ялангоч елкаларидан қучоқлаб, лабларини яна лабларига босади. Кейин ўзини ёстиққа ташлайди.

Карэлла тирсагига таяниб, нурли нигоҳини яна йигитга қадайди.

Шуҳрат ҳам унга ёниқ нигоҳ ила тикилади.

Бирдан унинг кўзларига маъюс хавотирлик балқиб чиқади.

— Демак, мен сенга фақат ахборот манбаи сифатида керак эканман-да? — сўрайди у писанда аралаш.

— Тентаксан, — дейди Карэлла жилмайиб. — Мени тушунмаяпсан...

Қиз унинг қайноқ лабларини бармоғи билан оҳиста сийпаларкан, фаромуш ҳолда гапида давом этади:

— Бу — ҳар қандай ахборот — моҳиятга, ҳамма нарсанинг мазмун-моҳиятига айланадиган ҳолат... Сизлар уни севги деб атайсизлар, шунақами?

Шуҳрат яна уни қучоқлаб олади. Айни дамда секин, аммо эҳтирос билан:

— Ҳа... Ҳа... Ҳа... — дейди.

Уларнинг таналари худди чирмовуқ гулдай ўзаро туташиб, чирмашиб кетади. Бир зумга ажралиб, яна буралиб эшилади.

Ой гардишининг майин нурлари деразанинг нафис пардаларини бамисоли аста тебратаётгандай.

Сўнгра улар кенг чорпояда ҳорғин ҳолатда шипга тикилганча, ёнма-ён ётишади.

Шуҳрат қўли билан осмонга ишора қилиб:

— У ёқда сен мени, — дейди ҳазиломуз оҳангда, — ҳисоб-китоб асосида топдингми?

Карэлла жиддий тортиб шир-ялангоч ҳолда аста ўрнидан туради-да, дераза ёнига келади.

Ой ёғдусида унинг латиф танаси бамисоли нурланаётгандай туюлади, кейин бурилиб, чорпоя қаршисига, унда ётган Шуҳратнинг рўпарасига келиб тиз чўкади.

Яна унинг лаблари устидан бармоғини юргизади.

— Менга сенинг кулишинг жуда ёқади, — дейди у энди жиддий қиёфада. — Лекин ҳозир кулма!

— Нега энди? — сўрайди Шуҳрат сергак тортиб.

— Айтдим-ку сенга, мен сайёрангизга Самовот Мар-

казининг махсус топшириги билан ташриф буюрганман. Уни қисман бажардим. Даҳшатли зилзиланинг олдини олдим. Менинг вужудимга ўта кучли латиф қувват жо қилинган. Сен бўлсанг... сен... режамизда йўқ эдинг!.. Сен ўз-ўзингдан пайдо бўлдинг!..

Шуҳрат бир дақиқа сукутга толади. Ўрнидан туриб, елкасига беқасам яктагини ташлайди-да, деразага яқинлашади. Карэлланинг йигисини эшитиб, орқасига ўгирилади.

Қиз чорпояда мук тушганча, ўксиниб-ўксиниб йиглайди. Елкаларига безгак тутгандай титроқ кириб, бармоқлари билан чойшабни гижимлайди.

Шуҳрат ўзини Карэллага отади:

— Гавҳархон!.. Қизалоқ!.. Сенга нима бўлди?.. Ўзингни бос...

Унинг кўз ёшлари ювган юзини ўзига қаратади.

— Мен... — дейди қиз тили зўрга айланиб, — сени... севишим мумкин эмас эди... Бу мумкин эмас... ахир!.. Мен адойи тамом бўлдим!..

— Нега, ахир! — сўрайди Шуҳрат сабрсизлик билан.

— Севги нималигини мен сайёрангизга келиб билдим. Бу мен учун аччиқ қисмат. Ҳаммасига сен сабабчисан!..

— Айбимни тан оламан. Бунинг нимаси ёмон, ахир?

— Мен Ерда қололмайман! Мумкин эмас!... — билагига ишора қилиб, қўшиб қўяди: — Билагузугимсиз ўлиб кетишим тайин...

Шуҳрат унга изтироб аралаш савол назари билан тикилади:

— Қанақа билагузук?

— Бошқарув қурилмаси... Сизларда «датчик» дейишади чоги.

Уни кўчангиздаги... ўсмир йигитлар тортиб олишганди...

Қиз қўлларини мушт қилиб уради.

— Мен ўзим... уларни тополмайман, билагузуксиз эса... кемамиз ерининг меҳварида абадий қолиб кетади.

— Нима, сен учиб кетмоқчимисан? — сўрайди Шуҳрат бирдан сергак тортиб.

Қиз фаромуш нигоҳини бир неча дақиқа йигитга қадайди. Сўнгра:

— Бу ерда... мен ўламан... Уч кун ичида учиб кетмасам...

— Мен-чи? Мен нима қиламан? — сўрайди гангиб қолган Шуҳрат.

Қарэлла яна юзини буриб, муштлари билан чорпоянинг ура бошлайди.

— Билмадим... билмадим... билмадим...

Шуҳрат нигоҳини бир нуқтага қадаганча, ҳайкалдай қотиб қолади.

* * *

Шуҳрат қизнинг билагузугини тортиб олган ўспирин йигитларини айҳор бўйидаги хилватгоҳ жойдан топади. Улар ширакайф, шишхона наша чекиш билан банд.

Сал нарига келиб тўхтаган «Лимузин»ни кўрган ўсмирлар тараддудга тушиб қолишади.

Шуҳрат эшикни очиб, бошини чиқаради-да:

— Юз баксдан ишлашни хоҳлаганлар мошинага ўтирсин, — дейди.

Йигитчалар карахт ҳолда аввал бир-бирларига қарашади. Сўнгра апил-тапил ўринларидан туриб, мошина тарафга югуришади.

«Лимузин» яна катта кўчага бурилиб, мошиналар оқимига қўшилиб кетади.

Икки бекат йўл юришгач, йигит мошинани ўнгга — тор кўчага буриб тўхтатади-да, чўнтагидан ўйинчоқ тўппончасини чиқариб, ўсмирларга ўқталаркан:

— Қани, энди туёқларингни шиқиллатларинг-чи! — дейди похос дағдаға билан.

Ўсмирлар мошинага қандай ўтиришган бўлса, шундай зудтар тушиб, шаталоқ отганча жуфтакни ростлаб қолишади.

Шуҳрат энди ўзи бир неча бор ёрдам беришдан қатъиян бош тортган дўсти Аброрни излашга тушади.

Бизга таниш ресторанни айланиб, тополмайди. Идорасига боради. Унда ҳеч ким йўқ, эшиги муҳрланган.

Кейин Аброрнинг эски шаҳардаги уйига отланади. Кўк дарвоза тугмасини босади. Ҳеч ким очмайди. Чўнтагидан ён дафтарчасини чиқариб, мошинаси устига-қўяди-да, хат ёзади.

«Дўстим Аброр!

Севгилим Қарэлланинг билагузугини маҳалламиздаги болалардан сотиб олибсан. У бизга хозир сув билан ҳаводай зарур. У оддий тақинчоқ эмас. Гап қизнинг ҳаёт-мамоти устида бораяпти. Уни бизга қайтариб беришинг керак. Истаган шартингни бажаришга тайёрман.

Кечқурун уйда кутаман.

Дўстона салом ила Шуҳрат».

У мактубнинг тагига имзо чекади-да, эшикнинг рахига қистиради.

Тағин мошинасига ўтириб, катта йўлга ҳайдайди.

* * *

Шуҳрат ўзининг уй-идорасидаги юмшоқ курсида хаёлга ботганча сукутда ўтирарди. У буткул ўзгариб қолган. Юз қиёфасидаги аёв билмас қатъият, совуққонлик ҳам изсиз йўқолиб, олий билимгоҳда ишлаб юрган кезлардаги самимият балқиб туради.

У Карэлланинг ўз руҳи билан даштда илк бор кўришганини эслайди.

Мана, шаффоф само кемасининг оппоқ зиналаридан маҳзун нигоҳли соҳибжамол қиз тушиб келади. У Шуҳратнинг руҳи билан юзлашади, кўзларида аллақандай самовий бир ёғду жилва қилади:

— Салом, эй ошуфтадил руҳ! — дейди қиз.

— Салом, эй фаришта! — дейди Шуҳрат ҳайрат ва таажжуб билан.

— ... Биз ҳали яна кўришамиз, Шуҳрат. Лекин сенга бир гапни айтиб кетишим керак: яқин даврда сенинг ишларинг ўнгланиб кетади. Аждодларинг сайийд, шайхлардан ўтган табаррук зотлар экан. Парвардигор иродаси билан сени ўшаларнинг руҳи поклари қўллайди. Ёдингда бўлсин, сени ҳозирги оғир вазиятдан илминг қутқаради! Билъакс, илмингдан воз кеча кўрма! Хўп, омон бўл, яна кўришгунча хайр, азизим!

Қиз энди зинада туриб, йигитга қўл силкитади.

Шуҳрат ҳам жилмайганча, беихтиёр унга қўл силтайди:

— Хайр, фаришта!..

Шуҳрат курсида ястаниб, ҳамон ўйчан қиёфада Карэлла ва унинг гаплари билан боғлиқ шаффоф манзараларини хаёлида жонлантиради.

— ...Мана, қиз худди сувда сузаётгандай одимлаганча, қояга аста кириб бораяпти. Мана, буткул кўздан ғойиб бўлади.

Шуҳрат асабийлик билан уёқдан-буёққа юриб турибди.

Бир пайт қиз ҳеч нарса кўрмагандай, қоянинг бошқа биқинидан чиқиб келади.

Бирдан йигитнинг қулоқлари остида қизнинг овози янграйди:

— «Қалай, ҳамма гапларимга энди ишонгандирсан?»

— «Гап йўқ», — дейди Шуҳрат ҳам базўр жилмайиб.

...Мана, қиз унинг лаблари бўйлаб бармоғини юргизаркан, фаромуш ҳолда сўз қотади:

«Бу — ҳар қандай ахборот — моҳиятга, ҳамма нарсанинг мазмун-моҳиятига айланадиган ҳолат... Сизлар уни севги деб атайсизлар, шундай-ку, ахир?»

Унинг нигоҳида чексиз меҳр ва... тубсиз гам-ғусса ифодалари қотиб қолгандай.

Шуҳрат уни қучоқлаб олади. Айни дамда секин, лекин эҳтирос билан:

— «Ҳа... Ҳа... Ҳа...» — дейди.

Уларнинг таналари чирмовуқ гулдай ўзаро чирмашиб-чатишиб кетади...

Бирдан бу манзаралар нохос остин-устун бўлиб, қиз ва йигит Коинот қўйнига кўтарилишади. Улар тунги юлдузлар қўйнида бамисоли қувлашмачоқ ўйнаётгандай бир-бирларини силаб-сийпалаб, буралиб эшилади. Ана шу ҳолатда қизнинг ҳазин ва изтиробга тўла овози янграйди.

— «Сен бўлсанг... сен... режамизда йўқ эдинг!..»

Қизнинг ўксиб-ўксиб йиғлагани эшитилади.

Шуҳратнинг ҳаяжон ва саросимали овози:

— «Гавҳархон!.. Қизалоқ... Сенга нима бўлди?..»

Яна Карэлланинг йиғи аралаш гам-гуссали нидоси янграйди:

«Мен... сени... севишим мумкин эмас эди... Бу мумкин эмас, ахир!...»

«Бу ерда... мен ўламан...».

— «Мен-чи? Мен нима қиламан?» — дейди қайгуга ботган Шуҳрат юлдузлар қўйнида ҳайкалдек тек қотиб.

Карэлла ундан узоқлаша бошлайди. Қизнинг:

— «Билмадим... билмадим... билмадим...» — деган сўзлари бамисоли Коинот қаърига сингиб кетгандай бўлади.

...Шу пайт қўққис жиринглаган эшик қўнғироғи унинг хаёлини бўлади, сесканиб ўрнидан туради-да, эшикни очади.

— Салом, Шуҳрат! — дейди остонада турган дўсти Аброр негадир бардам ва кўтаринки кайфиятда.

Шуҳрат уни фаромушлик ила ичкарига бошлайди.

Ҳеч қандай гап-сўзсиз чўнтагидан калит чиқариб:

— Мана бу — «Лимузин»нинг калити, — дейди дўстига маъносиз тикилиб. — Мошина — сеники. Сўраган миллионларингни ҳам оласан. Билагузукни қайтариб берсанг, бас.

— Гап йўқ! — дейди Аброр калитни оларкан, оғзининг танобини қочириб.

У ҳам дарҳол кўйин чўнтагидан билагузукни чиқариб, дўстига узатади.

Шуҳрат билагузукни қўлига олиб, унга тикилганча, яна ўйга толади.

Лекин Аброр негадир кетишга шошилмайди.

— Сен нима қилмоқчисан энди? — сўрайди у каловланиб. — Истасанг, бирга ишлайлик. Бу ёги зўр бўлади!..

— Йўқ! — дейди Шуҳрат қатъий оҳангда. — Мен илмга қайтаман! Афтидан, тақдир тақозоси шундай. Инсон ўз виждонига хиёнат қилиб яшагандан кўра, яшамагани афзал...

— Ҳа, — дейди Аброр бошини қуйи солиб, — ўзим ҳам шундай деб ўйловдим.

Аброр бирдан ўзига келгандай жиддий тортиб, дўстига савол назари билан тикилади:

— Бизга нима хизмат бор, Шуҳрат?

Шуҳрат костюмини кияркан:

— Хизмат... бор... — дейди. — Ҳозир Карэлла иккивимизни бир жойга олиб бориб қўясан.

— Бош устига, дўстим!..

Улар шошилинч ташқарига отланишади.

* * *

Шуҳратнинг ота-онасининг уйи. Карэлла ўша бизга таниш хонада, яна ўзининг оқ ҳарир кўйлагида паришон нигоҳини шипга тикканча, оғир бетобланиб ётибди.

Чол-кампир унинг устида парвона.

Шуҳратнинг онаси унинг пешонасига латта ҳўллаб босади. Отаси пиёлага чой қуйиб, қизнинг ёнидаги устулга қўяди.

— Тавба, танаси темирдай ловиллаб ёнаяпти, — дейди кампир ташвиш ва саросимали овозда. — Шунақаям иситмалайдими, одам? Умуман, турган-битгани тилсим экан бу қиз...

— Э, хотин, — дейди ота ўйчанлик билан. — Инсон шундайин сирли хилқатки, у то маҳшар кунигача ўз-ўзлигини англолмай ўтади!...

— Биласизми, дадаси, — дейди она ҳам энди хаёлга берилиб. — Бу қиз, ўйимча, чиндан\ам юлдузлардан келган-ов. Чунки етмиш йил умр кўриб, бунақасига биринчи дуч келишим. Демак, ўзимизнинг кўҳна эртаклардаги Ойнмомодан тушадиган фаришталар бор гап экан-да?

— Э, хотин, — дейди ота. — Бу дунё шундайин мўъжизаки, унинг сир-синоатларининг тагига манаман деган даҳолар ҳам етолмаган!

* * *

Ҳовлида Шуҳрат кўринади.

У тез уйга кириб, қизнинг билагига билагузугини тақиб қўяди. Шу ондаёқ қизга жон киргандай бўлади. Негадир унинг кўзларига ёш томчилари қалқади.

Ота-онаси ҳайрон.

— Яхши келдингми, ўғлим, — дейди онаси Шуҳратнинг елкасидан қучиб. — Кутавериб, кўзларимиз тўрт бўлди. Шўрлик қиз кечаси билан алаҳсираб, ўт бўлиб ёниб чиқди. Бизам мижжа қоқмадик.

— У сўраган малҳамни олиб келдингми? — сўрайди отаси қизнинг билагига тикилиб.

— Ҳа, — дейди Шуҳрат. — Ҳозир у оёққа туради.

— Иншооллоҳ, шундай бўлсин, — дейди отаси енгил тортиб.

— Унинг сафари қариди чоғи, — журъатсизгина сўрайди она.

— Ҳа, ойижон, — жавоб беради Шуҳрат. — У бугуноқ учиб кетиши керак. Йўқса...

— Нимага келди-ю, нимага кетаяпти энди?

— У шаҳримизни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳалокатдан қутқарди. Яна... яна у менинг руҳимни ҳам тубсиз чоҳга юзтубан қулашдан асраб қолди.

— Умридан барака топсин! — дея чол-кампир қўлларини фотиҳага ёзиб, дуо қилишади.

Сўнгра ўғилларининг қизга гапи борлигини пайқаган ота-она унсизгина одимлаб, ташқарига чиқишади.

Шуҳрат Карэлланинг кўзларига тикилади. Карэлла ҳам ғамгин нигоҳини ундан узмай, ўрнидан туради. Билагузук топилганидан у негадир хурсанд эмас.

— Балки шу ерда қолиб, васлингда ўлсам, армонсиз кетармидим? — дейди у ҳазин овозда.

— Йўқ, — дейди Шуҳрат қатъий. — Сенинг ўлиминг менга чексиз бахтсизлик келтиради!..

— Мен учун эса, сендан мангу жудо бўлишдан кўра оғир бахтсизлик йўқ! — дейди қиз яна кўзлари намланиб.

— Суйган ёрингга мулом бахт тилаб яшашда ҳам теран маъно бор! — дейди Шуҳрат уни овутишга уриниб.

— Лекин бу ҳам бир қисмат, — дейди қиз гўё гапга якун ясагандай ва қўлидаги билагузукнинг аллақайси тугмасини босади.

Шу ондаёқ қизнинг юзига чексиз ташвиш ва хавотир ифодаси инади. У зудтар йигитнинг қўлларидан ушлаб, тез-тез гапиради:

— Хавотир олма! Биз ҳозир Қизилқум даштининг марказий ҳудудига телепортация усулида кўчиб ўтамиз!..

Лаҳза ўтмай, улар ҳадсиз-ҳудудсиз қум барханлари ва саксовулларнинг ўртасида гардиши тахминан 6 газ атрофидаги қорамтир доғ ёнида пайдо бўлишади. Доғлаги қум ва саксовул минглаб ҳарорат даражасида куйдирилиб, қатқалоқ, ғовак ва шагалсимон тош қатламларига айланиб қолганди.

— Шуҳрат! — дейди қиз ҳаяжонли овозда доғнинг ўртасига тиз чўкаркан. — Мени самовий алоқага чақиришаяпти. Сен гапларимни диққат билан эшит...

Қиз бирдан муроқаба (транс) ҳолатига тушиб, кўзларини ярим юмганча, тиз чўккан жойида мунгли қиёфага киради. Қўллари ўз-ўзидан юқорига кўтарилиб, ҳавога аллнималарни ёзаётгандай ҳаракатлар қила бошлайди. Сўнгра худди роботга ўхшаб бир маромда сўзлашга киришади:

— Sos! Sos! Sos! Самовот Кузатув Марказининг координатори Карэллага!

Биз—қўшни юлдуз буржидаги олис Бета сайёраси вакиллари—сени Ер вақти билан бир ҳафтадан буён узлуксиз алоқага чорлаймиз. Жавоб бер: қаерга ғойиб бўлдинг?

Карэлла энди ўзининг табиий овозида жавоб беради:

— Мен бахтсиз тасодиф туфайли алоқа қурилмамни йўқотиб қўйган эдим...

Қиз яна робот овозида сўзида давом этади:

— Биз Қуёш тизимидан таралаётган салбий руҳий-экологик нурланишдан қочиб, тўрт йил муқаддам сайёрамизнинг меҳварини ўзгартиргандик, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган эканмиз. Сайёрамиз ўз ёриттичидан

бирмунча узоқлашгани боис унинг сатҳида ҳарорат кескин пасайиб кетди. Натижада биз сайёрамиз қаъридан иссиқлик излаб, махсус қудуқлар қазишга мажбур бўлдик. Лекин бунинг оқибатини яхши ҳисоб-китоб қилмаган эканмиз, ҳамма ёқдан даҳшатли вулқонлар отила бошлади. Асосийси, ҳавога биз табиатини англамаган ўта заҳарли газ отилиб, ҳумаиоидларимиз оммавий қирғинга учради. Шунда биз саросимада тирик қолган 380 ҳумаиоидни бир қанча само кемаларимизга жойлаб, бизга энг яқин сайёра — Ердан маскан топишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Хуфия кемамизни ҳатто Қизилқум дашти ўртасида қўндиришга уриндик. Сизлар ҳозир айни шу жойда турибсизлар.

Лекин ерликлар бизни тушунишмади. Кемаларимизни душман мамлакат учоқлари деб ўйлаб, ракеталардан ўққа тутишга чоғланишди.

Роботнинг овози аcносида даҳшатли вулқонлар ва газлар отилаётган мўъжаз сайёра мултипликацион кўринишларда намойиш қилинади.

Ҳеч қандай ўсимликлар ўсмайдиган, тошлоқ ерларга жойлашган бир қаватли куб, конус, эҳром шаклидаги ғалати уйлар атрофидаги бир-бир ярим газ бўйли ҳумаиоидлар ушбу заҳарли газлар таъсирида тўп-тўп бўлиб оёқдан ағдарилишаяпти.

Сўнгра само кемалари аланга қўйнидаги сайёра саҳнидан гуруҳ-гуруҳ бўлиб Коинот қаърига кўтариладн. Ер сайёраси маҳварига яқинлашганларида, уларга қарата сайёрадан ракеталар отиш тараддуди бошланади.

Само кемалари ўз йўналишларини орқага буришга мажбур бўлишади.

Робот ҳамон гапида давом этади:

— Оқибатда биз орқага — Орион юлдуз буржи сари йўл солишга мажбур бўлдик.

— Ерлик одамлар ҳали самовий мулоқотларга тайёр эмас. Айрим жойларда турли диний, миллий ва ижтимоий низолар, ўзаро қонли урушлар ҳали-ҳануз давом этмоқда, — дейди унга жавобан қизнинг табиий овози. — Сайёрангизнинг ҳалокатга учрагани ҳақида мен Самовот Кузатув Маркази орқали Ерга қўнишим арафасида хабар топган эдим. Ушандаёқ ёрдам сўраб, бутун Коинотга бонг ургандим. Йўлингиз тўғри. Сизларни Орион юлдуз буржидаги жами цивилизациялар қабул қилишга тайёр!

Роботнинг овози энди баландроқ пардаларда янграйди:

— Чин дилдан ташаккуримизни қабул қилгайсиз, координатор Карэлла! Биз учун бу — буюк саодат! Яна кўришгунча хайр!..

— Омон бўлинглар, азизларим! Сизларга янги масканда бахтли кўним тилайман! — дейди қиз ўз табиий овозида ва мулоқот тугаганини билдириб, қўлларини хоч шаклида туташтиради.

Шундан кейин Карэлла ўзига келгунча бир неча фурсат шу алфозда қолади-да, сўнгра ўрнидан туриб, бу ғаройиб мулоқотдан онг-тонг қотганча, оғзи очилиб қолган йигитнинг ёнига келади.

— Ишимиз мана шунақа, — дейди у Шуҳратга кулимсираб, меҳр билан тикиларкан.

— Қойил! — дейди йигит жилмайганча қизнинг нозик елкаларидан қучиб.

Шу пайт Карэлла яна қўлидаги билагузугининг қизғиш тугмаларидан бирини босади.

Шу заҳоти қиз билан йигит юлдуз тўла Коинот қаърига кўтарилиб кетишади. Улар бир-бирларига шунақанги завқ-шавқ билан мастона тикилишадики, атрофларини ўраб олган катта-кичик сайёралару ёрқин юлдузларни умуман пайқашмаётгандек.

— Карэлла... — дейди Шуҳрат аста шивирлаб.

— Шуҳрат.... — дейди Карэлла аста шивирлаб.

Уларнинг овозлари бамисоли борлиқ само қўйнига таралиб, акс-садо беради.

Икки шаффоф тана ва икки жон сарв дарахтига чирмашган печак гулдек яна бир-бирларига чирмашиб кетади. Гоҳ Шуҳрат Карэлланинг оёғини ўпар, гоҳ қиз йигитнинг иягини силар, қўлларини ҳалқа қилиб, бир-бирларининг таналарини ўраб-чирмар, бир-бирларига бамисоли тўтиёдек гоҳ юзларини, гоҳ кўзларини суртар эдилар.

Ана шундай алфозда ошиқ-маъшуқлар ўртасида дилгир суҳбат кечади.

КАРЭЛЛА. Эй кўзларим чароғи, жоним севинчи! Ўзбошимча фалак қалбим ғилофига садаф деб тош солибди. Энди мен васлинг фироқида телбага айланиб, бошқа ҳеч қачон кўнглингни ололмасман. Илло, умр гулим ҳазон бўла бошлади, бу гулни қишнинг наъғрин совуғи урмиш. Жафо қилгувчи фалак боғимдаги гулни ва гулимдаги сувни қуритди. Бошимга ажаб савдолар

тушиб, муҳаббат гулшанини тарк этмоқ зарур бўлиб қолди...

ШУҲРАТ. Эй, жони жонимга пайванд фариштам! Бу ёлғончи дунё мени яна алдамиш. У лаъл деб қўлимга тутган нарса сароб бўлиб чиқди. Энди оҳу фарёдим чақмоғи бутун осмон бағрини тилка-пора айламоқда. Энди мен — бир нотавон, бошқа нима қила олардим, дардимга қандай чора ҳам топардим...

ҚАРЭЛЛА. Эй, ошуфтадил йигит! Кўнглингни ўкситма! Гарчанд кетар вақтим етиб, севгим чаманидаги умр япроғим ҳазон бўлган эса-да, бундай видолашмоқ бизга ярашмас. Илло, пок севгинг қалбим тўридан мангу жой олмиш. Мен уни дилим тубида буткул Коинот бўйлаб мудом бирга олиб юрурман. У ҳаёт йўлларимни зулмат қўйнидаги танҳо юлдуздай абадий ёритгувси.

ШУҲРАТ. О, моҳитобон маҳбубам! Кўнглимни кўтариб айтган малҳам сўзларинг учун сенга минг бор тасанно! Тангрим сенга ҳам сабр-тоқат берсин. Севгимиз чаманини мангу тарк этаркансан, кўп аза тутма, кўз ёшларинг селини оқизма! Билъакс, бошни тошга урмоқ ва ҳатто жонни фидо қилмоқ билан ишқ жабридан қутулиб бўларми?

ҚАРЭЛЛА. Балли, азизим! Гул қуриса-да, чаманга гард юқмагани, кун ботса-да, осмон юзини тўзон қопламагани маъқул...

ШУҲРАТ. Эй, кўнглим малаги, қалбим сурури! Бир-биримизни ширин сўзлар билан овутмоқдан ўзга яна қандай чорамиз бор?Алоҳа, одамзот яралгандан буён ишқ йўл-йўриғини кўрсатадиган зот ҳеч дунёга келганми ўзи?

ҚАРЭЛЛА. (Эҳтирос билан) Билмадим, севгилим! Билмадим!

Қиз ва йигит қучоқлашиб узоқ ўпишишади.

Карэлла яна билагузуги тугмаларидан бирини босади.

Шу алфозда улар тоғлар силсиласи этагидаги бизга таниш адирлик устида пайдо бўлишади. Адир устини қоп-қора булутлар тўдаси қоплаб олганди.

Кутилмаганда осмонни тилка-пора қилиб чақнаган чақмоқ улкан шаҳар яқинидаги тоғлар силсиласи тагига жойлашган катта-кичик уйларни ва унга уланиб кетган водийни сутдай оппоқ нурга чулғайди. Кетма-кет бутун оламни ларзага келтириб, момақалдироқ гумбурлайди.

Ҳув наридаги кўм-кўк водийда ёмғир йўқ, бу ерда —

тоғ қишлоғи осмони узра тўпланган баҳайбат қора булутлар тўдаси пишқириб, шаррос жала қуяр эди.

Яна бир неча бор яшин чақнаб, момақалдироқ гумбурлайди-да, булутлар тўдаси жадаллаб тоғлар силсиласи ортига жилади. Лаҳза ўтмай, осмонни беркитган булутлар пардаси бир неча жойидан йиртилиб, унда ҳаддан зиёд ёрқин юлдузлар милтиллай бошлайди.

Ана шу «йиртиқ» жойларининг бирида қўққисдан улкан ва янада ёрқинроқ юлдуз пайдо бўлади-да, шиддат билан пастга — тоғлар силсиласи сари интиларкан, тобора катталашиб боради.

Йигит ва қиз адир тепасида тағин бир неча дақиқа бир-бирларига маҳлиё бўлиб тикилишади.

— Энди бора қол... — дейди Карэлла кўзларида маржон-маржон ёш ҳалқаланиб.

Шуҳрат бир неча фурсат ҳайкалдай қотиб туради-ю, бирдан кескин бурилиб, пастга йўл олади. Сўнгра югуриб кетади.

Карэлла унинг ортидан кузатиб қолади. Кейин у билагузугини кўзларига яқинлаштириб, яна қайсидир тугмасини босади. Билагузук милтиллаб ёниб, яна ўчади. Сўнгра қайта ёнади.

Қиз энди осмонга тикилади.

Мана, лаҳза ўтмай, тоғлар этагидаги адирлик чўққиси устида пайдо бўлган бизбизакка ўхшаган юлдуз бир зум адир узра муаллақ осилиб турар экан, пастга чироқларини йўналтириб, ҳаммаёқни кундузгидай нурафшон қилиб юборади. Сўнгра аста-секин пастлаб, адир чўққисига қўнади-ю, борлиқ яна зулмат оғушига чўмади. «Бизбизак»нинг бир неча доиравий иллюминаторларигина ўзидан сарғиш нур таратарди, холос.

Само кемаси адирда узоқ турмайди.

Бамисоли хайр-маъзур қилаётгандай, яна ўзидан пастга ёрқин нурлар таратиб, кескин осмонга кўтарилади.

* * *

Йўл чеккасида тўхтаган Шуҳрат тунги осмон бағрига, чақноқ юлдузлар салтанатига сингиб бораётган само кемасига то у митти нуқтага айлангунига қадар тикилиб туради-да, оғир нафас олганча кафтларини юзига босади.

У қўлларини туширганида, само кемаси изсиз йўқолган эди.

Шуҳрат бурилиб, йўл ёқалаб кетади. Турфа-туман мошиналар унинг ёнидан «ғир-ғир» ўтишади.

Кутилмаганда қизил мошина унинг ёнидан ўтиб кетади-да, дарҳол тўхтаб, орқасига юради. Унинг олдинги эшиги очилиб, ҳушчақчақ овоз эшитилади:

— Шуҳа, бу ерда нима қилиб юрибсан?

Бу — Макс лақабли қиморбоз.

Шуҳрат унинг ёнига ўтиради ва мошина жойидан жилади.

Қиморбоз унга ҳайрон бўлиб тикилади.

— Сенга нима бўлди ўзи?

Шуҳрат рўпарасига тикилганча, қўрс жавоб беради.

— Йўлингга қара...

Макс Шуҳратга ғалати қараш қилиб, нигоҳини йўлга қадайди.

Шуҳратнинг оқ «Лимузин»и ҳам улар билан изма-из келади.

— Нима бало, касодга учрадингми? — сўрайди Макс анча сукутдан сўнг.

Шуҳрат индамайди.

— Агар соққа керак бўлса, оғзингга сиққанини айт, бериб тураман. Ҳозир омадим чопган...

— Керакмас, — дейди Шуҳрат.

— Е жононинг ташлаб кетдими? — дейди Макс уни ҳол-жонига қўймай. — Агар шундай бўлса, ҳозироқ янгисини топиб беришим мумкин. Кетдикми?

— Тўхтат!.. — дейди Шуҳрат ижирғаниб.

— Сенга нима бўлди ўзи? — бешбаттар ҳайрон бўлган Макс мошинани чеккага олиб, тўхтатади.

Оқ «Лимузин» ҳам ундан сал нарида тўхтайди.

— Ҳеч нима, ҳаммаси жойида'...

Шуҳрат шошилинч орқага, тепаликка қараб кетади.

Макс унинг ортидан тикилади. Кейин таниш шоирнинг шеърини эслаб:

— Е фалак, ишларинг бунча ғалат! — дейди-да, мошинасини ғизиллатганча ҳайдаб кетади.

Унинг ортида турган «Лимузин»дан Аброр тушиб, дўстининг ортидан қичқиради·

— Шуҳрат! Ҳой, Шуҳрат! Мен ҳам виждонимга хиёнат қилолмайман. Машинангни ол!..

Шуҳрат унга ўгирилиб қарашни ҳам эп кўрмайди, олға қараб шошилади.

* * *

Йигит адирнинг яқиндагина Карэлла турган юқори нуқтасига чиқиб келади-да, бир неча фурсат ҳайкалдек туриб қолади. Сўнгра ўтлоқ ерга юзтубан йиқилади.

У муштлари билан ерни уради, бармоқлари билан ўт-ўланларини ғижимлайди. Унинг юраги унсиз йиғидан гўё ҳозир ёрилиб кетадигандай.

Йигит бир дақиқа қимирламай қолади ва нохос ўгирилиб ётади.

Унинг кўзларида ёш ҳалқаланади. У шаффоф кўз ёшлари орқали юлдузларга боқади.

Юлдузлар эса Шуҳратга лоқайдлик ва беписандлик билан тикилишади.

Аммо Шуҳрат Карэлла учиб кетган юлдузни топгандай бўлади. Бу уни ҳозир пича овунтиргандай туюлади. Кўз ёшлари ҳам аста қурий бошлайди. Унинг лабларига сезилар-сезилмас кулгу инади.

У юлдуз тўла осмондан нигоҳини узолмай қолади.

## МУТАМАХ

### Илмий-фантастик ҳикоя

Мириқиб хуррак отаётган генерал Нажот Оллоёр ўнг томонидаги ялтироқ жавончага қўйилган қирмизи телефоннинг асабий жирингидан уйғониб кетди. Деразадан оппоқ тонг мўралай бошлаган, хонага субҳидамнинг кумуш ёғдулари бамисоли шаффоф шалоладай оқиб кираётган эди. Генерал афтини тириштириб, ўлганининг кунидан дастакни қулоғига тутди-да, совуққина оҳангда:

— Лаббай, эшитаман, — деди.

— Жаноб генерал, — деган ташвишли овоз эшитилди дастакдан, — етмиш саккизинчи катакда номаълум учоқ пайдо бўлди. У Кумуштоғнинг жануби-шарқий этагига қараб пастлаяпти.

— Ҳарбий учоқми?

— Радар берган маълумотларга қараганда, у Қўшма Штатлар ёки Шўро Иттифоқининг ғайриоддий тузилишга эга ҳарбий учоғи.

— Сиртида бирор давлат белгиси борми?

— Йўқ... Қўнинча хуфия учоқларга ҳеч қандай белги қўйилмайди-ку?!

— Тушунарли. Дарҳол ҳарбий ҳолат эълон қилинг. Учоқ қўнишини мўлжаллаётган жой зудлик билан қуршовга олинсин. Учувчиларни тириклай ушлашга уриниинглар. Мен ярим соатда етиб бораман.

Нажот Оллоёр апил-тапил кийинаркан, ўйларди: «Қизиқ, бу фитнани ким уюштирди экан? Қўшма Штатларми ёки Шўро Иттифоқими? Ҳар иккала ҳолда ҳам хуфия учоқ қўлимизда ҳисоб. Нима бўлсаям, уриб туширишимиз аниқ...»

* * *

Зуҳал юлдуз буржида истиқомат қилувчи фазогирлар ҳар эҳтимолга қарши уни доимо ўз кемаларида

олиб юришарди. Кема остки қисмидан унга катта бўлма ажратилган, ана шу бўлманинг темир тўшамасида худди похол тиқилган қопдай чўзилиб ётаркан, у ҳафталар ва ойлар мобайнида на овқат, на сув талаб қилар, аҳён-аҳёнда кекса қайрағоч дарахти пўстлоғидай буришиб кетган шилимшиқ танасидан аллақандай кўкимтир суюқлик чиқариб, кейин яна ўзига сингдириб олар эди. Ҳаёт фаолиятини мўътадил сақлаб туриш учунми, у ётган бўлмага катта қувватли ҳавосовутгичлар ёрдамида турли кимёвий унсурлар билан бойитилган тоза ҳаво узлуксиз юбориб турилса ҳам, бўлмадан кўнгилни оздирадиган даражадаги қўланса ҳид сира аримасди. Бу гаройиб махлуқ, агар зарурат туғилса, шунақанги даҳшатли ҳунарлар кўрсатиши мумкин эдики, уларни кузатган ҳар қандай онгли мавжудот ҳуши бошидан учиб, ақлдан озарди.

Кунларнинг бирида зуҳаллик фазогирлар Коинот сарҳадларининг чеккасида жойлашган улкан сариқ ёритгич буржининг олий ҳаёт мавжуд сайёраларидан бирига қўнишди. Зуҳал алломаларининг Галактикани ҳар томонлама тадқиқ этиш режаларига биноан, фазогирлар бу кичик сайёранинг жўғрофияси, об-ҳаво шароити ва унда истиқомат қилувчи тафаккур эгаларининг тараққиёт савиясини ўрганишлари, бундан ташқари, кема остки бўлмасидаги бадбўй мутант[1] учун тўйинтирилган ҳаво заҳирасини ҳам жамғариб олишлари зарур эди.

Хуллас, сайёранинг кимсасиз тоғли туманига қўнган фазогирлар кўп ўтмай фавқулодда воқеанинг гувоҳи бўлишди. Кеманинг «О» ҳарфига ўхшаш эшиклари очилиб, келгиндилар ўзнюрар зиналар орқали энди пастга туша бошлаган ҳам эдиларки, кутилмаганда ердан чиқдими, осмондан тушдими, уларнинг тўрт томонида аллақандай найзасимон қуроллар кўтарган маҳаллий ерлилар тўдаси пайдо бўлди.

Кема дарғаси — бўйи икки газдан зиёд, қора тусдаги фазовий жомакор кийган, кенг пешонасида биргина катта кўзи чарақлаб турган миқти фазогир — уларни кўрган заҳоти радиоэлектрон алоқа тармоғини ишга солиб, кемада қолган ёрдамчисига буюрди:

— Дарҳол кемани фантом ҳолатига[2] келтир!

---

[1]. *Мутант* — белги ва хусусиятлари тўсатдан, тубдан ирсий ўзгарган тирик мавжудот.
[2] Кўринмас ҳолат.

Бошқарув бўлмасида ўтирган дарға ёрдамчиси пультдаги ранг-баранг ва ғуж-ғуж тугмаларнинг бирини босди-да, юраги орқасига тортиб кетди. Унинг рўпарасидаги тўртбурчак кўзгучада бош компьютернинг кеманинг қутбловчи тармоғи ишдан чиққанини билдирувчи қизил хоч белгиси акс этарди. Бу нохуш хабарни у дарҳол кема дарғасига етказди. Дарға унга жавобан:

— Зудлик билан ҳимоя қобиғини ишга туширl — дея буюрди-да, шу асиода пастга тушиб улгурган ҳамкасбларига фикран мурожаат қилиб, атрофига тўпладн. Яқин масофадан улар ўзаро ғойибона усулда фикр алмашишарди.

— Вазият қалтис. Нима қиламиз, азизлар? — сўради у сайёрадошларига бирма-бир синчков нигоҳ ташлаб.

— Тезда учиб кетишимиз керак. Йўқса, кемага зарар етказишлари ҳеч гапмас, — деди дарғадан сал пастроқ бўйли, дубулғаси остидаги жигарранг сочлари биргина камалак қошини чала-ярим беркитган аёл фазогар.

— Оддий найза билан қуролланган ерлилар биз учун қандай хавф туғдира олишлари мумкин? — эътироз билдирди озғинлиги туфайлими, ҳаммадан дарозроқ кўринаётган учинчи фазогир. У ўнг қўлидаги тўппончасимон алланимага бот-бот нигоҳ ташларди.

— Менимча, улар оддий найза кўтариб олишган, деб ўйласак, хатога йўл қўйган бўламиз, — деди дарға хавотирга тушиб.

— Тўғри, — маъқуллади унинг фикрини аёл фазогир, ярим чақиримча наридаги тепаликдан шошилинч тушиб келаётган юз чоқли аскарлар тўдасига саросима аралаш тикиларкан, — чамамда, улар найзали автомат милтиқлар билан қуролланишган.

— Мутантдан фойдаланишимизга тўғри келмаса, деб қўрқаман, — деди озғин фазогир негадир изтироб-ли оҳангда.

— Йўқ, мумкин эмас! — деди кема дарғаси қатъий оҳангда. — Умумкоинот минтақалари уюшмасининг низомига қарши иш тутолмаймиз!

— Нега, ахир? — эътироз билдирди озғин фазогир.— Ҳаётимизга таҳдид солаётган тажовузкор кучларга қарши уни ишлатишимиз мумкин-ку?!

— Ҳимоя қобиғи ичида эканмиз, бизга ҳеч ким ва

ҳеч нарса хавф сололмайди, — деди дарға эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

— Вой, қаранглар! — кутилмаганда хитоб қилди фазогир аёл узун камалак қошини чимириб.— Ҳарбий учоқлар!..

Чиндаnам, улар озғин фазогир ушлаб турган нарса устида пайдо бўлган катта кўзгу орқали ёнма-ён саф бўлиб учиб келаётган тўртта ҳарбий учоқни кўришди. Уларнинг ҳар бири тўрттадан ракета осиб олганини шу ердан туриб ҳам бемалол илғаш мумкин эди.

* * *

*Мутлақо махфий!*

Америка Қўшма Штатлари Президентига
Шўро Иттифоқи раҳбарига!

**Ҳукумат номаси**

Жаноблар!

Наҳористон ҳукумати бизнинг жанубий-шарқий ҳудудимиздаги Кумуштоғ тизмалари этагига ғайриоддий тузилишдаги ҳарбий учоқ давлат чегарамизни қўпол равишда бузиб ўтганини маълум қилиш билан бирга, унинг Шўро Иттифоқи ёки АҚШга тегишли-тегишли эмаслиги ҳақида зудтар хабар беришингизни илтимос қилади. Агар у хуфия мақсадлар билан ташриф буюрган ва бу иш давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига раҳна солишга қаратилган бўлса, биз юқорида зикр этилган кемани асир олишга ёки бунга эришолмаганимиз тақдирда — уни буткул йўқ қилиб ташлашга мажбур эканлигимизни афсус билан маълум этамиз.

*Камоли эҳтиром ила,*
*Наҳористон ҳукумати Президенти.*

...Генерал ўтирган парракли учоқ Кумуштоғ этагига ўттиз дақиқадаёқ етиб келди. Тўрт тарафдан оқ тўшли мағрур чўққилар силсиласи қад ростлаган, ўртада турфа ёввойи мевали дарахтлар ғуж-ғуж ўсган ям-яшил водий ястаниб ётибди. «Жосус» кема ана шу водийга, тоғ этагига туташган ялангликка қўнган эди.

Кемани тўрт тарафдан бир неча юз қуролли десант-

чи қуршаб олган, ўнг тарафдаги тепаликдан Шўро Иттифоқидан сотиб олинган ўнта танк худди денгиз тошбақаларидай бирин-кетин ўрмалаб келар эди. Икки тоғ оралигидан эса, ракета осган тўртта қирувчи тайёра, тахминан, уч юз-тўрт юз газ баландликдан учиб ўтарди. Генерал Нажот Оллоёр парракли учоқни номаълум кема ёнидаги майсазорга қўндиришни буюрдида, радиомикрофон орқали танкчилар ва пиёда аскарлар қўмондонларига буйруқ берди:

— «Денгиз тошбақаси» кемани тўрт тарафдан қуршовга олсин! «Пиёда» ҳужумга тайёрлансин! «Қирғийлар» жуфт-жуфт бўлиб, кемани шимолдан ва жанубдан нишонга олсин! Ҳамма бўлинмаларга алоҳида жанговарлик ҳолати эълон қиламан!

Ажабо, шу пайт номаълум кема атрофида унга қурол ўқталиб турган аскарлар ҳаяжондан қичқириб юборишаёзди. Сира кутилмаганда кема сиртининг кумуш ранги ўзгариб, аста-секин худди шишадай шаффоф тус ола бошлади. У ҳамманинг кўз ўнгида кўздан ғойиб бўлаётган эди.

Пиёда лашкарлар қўшин қўмондони шу маҳал майсазорга қўнган парракли учоқ қошига югураркан, эшикдан тушиб келаётган генералга қарата жон ҳолатда қичқирди:

— Нажот жаноблари! Кема кўздан йўқоляпти! Ҳозир у буткул ғойиб бўлади! Ўққа тутишга рухсат этинг!...

Кейинги воқеалар яшин тезлигида кечди.

* * *

Номаълум кема ичидагилар генералнинг аввал инглиз, сўнгра рус тилида радиомикрофонни турли узунликдаги тўлқинларга улаб, алланималар деяётганини махсус қабул қурилмалари орқали аниқ эшитишди. Унинг келгиндилардан таслим бўлишни талаб қилаётгани кундай равшан эди.

— Ерлик мавжудотларга сира тушуниб бўлмайди, — деди кема дарғаси фиғони чиқиб. — Уларда тажовузкорлик майли шунақанги ривожланганки, ҳар қандай ёвузлик ўшанга яраша ёвузликни юзага келтириши ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмайди.

— Жуда тўғри, — қўллаб-қувватлади уни фазогир аёл. — Ерликларнинг одам бўлиши анча мураккаб жараён чоғи. Орадан асрлар ўтса ҳам уларнинг феъл-

атвори ўша-ўша. Аср бошидаги сафаримиз ёдларингда бўлса керак. Ўшандаям бизни қирувчи тайёраларди роса таъқиб қилишганди.

— Фожиа шундаки, — деди озгин фазогир ўкиниб, — улар ўз қилмишларининг оқибатларини идрок этишга ҳам ожиздирлар. Бу оламда ҳеч нарса изсиз қолмаслигини наҳотки тушунишмаса?..

— Бу бемаъни сайёрани тезроқ тарк этиш керак. Улардан ҳамма нарсани кутиш мумкин, — деди фазогир аёл афсус-надомат билан.

— Афсуски, ҳозир ҳеч қаёққа жилолмаймиз, — деди дарға бошини сараклатиб. — Таъмирчи темиртан билан ёрдамчим кема қусурини тўла тиклашларига ҳали яна ўн дақиқа бор.

— Ҳаммадан даҳшатлиси шундаки, — деди озғин фазогир бешбаттар хафа бўлиб. — биз улар билан мулоқот ҳам ўрнатолмаймиз: таналаримиздаги аксилмодда улар учун ўта ҳалокатли. Ҳатто овозимиз, фикримиз, нигоҳимиз ҳам уларга катта хавф туғдириши мумкин.

— Таъмир ишлари тугамай туриб, улар кема қобиғини ишдан чиқаришса нима бўлади?

— Нима бўларди? Сиз билан биз кема ва жасадларимиздан жудо бўлиб, руҳларимизни капсулада Зуҳалга жўнатишимизга тўғри келади. Лекин бу — сўнгги чора. Даҳшатлиси шундаки, бу ҳолда мутант жиловсиз қолади ва у озодликда бамисоли ерликларнинг афсоналаридаги даҳшатли аждарҳога айланади.

Шу чоқ фазогирлар саросима ичида қичқириб юборишди.

— Ё фалак! Улар кемамизни ўққа тута бошлашди! — хитоб қилди фазогир аёл, камалак қоши остидаги қўрқув тўла танҳо кўзининг киприкларини пирпиратиб.

— Аскарларнинг ўқлари кемага зарар етказолмайди.

— Танклар ҳам...

— Лекин анави қирувчи учоқлар...

— Ҳар эҳтимолга қарши капсулалар тайёрлансин!

— Хўп бўлади, — озгин фазогир кема омборхонасига қараб югурди.

— Ахир, ҳозир кемамиз кўринмас қобиқ остида-ку? Улар таваккалига ўққа тутишяптими?

— Ҳа-да. Ерликлар азалдан шунақа — уруш-жан-

жални пулга сотиб олишади. Коинотда бунақа сайёралар ҳамон мавжуд экан, ҳар хил мутантларни олиб юришга мажбурмиз-да...

— Бари бир ерликларга раҳмим келяпти, — деди фазогир аёл маъюсланиб. — Мутант уларнинг бошига не кулфатларни солмаса гўрга эди.

— Энди бўлар иш бўлди. Уларни Коинот Олий Тафаккури ўз паноҳида асрасин.

— Айтганингиз келсин.

Улар худди фотиҳа қилаётгандай, кафтларини юзларига тортишди.

Генерал Нажот Оллоёр кемани ўққа тутишга рухсат берди-ю, лекин ичидан зил кетди. Вужудини негадир гулгула ва хавотир ҳислари чулғаган, ўзини қўярга жой тополмай, худди қафасдаги сиртлондай типирчилаб, у ёқдан-бу ёққа одим ташларди. Йўқ, лаънати кема кўздан йўқолган бўлсаям, жойида турган бўлиши керак. Унинг нимасидир ишдан чиққан-у, учолмай қолган, холос. Ҳозир таъмир қилишаётган бўлса ҳам ажаб эмас.

Е тавба, аскарлар тўрт тарафдан отаётган ўқлар худди кўринмас пўлат деворга бориб урилаётгандай учқунланиб, ҳар ён сачраяптими? Демак, кеманинг учолмагани, ҳамон жойида тургани аниқ. Аскарларнинг бир иш чиқариши амри маҳолга ўхшайди. Танкларни ишга солиш керак!

Кемани чор-атрофдан қуршаб олган «денгиз тошбақалари»нинг ҳамма ёқни ларзага келтириб отган ўқлари ҳам зое кетди.

«Оббо, лаънатилар-эй! Бу қанақа қотишмадан тайёрланган кема экан? Ракета отишга тўғри келадими деймаи?». — хаёлидан ўтказди генерал, ҳамон кўнглидан алланечук хавотир ҳисси аримай.

Шу пайт қарама-қарши йўналишда учаётган қирувчи учбқларнинг икки нафари пастга, номаълум кема турган тарафга шўнғиди-ю, генералнинг буйруғи билан аввал бир жуфт, кейин яна бир жуфт ракетани қўйиб юборди.

Айни шу маҳал кемани ўраган аскарлар ҳайратдан қичқириб юборишди. Кема яна шаффофлашиб, аста-секин ўзининг кумушранг тусини ола бошлаганди. Лекин кетма-кет келиб урилган ракеталар туфайли ҳамма ёқни гумбурлаган овозлару кўм-кўк тутун қоплаб, ҳеч нарса кўринмай қолди.

Дилидаги ғулғула тобора ортиб бораётган генерал Нажот Оллоёр, чамаси, парчаланиб кетган кеманинг тепасидан бир неча нозик нур оқими юқорига — Коинот қаърига отилганини пайқади. Лекин унинг нималиги ҳақида ўйлаб кўришга ҳам улгурмади. Чунки тутун бирмунча тарқаб, кўз ўнгида даҳшатли манзара намоён бўлди. Ҳозиргина номаълум кема турган жой ўрнида кекса қайрағоч пўстлоғидай буришиқ ва шилимшиқ танали баҳайбат бир махлуқ чўзилиб ётар, унинг танасидан кўнгилни оздирувчи кўм-кўк суюқлик чиқа бошлаган эди. Махлуқнинг ҳайбати эртаклардаги аждаҳолардай улкан бўлиб, кўриниши жуда ғалати: ўйлаб «бош»лари ва панжасимон «қўл»лари узлуксиз кўтарилиб-тушиб, буралиб-эшилиб турар эди. Ҳадемай унинг танаси қуриб қолди-да, ўзи дум-думалоқ шарсимон шаклга кирди ва жойидан кўтарилганча, ўзини ўраб турган аскарлар сари шиддат билан учиб кетди.

* * *

*Мутлақо махфий!*

**Ҳукумат номаси**

*Бирлашган Миллатлар*
*Ташкилотининг Саркотибига*

Муҳтарам Саркотиб!

Наҳористон ҳукумати ғайриоддий тузилишдаги ҳарбий учоқ давлат чегарамизни қўпол равишда бузиб, мамлакат жануби-шарқий ҳудудидаги Кумуштоғ тизмалари этагига қўнганини Сиз жанобн олийларига маълум қилади. Сўнгги маълумотларга қараганда, кема на АҚШ ва на Шўро Иттифоқига тегишли. У билан алоқа бошлаш борасидаги барча уринишларимиз беҳуда кетди. Кема учувчилари биз билан тинч мулоқотга киришишдан мутлақо бош тортишди. Орадан кўп ўтмай бизга номаълум йўсинда, турган жойида кўздан ғойиб бўла бошлади. Унинг давлатимизга қарашли стратегик нуқталар устидан учиб ўтганини ҳисобга олиб ва кўпгина давлат сирларимизни қўлга киритиб, ғойибона тарзда жўнаб кетишининг олдини олиш мақсадида кемани портлатишга мажбур бўлдик. Аммо Сизга шуни алоҳида таъкидлаб хабар қиламизки, кемада биз учун мавҳум йўсинда ишловчи биологик қурол мавжуд экан.

Бу шундай ажабтовур қуролки, уни на ўқ олади, на бирор ракета. У ўз-ўзини бошқариш, ўз тўқималарини осонгина қайта тиклаш ва йўлида учраган жамики биологик тузилишга эга жонзот, ҳайвонот ва наботот борки, емириб, қуритиб-қовжиратиб ташлаш қурбига эга. Кема портлаши билан эркинликка чиққан бу шафқат билмас мутант юзга яқин аскарларимизни бир неча дақиқа ичидаёқ гумдон қилди. Лазер билан қуролланган генерал Нажот Оллоёр бошлиқ ҳарбий бўлинмамиз шарсимон мутантни парракли учоқларда таъқиб қилиб бормоқда. Лекин бундан бирор натижага эришиш амримаҳол, деган фикрдамиз.

Ҳозирги вақтда бу даҳшатли биологик қурол тобора катталашиб, Кумуштоғ тизмалари оша Шўро Иттифоқи сарҳадлари сари йўл олган.

Муҳтарам Саркотиб жаноби олийлари!

Сизга шуни ошиғич маълум қиламизки, зудлик билан Хавфсизлик Кенгаши мажлисини чақириб, ушбу номаълум мутантга қарши жиддий чора-тадбирлар кўрилмаса, у мамлакатимиз, шунингдек, Шўро Иттифоқининг жанубий ҳудудларидаги тинч аҳоли яшайдиган кўп жойларини тамоман хонавайрон қилиши мумкин.

*Камоли эҳтиром билан,*
*Наҳористон ҳукумати Президенти*

*Мутлақо махфий!*

**Ҳукумат номаси**

Шўро Иттифоқи раҳбарига

Муҳтарам жаноб...

(Нома юқорида келтирилган тафсилот баёнидан сўнг мана бундай давом этган):

Номаълум биологик қуролнинг тобора катталашиб бораётганлиги ва унинг Шўро Иттифоқи жанубий ҳудудларида жиддий хавф туғдириши мумкинлигини эътиборга олиб, БМТ билан ҳамкорликда чоралар кўришингиз ва мутантни таъқиб қилиб бораётган ҳарбий парракли учоқларимиз мамлакатингиз сарҳадларида бетаҳдид ҳаракат қилишлари учун ижозат беришингизни Сиздан ўтиниб сўраймиз.

*Самимий саломлар ила.*
*Наҳористон ҳукумати Президенти*

* * *

Шарсимон мутант тирик қолган ва энди буталар оралаб шаталоқ отиб қочаётган сўнгги аскарлардан бир нечтасини қувиб етгач, бир қанча илонсимон узун «қўл»ларини худди ўқдай отиб, уларни ҳам ўраб-чирмаб ўз «бағри»га олди. Лаҳза ўтмай, «шар»нинг остидан шўрлик аскарларнинг қорайиб кетган суяклари ва мажақланган қуролларининг темир парчалари кетма-кет тўкилиб тушди. Сўнгра бу ғаройиб мавжудот шарқ тарафдаги кумушранг тоққа қараб жилди. Ажабо, у генерал Нажот Оллоёр бораётган паррак учоққа эътибор ҳам бермасди. Чамаси, уни фақат ўсимлик ва жонли мавжудотларгина қизиқтирарди.

Уфқда яна учта парракли учоқ кўринди. Булар яқинида генерал чақиртирган қўшимча кучлар эди.

Даҳшат ва саросимадан ранги докадай оқарган Нажот Оллоёр ўта асабий кўринар, шунинг учунми, парракли учоқдаги капитан билан сержантга бераётган буйруқлари ҳам узуқ-юлуқ эди.

— Лазер!..—хитоб қилди у бирдан, пастда тоғ бағри бўйлаб юқорига кўтарилаётган мутантга ҳаяжон билан тикиларкан. — Дарҳол лазерни ишга солинглар!

Бақалоқ юзли барзанги капитан сержантга имо қилган эди, у орқадан автоматсимон квант генераторини олиб, эшик ёнига ўтди.

— От! — қичқирди генерал пастга шарсимон маҳлуқнинг дуч келган арчага ўзини урганини ҳайрат билан кузатаркан. Мана, у арчани ўпкондай ичига тортди. Лаҳза ўтмай ҳамон олға жилаётган мутантнинг ортида қуриб-ковжираб қолган яланғоч дарахт танаси кўринди. «Шар» шу ондаёқ сезиларли даражада «семириб» улгурган эди.

Сержант квант генераторининг нилини шарсимон мутантга тўғрилаб, тугмани босди. Парракли учоқнинг шовқинига лазерининг бўғиқ гувиллагани қўшилиб, қулоқни қоматга келтирди. Ажабо, маҳлуқ худди ари чаққан одамдай сесканиб, иргиб тушди. Юмалоқ танасининг жаҳаннамий нур теккан қисми худди пичоқ билан кирқилгандай палахса-палахса бўлиб бўлина бошлади. Лекин нур туфайли ажралган тўқималар шу за-

ҳоти бир-бирларига туташиб, ўзаро яна чиппа ёпишиб қолаверди.

— Йўқ, бу ҳаддан зиёд хавфли махлуқ! — қичқирди генерал, бешбаттар асабийлашиб. — Аждарҳонинг ўз гинаси! Агар тезда жилови қўлга олинмаса, сайёрамиз нинг чинакамига хонавайрон қилиши ҳеч гапмас!

Генералнинг лазер қуролмасига қарата ҳафсаласи қўл силтаганини кўрган барзанги капитан сержантга

— Бас қил, фойдаси йўқ, — деди овозини пасайтириб.

Шарсимон махлуқ йўл-йўлакай арчаларни «ямлаб» ҳамон юқорилаб бораркан, атрофида гирдикапалак бўлаётган парракли учоқларга сира эътибор қилмас уни Ернинг қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турувчи дарахтлари кўпроқ қизиқтирар эди.

* * *

*Мутлақо махфий!*

**Ҳукумат номаси**

Наҳористон ҳукумати Президентига

Жаноб Президент!

Бизни мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларидаги жиддий хавфдан огоҳ қилганингиз учун Сизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги мухтор вакилимизга бу фавқулодда масала билан дарҳол шуғуллана бошлашга кўрсатма берилди. Номаълум хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида ҳарбий учоқларингиз иттифоқимизнинг жанубий ҳудудларида бетаҳдид ҳаракат қилишлари учун ижозат этилди. Бу ҳақда чегара қўшинлари қўмондонлигига тегишли фармон берилди.

*Дўстона салом билан,*
*Шўро Иттифоқ раҳбари*

Шўро ҳукумати раҳбарининг бу номаси билан рация орқали танишган генерал Нажот Оллоёр айтарли хушнуд бўлмади. У парракли учоқнинг очиқ ойнаси орқали ҳамон илгарилаб бораётган шарсимон махлуққа ғамгин тикиларкан, ўйга толган эди. «Нафсилам-

рини айтганда, уларнинг қўлидан нимаям келиши мумкин? Хўш, таъқиб қилиб чегарага ҳам етиб бордик, дейлик. У ёғида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари бошланади. Шарсимон мутант одам овлашга киришаркан, борган сари «семираверади». Тўрт қаватли бинодай йириклашгач, ови янада юришади. Кўчаларда одам зоти қолмагач, дарахтларни ямлашга тушади. Турфа мевали дарахтлару хиёбонларга чиройлик қилиб экилган арча дарахтларини... Дарвоқе, арча... Арчалар ёрдамида иш тутилса-чи?.. Айтайлик, шарсимон махлуқнинг олдига ҳар ярим чақирим масофада арча шохи ташлаб борилса, у «емиш» ортидан бамисоли итдай эргашиб келаверади. Шу тариқа уни сайёрамизнинг истаган нуқтасига бошлаб бориш мумкин. Лекин қаерга?..»

Нажот Оллоёр бир вақтлар ҳарбий академияда янги кимёвий қуроллар ратиш устида тадқиқот ишлари олиб борган, бу соҳада ҳатто шўро олимлари билан ҳам ҳамкорлик қилган эди. Генерал инглизларга қарши, сўнгра Шўролар ташаббуси билан бошланган катта урушларда қатнашган, кўп янги қуролларни билар, лекин бунақанги биологик қуролни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

...Уни қаерга бошлаб борса бўларкин?.. Кучли радиация мавжуд жойгами? Масалан, Чернобил атўм станциясига... Менимча, фойдаси йўқ. Лазер таъсир қилмади-ку, ахир...

Шарсимон махлуқ ва унинг изидан таъқиб қилиб бораётган парракли учоқлар битта тоғ чўққисидан ошиб ўтишди. Ўртадаги торгина водий бўйлаб катта илонизи сойлик ўтарди. Сойда кўм-кўк зилол сув илонизи ўзани бўйлаб шиддат билан оқар, тошлар ваа харсангларга урилиб, атрофга нихудай оппоқ кўпиклар сочар эди. Мутант йўл-йўлакай арчаларни «ямлаш»да давом этиб, пастга интиларкан, йўлни тўппа-тўғри кейинги энг яқин арча томонга соларди. Демак, у ўзига кераклик нарса ёки мавжудотларни олисдан сезиш қобилиятига эга!..

Сой бўйига яқинлашганда, генералнинг миясига яна бир фикр келди.

— Ноль тўққиз билан алоқа боғла, — буюрди Нажот Оллоёр орқасидаги капитанга, яна радиомикрофонни қўлига оларкан...

Оралан бир неча фурсат ўтгач, ёнига қизғиш ранг-

да катта-катта қилиб 09 рақами ёзилган парракли учоқ сой соҳилига қараб учиб кетди. У сой бўйига қўнгач, ичидан бир аскар отилиб чиқиб қўлидаги сувдонга сув тўлдирди, кейин қайтиб ўтиришни билан парракли учоқ шарсимон махлуқнинг тепасига учиб борди-да, бир зум муаллақ қотди. Худди шу дақиқада ҳалиги аскар деразадан сувдон чиқариб, «шар»нинг устига қўйиб юборди. Махлуқни синчковлик билан кузатаётган генерал алам билан тиззасига бир урди. Сув мутантнинг «елка»сига тегиши ҳамон вижиллаб қайнаб, бугланиб кетган эди.

— Ие, ҳарорати жуда баланд-ку?! — хитоб қилди бақалоқ капитан ҳайрат ичида махлуқдан кўз узмай.

— Минг лаънат!... — деди генерал бешбаттар фиғони ошиб, кейин пича ўзини босиб олгач, буюрди: — Энди мени давлат департаменти билан боғла!

Унинг ўйчан кўзларидан қатъий бир фикрга келгани кўриниб турарди.

* * *

*Мутлақо махфий!*

**Ҳукумат номаси**

Шўро Иттифоқи Ҳукумат раҳбарига

Жаноб...

Номаълум махлуқ — мутантнинг Ўзбекистон шаҳарларига бостириб киришининг олдини олиш мақсадида, шунингдек унинг узлуксиз арча истеъмол қилишига мойиллигини эътиборга олиб, қишлоқ меҳнаткашларимизни тоғлик туманларда арча шохлари кесишга сафарбар этдик. Бу шохларни ҳозироқ юк машиналарида Ўзбекистон чегарасига етказиб беришга тайёрмиз. Чегарада юкларни қабул қилиб олишни уюштиришингиз ва бизга ёндош жумҳуриятда ҳам арча кесиш ва генерал Нажот Оллоёрнинг тавсиясига биноан уларни тегишли жойга етказиб беришни ташкил этишингизни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

*Камоли эхтиром ила,*
*Наҳористон ҳукумати Президенти*

Жанубий жумҳурият сардори аллаким билан телефонда асабий гаплашар эди.

Шу пайт эшик очилиб, остонада қирқ беш ёшлардаги ўрта бўйли алиқомат ёрдамчиси пайдо бўлди.

— Маъзур тутасиз, — деди у паст овозда юрт сардорининг тепасида энгашганча, — сизни телефонда Шўро раҳбари йўқлаяптилар.

— Хўп, майли, — деди жумҳурият раҳбари гапга якун ясаб, — сиз билан бу мавзуда яна батафсил гаплашамиз. Соғ бўлинг!..

Юрт раҳбари бир телефон дастагини қўйиб, иккинчисини олди. Ёрдамчиси унинг имоси билан эшикка йўналди.

— Алло, эшитаман, саломалайкум!

— Салом, вақтимиз ўта энқлигини эътиборга олиб, асосий гапга ўтаман. Чегарадан жуда ташвишли хабар олдик. Қандайдир номаълум махлуқ — мутантми-ей, аждарҳоми-ей, қўшни мамлакатдан ўтиб, жанубий шаҳарга яқинлаша бошлабди. У йўлида дуч келган жонзотни ҳалок қилармиш. Хуллас, олдимизда ақл бовар қилмайдиган яна бир жиддий муаммо кўндаланг турибди. Уни зудлик билан ҳал қилишимиз керак. Ҳарбий қўмондонни ёнингизга олиб, ҳозироқ ўша ёққа отланишингизни илтимос қиламан. Иложини топсангиз, биолог олимлардан ҳам битта-яримтасини ҳамроҳ қилиб олсангиз яхши бўларди. Чегарада Наҳористон армиясининг генерали жаноб Нажот Оллоёр билан учрашасиз. Дарҳол биргаликда чора кўриб, натижасини кечиктирмасдан айтарсиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, лекин...

— Азизим, вақтимиз жуда энқ, деб айтдим-ку... Сизга оқ йўл тилайман!

Жумҳурият раҳбари ҳеч қачон Шўро Иттифоқи раҳбари билан бу вақтда ва бу тарзда гаплашмаган эди. У паришонхотирлик билан дастакни жойига қўйир экан, столига маҳкамланган тугмани босиб, ёрдамчисини чақирди. У йигит кириб келиши билан буюрди:

— Армия генерали ўртоқ Фуженкони чақиринг. Ҳозироқ етиб келсин. Ўта зарур топшириқ бор, денг.

— Иван Васильевич ҳозиргина қўнғироқ қилиб, ҳузурингизга келаётганини айтувди.

— Демак, унга биздардан бурун хабар етибди-да. Қизиқ... У ҳолда... Фанлар академиясида Асқар Холмуродов деган ёш бир академик бор, топсангиз керак.

Биотехнолог. Биз билан бирга жанубий шаҳарга учиб кетишингиз керак экан, денг. Тезда етиб келсин. Кейин қўналғага сим қоқсангиз, учоқ ҳозирлашсин.

— Хўп бўлади, — ёрдамчи бош иргаб эшикка отланди.

Ўзбекистон раҳбари ўйчан нигоҳини тўғрисидаги бир нуқтага қадади. «Эй худо, бу не савдо бўлди?..»

* * *

Генерал Нажот Оллоёр ҳамроҳлари билан парракли учоқда шарсимон махлуқ изидан Амударё узра учиб ўтиб, Шўро ҳудудига кириб борганида, рўпараларидаги уфқда биқинига қизил юлдуз шакли туширилган парракли учоқ кўринди.

Мутант айни маҳалда дарё ёқалаб ястаниб ётган дашти-биёбон осмони узра шошилмай олға интиларди. Генерал харитага қараб, унинг жануб томонга йўл олганини пайқади. Дарё ёнидан дашт йўли ўтган, йўл ёқалаб эса, чегара эмасми, ҳар жой-ҳар жойда соқчилар турадиган миноралар қатори кўзга ташланарди. Йўлнинг нариги чеккасидан устига брезент ёпилган «Газик» машина учиб келарди.

— Йўл ёқасига қўндир, — буюрди генерал учувчига.

Ерга қўнишганида, Нажот Оллоёр бир зум кўзини юмди. Чарчоқ ва узлуксиз асабийлашиш ўз ишини қилаётганди. Воажаб, шу пайт генералнинг — гарчанд кўзлари юмуқ бўлса ҳам! — кўз олди ёришиб, шундоқ бурнининг устида қизил, яшил, бинафша, қора ранглар жилвалана бошлади. Сўнгра кутилмаганда бу ранглар худди тумандай чекиниб, уларнинг ўрнини чор-атрофи қум саҳросидан иборат митти денгиз эгаллади. Денгиз суви негадир қоп-қора эди. Денгиз атрофини қуршаган даштда эса, қумлоққа ярим ботган, қийшайган, мачталари синган эски кемалар, катта-кичик қайиқлар кўзга ташланарди. Шу пайт денгиз устида нуқтадай шаклда ҳалиги шарсимон махлуқ пайдо бўлди.

— Ахир, бу — Орол-ку! — Шартта кўзларини очган генералнинг кўксидан нидо отилиб чиқди. Ҳеч нарсага тушунолмаган ҳамроҳлари унга ҳайрон бўлиб тикилишарди. У эшикни очиб, сакраб пастга тушди-да, асабийлашиб у ёқдан-бу ёққа одимлай бошлади. На-

жот Оллоёр асл мусулмон, художўй одам эди. «Бу нима? Тушимми? Ўнгимми? Туш бўлса, таъбири қандай? Худо нималарни кўнглимга солди ўзи?..»

Ортиқ хаёл суришга вақт қолмаган, чунки бир томондан ҳалиги «Газик» машина келиб тўхтаган, булар — маҳаллий ҳарбийлар ва чегарачи зобитлар эди.

* * *

Салом-аликдан сўнг шарсимон махлуқни кузатиб, дарров муҳокамага ўтишди.

— Хўш, энди нима қилишни маслаҳат берасиз? — сўради у бирдан ўзини қўлга олиб.

— Уни шаҳардан чеккага, даштга бошлаш керак, — деди Нажот Оллоёр қатъий оҳангда.

— Арча шохлари ёрдамида уни истаган тарафга йўналтириш мумкин, денг!

— Худди шундай.

— Чамамда, арчаларни ташиб бошлашди, шундайми, ўртоқ Фуженко? — дея ёнидаги ҳамроҳларидан бирига ўгирилди жумҳурият раҳбари.

— Худди шундай. — жавоб берди ҳарбийлар қўмондони, эллик беш-олтмиш ёшлар атрофидаги тиккомат генерал. — Арча шохлари ортган элликта вездеходда чорак соат аввал чегарадан йўлга чиқишди. Яна ярим соатда етиб келишади.

— Хўп, яхши. Лекин уни қайси даштга бошлаймиз?

Нажот Оллоёр бу сафар жавоб беришга шошилмади. У иккиланаётган эди.

— Мени тўғри тушунинг, ахир, — деди Нажот Оллоёр босиқлик билан. — Сабабини ўзим ҳам билмайман, лекин махлуқнинг Оролда гумдон бўлишига шахсан менинг ишончим комил.

— Бўлмаган гап! — хитоб қилди юрт сардори. — Афсона бу! Биздар бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз!..

— Унда ўзларингиз биласизлар. — деди генерал маъюс оҳангда елкасини қисиб. — Мен инсонийлик бурчим туфайли ёрдамга келганман, холос.

— Уни кимсасиз саҳрода йўқ қилишнинг бирор иложи йўқми, ахир? — сўради жумҳурият раҳбари, энди бир оз ҳовуридан тушиб. — Ўртоқ Фуженко, сиз нима дейсиз?

Ҳарбий округ қўмондони ҳам барча Шўро генераллари сингари фикр юритишга унчалик ўрганмаган, у

ҳам юқоридан берилган буйруқнигина бажаришга устаси фаранг эди. Шунинг учунми, тусмоллашиб:

— Менимча, бу шароитда марказдан одам чақириш керак, мутахассисларни... — деди. — Кейин буйруқ берсангизлар, бирор иложини қилса бўлар...

Жумҳурият раҳбари энди боядан бери сукут сақлаб турган барвастақомат наҳористонлик академикка муро- турган барвастақомат академикка мурожаат қилди:

— Бу масалада сизнинг фикрингизни билишни истардим, ўртоқ Холмуродов?

Юзидан суқротона донишмандлик балқиб турган Асқар Ғаниевич шошилмай гап бошлади.

— Ўйлашимча, бу — фанга ҳали мутлақо номаълум бўлган мавжудот. Балки у чиндан сунъий йўл билан тасодифан яратилган мутамах, яъни мутантлашган махлуқдир? Эҳтимол, у наҳористонлик жаноб генерал айтаётган кемада Коинотдан тушгандир! Унинг биологик қурол экани ҳақидаги тахминга ҳам қўшилиш мумкин...

— Тушунарли. Лекин уни қайда ва қай тариқа йўқ қилсак бўлади? Бизларни шу масала қизиқтиради.

— Ўйлашимча, биз бу ерда дунё тарихида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб ҳодисага дуч келиб турибмиз. Мана, сиз уни бирор кимсасиз саҳрода гумдон қилишнинг иложи борми, деб сўраянсиз. Маълумки ҳар қандай саҳрода ҳам ўзига хос биологик ҳаёт бўлади. Ҳаёт бор жой эса, анави махлуқ учун — озуқа манбаи. Шундай саҳро топиш керакки, у ерда ҳеч қандай ҳаёт асари бўлмасин, нафас олиш ҳам қийинчилик туғдирсин. Ана шундай омол жой — қуриётган, туз ва ҳар хил тузсимон заҳарли моддаларга тўлиб-тошган Орол соҳиллари. Ахир, халқимиз «заҳарни заҳар кесади», деб бежиз айтмаган. Шуларни эътиборга олиб, мен наҳористонлик жаноб генералнинг фикрида жон бор, деб ҳисоблайман.

— Бунинг айнан сизлар ўйлагандек бўлишига ким кафолат бера олади? Мабодо у Оролда ўлмаса нима бўлади?

— У ҳолда, — гап қўшди генерал Нажот Оллоёр, — махлуқни йўқотишнинг бирор ўзга чорасини топгунимизча уни истаган бошқа саҳрога бошлаб бораверишимиз мумкин... Фақат... кўпроқ арча шохлари жамғаришимизга тўғри келади, холос.

Юрт сардори ҳар қандай масалани чуқур ўйлаб, тез-

кор ҳал қилишни яхши кўрадиган, қатъиятли одам эди. Ҳозир бораётган шарсимон махлуққа тикиларкан:

— Бўнти, келишдик! — деди қатъий оҳангда. — Бўлмаса, олислаб кетмасидан уни Оролга буринглар! Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам бутун масъулиятни сиз билан бизнинг зиммамизга юклабди. Вазият ўта жиддий. Илло, энди бизга дунё кўз тикиб турибди...

Худди шу чоқ йўлнинг нариги бошида дарё ёқалаб келаётган вездеходлар сафи кўринди. Уларнинг устига арча шохлари ортилган эди.

* * *

Орадан чамаси икки соат ҳам ўтмай, башарият тарихида мисли кўрилмаган галати карвон йўлга тушди. Олдинда юрт сардори, унинг ҳамроҳлари ва йўл кўрсатувчи мутахассислар ўтирган парракли учоқ учиб борар, кетма-кет пастда арча ортган вездеходлар сафи елар, улар ҳар икки юз-уч юз газ масофада биттадан арча шохи қолдиришар, уларнинг орқасидан эса, шарсимон махлуқ худди қармоққа илинган балиқдай судралиб, саҳро узра соатига тахминан ўттиз-қирқ чақирим тезликда учиб борар эди. Нажот Оллоёр бошлиқ Наҳористон ҳарбийлари тушган парракли учоқ карвоннинг охирида кетарди. Қўшни мамлакат раҳбарининг «ватанларингга қайтаверинглар», деган таклифларига қарамай, генерал ишни ниҳоясига етказишни лозим топганди.

Саҳролар, пахтазорлар, сойликлар, қир-адирлар ва тепаликлар оша йўл босишаркан, вақти-вақти билан юки соб бўлган вездеходлар ўрнини бошқалари эгалларди. Шу тариқа гаройиб карвон кечани кеча, кундузни-кундуз демай олга интиларди.

Катта шаҳарга ўн чақиримча қолганда, мутамахнинг авзоида ўзгариш юз берди. У кутилмаганда истиқболидаги «озуқа»лардан воз кечиб, шаҳар тарафга йўл солди.

Жон-пони чиқиб кетган одамлар саросимага тушиб қолишди. Агар махлуқ шаҳарга кириб борса, воқеалар қандай тус олишини яхши тасаввур қилган Нажот Оллоёр рация орқали арчаларни энди ҳар эллик газ масофада қолдиришни тавсия этди. Шу йўл билан махлуқни ўзларига яна эргаштиришга аранг муваффақ бўлишди.

Ниҳоят, бир вақтлар лиммо-лим денгиз туби бўлган, энди эса қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ўлик саҳрога айланган заҳирранг Орол соҳиллари бошланди. Олисда қумлоққа ярим ботган турфа-туман кемалар, катта-кичик қайиқлар кўринди. Денгизгача яна юз чақиримдан зиёд йўл босиш керак эди.

Энди шарсимон махлуқ «семириб» тўрт қаватли бинодай катталашиб, кўринишининг ўзиёқ уни кузатиб бораётганлар қалбини даҳшатга сола бошлади. Уни тамомила йўқотишга шубҳаси тобора ортиб бораётган юрт сардори асабийлашиб, парракли учоқда ўзини қўярга жой тополмай қолди. У ёнидаги ёш академикни бот-бот саволга тутар, жавобларидан унчалик қониқиш ҳосил қилмас, боз устига, унинг ҳамма академикларга хос ўта хотиржамлиги жиғига тега бошлаган эди.

— Энди у тезлигини камайтира бошлаши керак, — деди Холмуродов, дераза орқали шарсимон махлуқни кузатишда давом этиб.

— Нима учун? — сўради юрт сардори хавотирга тушиб.

— Чунки бу ернинг ҳавоси бузуқ, нафас олиши қийинлашади.

— Ҳали у нафас ҳам оладими?

— Албатта-да. Ҳар ҳолда биологик мавжудот-ку.

Пича сукутда қолган жумҳурият раҳбари яна олимни саволга тутди:

— Дарвоқе, махлуқ нега энди арчага бунча ишқибоз?

— Чунки арча ўзидан бошқа ўсимликларга нисбатан кўпроқ кислород чиқаради. Боз устига, унинг таркибида мутамах учун ўта тўйимли ҳар хил ёғсимон, мутаген таъсирга эга моддалар ҳам мўл-кўл-да.

Чиндапам, кўп ўтмай мутамах тезлигини камайтирди. Шунда рация қурилмаси орқали Нажот Оллоёрнинг ҳаяжонли овози эшитилди:

— Жавоблар, махлуқ ўзидан қандайдир кўкимтир суюқлик чиқара бошлади!

Академик Холмуродовнинг кўзлари бирдан чақнаб кетди.

— Жудо соз! — деди у ҳаяжонини аранг босиб. — Емирилиш бошланди.

Юрт сардори унга томон кескин бурилди:

— Емирилиш?

— Ҳа, танаси емирила бошлади. Фанда буни авто-

лиз дейиларди. Энди орқага қайтишга интилмаса гўрга эди.

Орадан ярим соат ўтмай, саҳрода туз бўрони бошланиб, олисда асоси осмонга қараган улкан қуюн пайдо бўлди. У шиддатли тезликда ғаройиб карвон жилаётган жойга яқинлашиб келар эди.

— Арчаларни қуюн йўналишига ташлангларl — қичқирди Хелмуродов бор овози билан. Аъбаройи зўриққанидан кенг пешонасидан тер томчилари сизиб чиққан эди. Генерал Фуженко унинг буйруғини зумда вездеходларга етказди.

Яна бир неча фурсатдан сўнг таркибида гербицид, пестицид сингари заҳарли моддалар тўлиб-тошган бу мудҳиш қуюн шарсимон махлуқ ёнига етиб келди-да, гувуллаб уни «ялаб» ўтди. Улар тўқнашган жойда бамисоли яшин чақнаб, ер-кўк жунбушга келди. Оламнинг борлиқ заҳар-заққумлари жамланган бу жаҳаннамий нуқтадан отилган унсиз оҳ-фарёд гўё бутун Коинотга таралаётгандай эди. Мутамахнинг уюрма тегиб ўтган қум барханидай катта бўлаги шу заҳоти емирилиб, эриб тушди.

Шундан кейин у фавқулодда шаҳдидан тушиб, тошбақа юриш қила бошлади. Танаси ҳам сезиларли даражада кичрайиб бораётгани яққол кўриниб турарди.

— Йўқ, у энди орқага қайтолмайдиl — деди академик ҳаяжон ичида худди ёш боладай суюниб. — Қуввати етмайди. Ўзиям айни кушандасига йўлиқди. У энди бир неча дақиқадаёқ адойи тамом бўлади!..

У гамгин қиёфада ҳамроҳининг забардаст елкасига қўлини қўйди.

---

[1] Жавҳар — кислота.

# ОЛОВДАН ЧИҚҚАН ОДАМ

**Фантастик новелла**

Баҳор кўҳна қинчоқ даштларини танқис гуллар билан безаган. Қонталаш рангдаги улкан қуёш баркаши чор-атрофга аёвсиз тиғ уради. Қум тепаликлар, барханлар орасида игирн чиққан тўртта ўтов қад ростлаган. Ўтовларнинг атрофида тўқсон икки бовли ўзбек уруғларидан бири одатдаги кундалик турмуш ташвишлари билан банд. Туя жунидан тўқилган қорамтир каттагина кигиз устида қариялар осуда суҳбат қуришарди. Уларнинг ичида бошига оқ салла ўраган, қордай оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний мўйсафид алоҳида ажралиб туради. У елкасига эчки терисидан тикилган жигарранг чакмон ташлаб олган, вақти-вақти билан олдида турган чилим нилини оғзига олиб, хўриллатиб ичига тортар экан, қабиладошларига салобат билан алланималарни уқтиради. Атрофдагилар унга эътибор билан қулоқ солишмоқда. Сал нарида болалар чуғурлашиб чавандозлар ўйинини ўйнашади, оёқлари орасидаги эгри-бугри саксовул таёқчалари улар учун от вазифасини ўтайди. Юқорироқда ичида нимадир биқирлаб қайнаётган катта қозон атрофида аёллар куйманашиб юришибди. Уларнинг ёнида митти гиламча устида оппоқ сочлари шамолда тартибсиз тўзғиётган фолбин кампир ажин қоплаган юзини яна ҳам тириштириб, кўзлари ярим юмуқ ҳолда руҳлар билан сирли суҳбат қурмоқда.

Нарида — буларга қарама-қарши тарафда майда ўрилган сочлари тақимига тушган, қуюқ киприклари остидаги тим қора кўзлари чақнаб турган, нозик-ниҳол қиз кўркам гавдали, мутаносиб қора қошли, эндигина мўйлови сабза урган жингалак соч йигит билан беозор суҳбат қурганча бугдой янчишмоқда. Улар бир-бирларига тез-тез нигоҳ ташлайдилар, қалблари алла-

нечук ошуфта ва нурли ҳислар билан тўлиб-тошаётганини четдан қараган одам албатта илғаб олади. Йигитнинг ярим яланғоч елкаларини, этлари бўғма илон танасидай қабариб-бўртиб турган бақувват, мушакдор билакларини — ваҳший ҳайвон тишларининг излари бўлса керак, — тарам-тарам қорамтир доғлар қоплаган.

Бундан бир неча ой аввал ўн етти яшар ўспирин отаси ва акалари билан биргаликда Қирқ Қароқчи даштига жайрон овига чиққан, ов кетидан қувишга азбаройи берилиб кетганидан тўдасидан ажралиб, охир-оқибат поёни йўқ саҳрои биёбонда адашиб қолганди. Темиртирноқ аталмиш вафодор итини эргаштирганча саман отида роса дашт кезди-ю, охири умидсизлик билан саксовулзорда тунаб қолди. Йигит ўшанда ҳаётида илк марта ақл бовар қилмас даҳшатли воқеага рўбару келганди.

Бола отининг жиловини саксовул шохига илиб, ҳали ҳам иссиғи сўнмаган кулранг қумга бош қўйганча пинакка кетди. Қанча ухлади — ёдида йўқ, бир пайт отнинг кишнаши, итнинг жон аччиғида акиллашидан уйғониб кетди. Не кўз билан кўрсинки, ёнгинасида эшакдай келадиган бўри саман отнинг бўйнига тишларини ботирганча гир айлантирар, Темиртирноқ эса, иккинчи бир баҳайбат бўрининг чангалида жон талвасасида акиллар, инграрди. Бу мудҳиш манзарадан бола ақлдан озаёзди, оёқ-қўлларидан мадор кетди. Кўп ўтмай итнинг овози тинди, очиққан она бўри унинг ичак-човоғини ағдариб, энг мазали жойи — ўпка-жигарини ғажишга киришганди. Ота бўрининг шиддатли хуружига саман от ҳам узоқ дош беролмади. У нажот истаб сўнгги бор аянчли кишнади-ю, томоғига нимадир тиқилгандай овози қўққис бўлинди, — бўрининг қиличдай ўткир тишлари унинг бўғзига икки томондан ёриб кирганди. От гандираклаб кетди-да, чап ёни билан гумбурлаб қумга ағдарилди. Агар ота бўри чаққонлик қилиб ўзини нари олмаганида, отнинг оғир танаси остида қолиши ҳеч гап эмасди. Бўри ўша заҳоти яна ўзини отнинг устига отди-да, бўғзидан тирқираб қон отилаётган жониворнинг қорнини ёриб ташлади. От талваса ичида оёқларини лопиллатиб бир-икки типирчилади-ю, охири тинчиди. Лаҳза ўтмай унинг кўзлари косасидан чиққудек олайиб, маъносиз тус олди. Ота бўри сал нарида даҳшатга тушганча ундан нигоҳ-

ҳини узмай ётган болага эътибор ҳам бермай, ҳафсала билан отнинг ичак-чавоқларини ямламоқда. Сарғимтир жун босган тумшуғи, олдинги оёқлари қип-қизил қон эди унинг.

Бу даҳшатли манзара болани шу даражада саросима ва қўрқувга солдики, у чиндан ҳам тош ҳайкалга айланиб қолгандай эди. Мияси карахт, қинидан чиққудек олайган кўзлари ҳеч нимани кўрмасди. Бола шу алфозда қанча ётганини билмайди, лекин бир маҳал — ажабо! — қайноқ танаси бўйлаб жимир-жимир этганча алланечук ёқимли оғриқ пайдо бўлаётганини ҳис этди. Карахт миясига, бўрилар энди тинчишди чоғи, деган ўй келди. Лекин, қизиғи шунда эдики, у энди кутилмаганда ҳеч нарсадан қўрқмай қўйган. Қазо вақти келганини сезиб қолган дамлардагина шундай ҳиссиёт бўлса керак.

Танасидаги ёқимли оғриқ бирдан уқубатга айланди. Бамисоли қандайдир чумолилар баданининг ҳар бир нуқтасини аёвсиз кемираётгандай. У ўз танасини ҳис қилмай қўйди. Айни вақтда кўкрак ва елкалари, билак ва сонларининг териси ўрнида балиқнинг пўстига ўхшаш шилимшиқ ва қаттиқ пўстлоқ ҳосил бўла бошлади. Гўё унинг териси музлаб бораётганга ўхшарди. Бу ҳолдан хавотирланиш ўрнига, аксинча, негадир хотиржам тортди. Энди у ўз ўлжаларини хафсала ва иштаҳа билан ғажиётган қонхўр йиртқичларга ҳорғин ва беписанд тикилиб ётарди.

Ниҳоят, бўрилар обдан тўйишди шекилли, эринчоқлик билан бирин-кетин бола томонга силжишди. Биринчи бўлиб ота бўри унинг тепасига келди. Бу пайтда боланинг борлиқ танаси балиқларга хос шилимшиқ ва қаттиқ пўстлоқ билан қопланиб улгурган, айни дамда ўзидан бадбўй ва қўланса ҳид таратарди. Бўри қонга булғанган тумшуғи билан болани искади-ю, шу заҳоти сапчиб ортига тисарилди. Шеригининг хатти-ҳаракатидан таажжубда қолган она бўри ҳам боланинг тепасига келиши ҳамон орқага чекинди. Кейин, улар ярми ғажиб ташланган от лошини тишлаганча қаёққадир судраб кетишди.

Бола саксовулзордаги ялангликда ҳамон ўша алфозда лоқайд осмонга тикилиб ётаркан, танасидан чиқаётган димоғни ёргудек қўланса ҳидни ўзи ҳам пайқаб қолди. Ажабо, бу бадбўй ҳиддан негадир у сираям ижирғанмади, аксинча, кўнглида аллақандай ғайри-

табиий қониқиш ҳиссини туйиб, юлдуз санай бошлади. Шу тариқа кўзлари илиниб, ухлаб қолди. Уйқуси оз эмас, кўп эмас, роппа-роса етти кечаю етти кундуз давом этди. Бу орада уни калхатлару йўлбарслар, дашт илонларию жайронлар, шоқоллару юмронқозиқлар, хуллас, яна бир талай йиртқич ҳайвонлар искаб кўрди. Бўйи уч метрча келадиган йўғон бўғма илон, ҳид билмайди чоғи, боланинг елкасига тишларини ботириб, заҳарини солмоқчи бўлди. Тиши ўтмади. Охири уни оддий тошга йўйиб, яна ўлжа қидириш мақсадида устидан сирғалиб ўтди-да, йўлида давом этди.

Орадан роппа-роса етти кечаю етти кундуз ўтгач, бола кўзларини очди. Қаерда ётганини дарров фаҳмлай олмади. Қоронғи кеча бўлишига қарамай ҳаммаёқни худди кундузгидай аниқ кўраётганини сезиб ҳайратга тушди. Назарида осмондаги бодроқдай сочилган сон-саноқсиз юлдузлар йириклашиб, тўлин ой янада тўлишиб қолгандай эди. Бўлиб ўтган воқеа бирданига хотирасида тикланди-ю, шу заҳоти бошида қаттиқ оғриқ турди. Устига-устак, саман оти билан Темиртирноқни эслаб, юраги увишди. Кўксига чақир тиканакдай санчила бошлаган ғашликдан қутулиш, нимадир қилиш учун ўрнидан турмоқчи бўлган эди, негадир танаси қисирлаб кетди. Шундагина бутун бадани балиқ терисига ўхшаш силлиқ ва қаттиқ, тарам-тарам пўстлоқ билан қопланганини сезди-ю, ҳуши бошидан учаёзди.

Боланинг хафалиги узоққа чўзилмади. Кутилмаганда кўксида чирсиллаган овоз эшитилиб, кўп ўтмай, териси палахса-палахса кўчиб туша бошлади. Сўнгра ҳалиги чирсиллаган товушлар яна авжга чиқди. Ниҳоят у балиқсимон «пўстлоғидан» тамомила қутулди. Бола онадан янги туғилгандай шир-яланғоч эди. У ўрнидан турди-да, негадир сира иккиланмай жануб томонга йўл олди. Тўлин ой нурида унинг танаси ўзидан аллақандай олтинсимон заррин шуъла таратиб борарди.

У бутун даштни нурга чулғаб, анча-мунча йўл босди. Тонгга яқин етти-саккизта отлиқ кўринди. Булар бир ҳафтадан бери болани излаб юрган унинг амакилари, тоғалари ва акалари эди. Қабила аъзолари боланинг шир-яланғоч ҳолда топилганига ҳам шукроналик қилиб, тўй-тантана бошлаб юборишди. Қўйлар сўйилган, ошлар дамланган, ўйин-кулги авжида. Танаси-

дан кечалари нур таралгани учун уни Нурбек деб атай бошладилар.

Шундан кейин Нурбекда фавқулодда, ғайриоддий хусусиятлар зоҳир бўла бошлади. У ёниб турган олов устида бемалол юра олар, айни чоқда танаси ҳар қандай совуққа ҳам бардош берарди. Бундан ташқари, кечалари ҳамма нарсани худди кундуздагидай кўра олар, ҳар қандай одам ёки ҳайвоннинг қаерида қандай касали борлигини бир кўришда билиб берарди.

Эркаклар овда, Нурбек билан майда ўрилган сочлари тақимига тушган дилбар қизнинг суҳбати айни авжига чиққан бир пайтда ўтовлар орқасида жимгина мудраб ётган итларнинг жон-жаҳдлари билан ҳурий бошлагани кўчманчи қабилани сергак торттирди. Одамлар олазарак бўлиб чор-атрофга қарадилар. Ғарб тарафдан от туёқларининг дўпир-дўпири, қийқириқ овозлар қулоққа чалинарди. Қабила оқсоқоли ўзига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан турди. Бошқалар ҳам оёққа қалқишди. Аёллар ва болалар бир-бирларига қўрқув ва саросима билан тикилишарди. Шу чоқ туман орасидан сузиб чиққандай ўтовлар олдида ўн чоғли отлиқ пайдо бўлди. Уларнинг узун, кўк рангли энгил-бошлари, темир қалпоқлари ва пўлат ғилофлари қуёш нурида ярақларди. Отларнинг оёқлари йўғон, ёллари узун, пакана эди. Суворийлар тур, найза, ойсимон қилич билан обдон қуроллангандилар. Оқ саллали, чўтир юзли одам отда ўтирганча:

— Ассалому алайкум! — деб қичқирди гердайиб. — Менга қабилангиз оқсоқоли керак, — деб сўради у кўчманчиларга нафрат билан тикиларкан.

— Ваалайкум... — қабила оқсоқоли бир қадам олдинга чиқди. — Хўш, хизмат?

— Камина Шарқ мамлакатларининг ҳукмдори, буюк нойиб Жўжихоннинг тилмочи, жасур мўғул қўшинлари учун солиқ йиғаётганимизни билдирмоқчи эдим.

— Агар кўнглингиз тортса ўтовларимизга марҳамат қилинг!

— Сизда мол-ҳол, буғдой ва арпа бор, ёш аёллар бор. Шулар ҳам бизга бўлаверади.

— Лекин ушбу ташрифингиздан кейин очликдан ҳалок бўлиши мумкин бўлган болалар ва кексалар ҳам бор. Шунинг учун илтимосингизни...

— Биз илтимос эмас, талаб қиламиз!

Мўғуллар тилмочи ўнг қўлини кўтариб, енгил бир

ишора қилди. Хезланиб турган суворийлар отларидан кетма-кет сакраб тушишди-ю, ўзларини қабила аъзолари устига отишди. Атрофни қийқириқ, қий-чув босди. Уруш-уруш ўйнаб юрган болалар топталди, улардан инсоф сўраб олдинга чиққан уч-тўрт мўйсафидни найзадан ўтказишди. Сўнгра эркакми, аёлми — қараб ҳам ўтирмай, ҳамманинг қўлини орқасига қайириб, ўтовларнинг бирига итариб киргиза бошлашди. Босқинчилардан бири сочлари тақимига тушган соҳибжамол қизга ташланди.

— Нима қилаяпсизлар, малъунлар?! — чинқирди қабила бошлиғи ғазаб билан. — Тегма... Тегманглар!.. Худодан қўрқмайсизларми?

Шу чоқ қаёқдандир Нурбек пайдо бўлди. У севгилисини зўрлашга уринаётган мўғулнинг кураги остига зарб билан ханжар урди. Мўғул шу заҳоти инграб, қизнинг оёқлари остига қулади. Иккинчи мўғул сакраб отига минди-да, Нурбекнинг бўйнига арқон ташлаб, дашт сари от солди. Босқинчилар қутуриб қийқирганча қабила аъзоларини қиргинбарот қилишга киришдилар. Қалқонлару мис дубулғалар қуёш нурида ярақлар, ёйсимон қиличлар бот-бот юқорига кўтарилиб, зарб билан пастга, навбатдаги қурбоннинг боши ёки елкасига келиб тушарди. Оҳ-воҳлар оламни тутди. Охири ярадорлару қолган-қутган ёш-яланг ва қари-қартангларни ўтовга судраб олиб киришди-да, атрофига сомон уйиб, ўт қўйиб юборишди. Нурбекни судраб кетган мўғул ҳам уни ўтов яқинига олиб келди-да, гуриллаб ёнаётган оловга итқитди. Оқсоқол билан фолбин кампирдан бошқа ҳамма ўлимга маҳкум этилган эди. Нима воқеа бўлганини англаб етган оқсоқол ўзини қабиладошлари ёнаётган оловга урмоқчи бўлган эди, тилмоч йўлини тўсди.

— Шошилма, қари алвасти, — деди у заҳархандалик билан. — Ҳали сен керак бўласан. Бизга йўлбошчилик қиласан.

Оқсоқол аланга оғушидаги ўтовга интиларкан, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Қўйворинглар мени, лаънатилар!.. Мен, мен улар билан бирга ёнаман...

— Бу қандай кўргилик бўлди?! — бир чеккада фолбин фиғон чекмоқда. — Гуноҳга ботибмиз!.. Муқаддас жайронларни кўпам овлайвериш керакмас, деб айтувдим-а!..

Шу пайт мўъжиза рўй берди: ёнаётган ўтовдан биров отилиб чиқди. Кўз очиб юмгунча отларнинг бирига минди-да, жиловини қўлига олди. Гуриллаб ёнаётган аланганинг устига ўтирганидан эсхонаси чиққан от ўзини даштга урди. Ёниб жизганак бўлаётган одамнинг узоққа боролмаслигини тахмин қилган мўғуллар йигитнинг орқасидан қувишни лозим топишмади. Буни кўрган оқсоқолнинг сўниқ кўзларида умид учқунлари чақнади. Фолбин бош кўтариб, пичирлади:

— Сендан яхши одам чиқишини билардим, Нурбек болам-ов!...

— Менга қара, алмоғиз! — деди тилмоч унга яқинлашаркан, чамаси, ёнидаги алланималар деётган миқти гавдали, бир кўзи шиғрайган мўғулнинг сўзларини таржима қилардиу. — Агар сен шоҳли мўғул лашкарларига худо ер бўлишини тилаб оллодан илтижо қилмасанг, куниингга маймунлар йиғлайди.

— Илоё... сен нима десанг шу...

Нурбек отга миниб кетгандан кейин қабила саркори ҳам пича ўзини босиб олган, энди қоқ ерда чордона қуриб ўтираркан, тоқатсизлик билан уфққа тикиларди. Қуёшнинг чўғсимон улкан баркаши уфққа чўкиб кетганига анча бўлган, уфқ қонталаш рангда жилваланар, қипчоқ даштидаги кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу қирғинбарот ёвузликнинг гувоҳи бўлмаслик учун гўё тоғлар ҳам гира-шира шом пардасини юзига тортишга уринаётгандек эди.

Чирсиллаб ёнаётган ўтов босиб тушди, дод-фарёд ва қий-чув кескин кучайиб, сал ўтмай улар жон аччиғидаги бўғиқ ҳирқираш ва инграш овозлари билан алмашинди. Яна бир неча фурсатдан кейин чор-атрофга қабристон сукунати чўкиб, фақат ўтов қолдиқларининг чирсиллаб ёнаётгани қулоққа чалинарди, холос. Ҳамма ёқни кигиз, латта-путта ва жизғанак бўла бошлаган инсон гўштининг ҳидлари тутган, дайди дашт шамоли бу қўланса дудни тўзитмоққа беҳуда уринарди.

Мўғул лашкарлари энди бамайлихотирлик билан қабиланинг қолган-қутган бойликларини талон-тарож қилишга киришишди. Аввал бут қолган ўтовлардаги ишга яроқли буюмлар, турли мол-бисотлар олиб чиқилди. Сўнгра сал наридаги қўрадан сигирлар ва қўйларни ҳайдаб чиқдилар. Энди манзилга қайтишса ҳам бўларди-ю, лекин босқинчилар негадир шошилишмасди. Миқти

гавдали, бир кўзи шиғрайган мўғул тилмочга алланималар деган эди, у қабила оқсоқолига юзланди:

— Менга қара, қари алвасти, агар тирик қолишни истасанг, қўйларнинг бирини сўйиб, эт ос. Шонли мўғул лашкарлари шу ерда овқатланишмоқчи.

Оқсоқол энйрак тортди. У яна бир неча фурсатдан сўнг гайри-оддий воқеа содир бўлишини сезгандек, гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ўтовларнинг бирига кириб, пичоқ олиб чиқди-да, қўйлардан бирининг оёқларини боғлаб, ерга ётқизди. Кейин бўйнига пичоқ тортди. Қўйнинг кекирдагидан тирқираб отилган қон эгнига сачраганиданми, мўйсафиднинг юзлари буришди.

Олис уфқда йигирма чоғли чавандозлар кўринганида, оқсоқол қўйнинг икки сонини майдалаб, қозонга ташлаётган эди. Отлиқлар шамолдай елиб келишарди. Уларни Нурбек бошлаб келаётгани аниқ. Боягина қабила кексалари осуда суҳбат қуриб ўтирган кигиз устида ёнбошлаб ётган тилмоч ва мўғуллар ҳали уларни пайқашганлари йўқ.

Ниҳоят, саҳрони от туёқларининг дупир-дупири тутиб кетди. Босқинчилар депсиниб ўринларидан турдилар. Лекин улар кечикишди. Олдинда қуюндай учиб келаётган отлиқ — сочлари ва қош-киприклари куйиб кетган ёш йигитнинг олисданоқ зарб билан отган пичоғи биринчи бўлиб тилмочнинг кўксига қадалди. Босқинчиларнинг малайи ғайритабиий овоз чиқариб, бўкирганича чалқанчасига ағдарилди. Тил тортмай бандаликни бажо келтирган тилмочнинг кўзлари очиқ қолди. Иккинчи отлиқ улоқтирган арқонга илашган миқти гавдали, бир кўзи шиғрайган мўғул лаққа чўғ устига бориб тушди. Шу ондаёқ эгни-боши гуриллаб ёна бошлаган мўғул жон ҳолатда икки-уч марта чинқирди-ю, тинчиди.

Отлиқлар бир неча фурсатдаёқ мўғулларнинг қўл-оёқларини боғлаб, бамисоли сўйишга тайёрланган қўйлардек оқсоқолнинг ҳузурига келтиришди. Овдан илгари қайтишга мажбур бўлган бу бақувват ва қирчиллама йигитлар энди тобора сўниб бораётган алангаиниг калта-калта алвон тилларига мислсиз ғам-ғусса ва армон билан тикилишар, ич-ичларидан ўртанишарди. Қабила саркори шошилмай ўрнидан турди-да, олдинга ўтди. Бир-биридан дардли фикрлар миясини исканжага олганди. Чеҳрасидаги тарам-тарам ажинлар янада кўпайиб қолганга ўхшарди. Ҳозир қадимий, ибтидоий суд ўзининг узил-кесил ҳукмини чиқариши керак. Қабила-

нинг эски удумлари бўйича, келгиндилар ўлим жазосига маҳкум этилишлари даркор.

Ёш овчилар ҳукмни тезроқ ижро этишга шай ҳолда оқсоқолга сергаклик билан тикилишар ва унинг кўрсатмасини кутишарди. Аммо қабила саркори бир қарорга келишга негадир шошилмасди. Изтироб ва қайғу тумани чулғаган миясини: ёвузлик пайини қирқишнинг энг расо йўли қайси? — деган биргина азалий савол қийноққа солмоқда эди.

Бирдан у ўнг қўлини кўтариб, баланд овозда буюрди:

— Найза, дубулға ва қиличларни синдириб, бир жойга тўпланглар!

Овчилар бир зум тараддудда қолишди-ю, лекин тезда найза ва қиличларни бир жойга йиғиштириб, бирма-бир синдиришди-да, устма-уст уйиб қўйишди.

— Унга мой қуйинглар! Ёқинглар!..

Лаҳза ўтмай саҳрода яна бир гулхан пайдо бўлди. Ҳамманинг диққат-эътибори ўт ичида қолган қуроллар уюмида. Бу одамзоднинг ўзига, қирғинбарот уруш ва босқинчиликларга қарши илк исёни эди. Мазкур алангa инсонни тинч ҳаётга чорлаётгандай гуриллар, ёлқин сочар, жавлон урарди.

Қиз пайдо бўлди. Чамаси, у тўс-тўполон вақтида босқинчилар кўзини шамғалат қилиб, яширинишга муваффақ бўлган чоғи. Жингалак сочли йигит унинг истиқболига ошиқди. Қизнинг сочлари тўзғиган, йиғлайверганидан кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетганди. У маъюс ва паришон ҳолда тобора сўниб бораётган алангaнинг гоҳ бири, гоҳ иккинчисига тикиларкан, борлиқ вужуди шамолда қолган ниҳолдек титрарди. Қизни кўриб, дил-дилидан суюниб кетган қабила саркори уни бағрига босди-да, баланд овозда деди:

— Мўғулларнинг қўл-оёқларини бўшатинглар!

Йигитлар ҳайрон. Лекин, оқсоқолнинг буйруғи муҳокама қилинмайди.

Ногоҳ боядан бери сукутда ўтирган фолбин кампирнинг жазаваси тутди.

— Йўқ! Йўқ!... Оллоҳи таоло ва жами муқаддас руҳлар ҳаққи илтижо қиламан, уларни ўлдиринг! Йўқса, шафқатсиз қасос олишади!..

Қўл-оёқлари арқондан бўшатилган мўғул черикларн қўрқа-писа ўтовдан узоқлаша бошлади. Қабила овчилари саросима ва тараддудда қолишди. Улар илгари

сира кўрилмаган бундай вазиятда нима қилишни билмай ҳайрон эдилар. Барибир жингалак сочли йигит ўзини тутиб туролмади. У кутилмаганда сал нарида ўтлаб юрган отга отилиб бориб минди-да, қоча бошлаган мўғуллардан бирининг бўйнига арқон улоқтириб, саҳро бўйлаб судрай кетди. Бошқалар ҳам жунбушга келди. Қувиш, ола-тасир, муштлашув бошланди. Бир неча фурсат ичида душман қора қонига беланди-қолди.

Овчилар қалтис хатти-ҳаракатлари учун ўзларини айбдор сезиб, шошилмай оқсоқолнинг ҳузурига қайтишди. Улар ҳар қандай ёвузлик шафқатсиз жазога лойиқ, деб билишар ва ёвузликнинг пайини қирқишнинг бошқа йўллари ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлашмасди. Бу ҳақда бош қотириб кўрган биринчи одам қабила оқсоқоли эди.

— Сафар тараддудини кўринглар, — деди у хомуш бир кайфиятда. — Энди бу ерда яшолмаймиз. Олатоғни ошиб, янги саҳро топамиз...

Одамлар истамайгина оқсоқолнинг кўрсатмаларини бажаришга киришдилар. Бир четда фолбин кампир худога илтижо қиларди. Шу чоқ от туёқларининг дупури эшитилди — ҳали душманни сиртмоққа солиб саҳрода судраб кетган Нурбек кўринди. У хурсанд эди.

— Юзингизни ерга қаратдинг, — деди оқсоқол бирдан овози қалтираб. — Энди... Тўрт томонинг қибла...

— Гуноҳим нима, бобожон! Ахир, улардан куйиб кул бўлган онам, ака-укаларим, опа-сингилларим учун ўч олдим-ку!

— Гуноҳинг — қотиллигинг... — оқсоқол мунг билан ерга қаради. — Ёвузликни ёвузлик билан енгиш мумкин эмас!..

У сукутга кетди. Рўбарўсида қора кўзларини жовдиратиб Нурбек турарди. Афтидан, бу фикрга келганлигининг боисини ўзи ҳам билмасди. У секин бурилиб, ўтовга кириб кетди.

— Нима гап? — йигитнинг олдига ўтов ортида бекиниб турган қиз югуриб келди. — Бобом сени ҳайдаяптими?

— Ҳа...

— Қаёққа кетмоқчисан?

— Бошим оққан томонга-да.

— Мен ҳам сен билан...

Йигитнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

— Чиндан-а?..

— Чин сўзим!..

Нурбек майда ўрилган сочлари тақимига тушган нав-ниҳол қизни бағрига босди. Унинг кўзларига ёш қалқиди.

— Нега йиғлаяпсан?

— Ёлғиз иккаламиз...

— Ундай дема, — йигит қизнинг гапини бўлди. — Оила қурамиз, ўзимиздан ўзимиз кўпаямиз. Халқ бўламиз! Шундай халқ бўламизки, унда меҳр-оқибат, садоқат, самимийлик мутлақ қарор топган бўлади.

— Айтганинг келсин!

— Ният — муқаддас, ер у кўк — муқаддас, шундан бизга теккан улуш — муқаддас... Қани, кетдик!

— Кетдик!..

Икки отлиқ оқшом қуюқлашаётган дашти-биёбонга тобора сингиб боришар, уларнинг ортидан кўтарилаётган пага-пағa чанг-булутлари осмону фалакни тутгудай эди.

# ИБЛИС БИЛАН МУЛОҚОТ

## Мистик ҳикоя

Болтабой ярим кечаси ётган жойида кўзларини очди-ю, бир зум ҳеч нарсага тушунмай, аграйиб қолди. Икки укаси эрон гилами устида маст одамлардай бесўнақай ҳолатларда думалаб ётишар, бутун айвон худди даҳшатли зилзила юз бергандай ағдар-тўнтар қилиб ташланган эди. Шунда кеча тунда бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар ёдига тушди. Тўс-тўполон ярим тунда ногаҳон томдан келаётган тарақа-туруқ овозлар билан бошланди. Ака-укалар аввал зилзила юз берди, деб ўйлашди. Сўнгра ҳе йўқ-бе йўқ, ўртада турган улкан хонтахта ўз-ўзидан қарсиллаб синиб кетди, унинг гиламга чалпак бўлиб ёпишиб қолганини кўрган ака-укаларнинг ўтакалари ёрилаёзди. Бамисоли кўзга кўринмас ёвуз бир кимса жавонлардаги чинни идиш-товоқларни шиддат билан уёқдан-буёққа улоқтирар, атлас кўрпачаларни хафсала билан қийқим-қийқим қилиб қирқар, айвон токчасидаги турфа гул тувакларни аямай гилам устига ағдарар эди. Ўша куни ака-укалар катта бир «иш»ни муваффақиятли якунлаб, одам ўлдиришган, сўнгра олган «мукофот»ларини ювишган ва хилватгоҳдаги чойхонада роса майшат қилиб қайтишганди. Уйга қайтиб, естиққа бош қўйишлари билан бошланган бу фавқулодда ҳодисалар боис кайфларидан бир пасда асар ҳам қолмаганди.

Болтабой тирриқ кайфиятда ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. Эшикни очиб, остона ҳатлаб ўтди-ю, турган жойида тахтадек қолиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, ҳовлиси ўрнида улкан мозор пайдо бўлган, ҳаммаёқни катта-кичик сағаналар, қабрлар, уларнинг устига ўрнатилган турли мақбарача ва ёдгорлик тошлари босиб кетганди. Сал нарида гўрков ёки мозор қоровули бўлса керак, белкурак ушлаган баланд бўйли аллаким

ивирсилаб юрарди. Болтабой мармар зиналар орқали пастга тушиб, беихтиёр ҳалиги одам сари юрди. Ажабо. «Адидас» қалпоқ кийган, қоп-қора қошлари худди чимирилгандек юқорига кўтарилган, узун қора чопон ва чарақлатиб мойланган чарм этикдаги бу кимсанинг юз қиёфаси унга жуда-жуда таниш туюлди.

Болтабой унинг рўпарасида тўхтаб, салом берди. Қора чопонли кимса кўзларини чақчайтирганча унга тикилиб, истамайгина алик олди.

— Бу ерда мозор қаёқдан пайдо бўлиб қолди, ака?— деб сўради Болтабой ҳайратини яширолмай.

— Нега у пайдо бўлиб қолиши керак?! — деди «гўрков» жаҳл аралаш ажабланиб. — Нима бало, кайфинг борми? Бу мозор пайдо бўлганига юз йилдан ошган, ука.

Болтабой баттар ҳайратга тушиб, тили аранг гапга айланди:

— Ахир, бу жой — менинг ҳовлим... менинг уйимку?..

— Эсингни едингми, ука, — деди «гўрков» энди очиқдан-очиқ энсаси қотиб, унга худди савдойилардек тикиларкан. — Қанақа уй? Қанақа ҳовли?..

Болтабой орқасига ўгирилиб, онг-тонг бўлиб қолди. Энди уйи ҳам ғойиб бўлган, унинг ўрнида эшиги ўймакорлик санъатининг энг нафис усулларида ишланган салобатли, гумбазли, баланд пештоқли дарвозахона пайдо бўлганди.

Атрофга олазарак аланглади. Шу чоғ сал наридаги бўйи ва эни тахминан ўн газ атрофидаги тепаси гумбаз қилинган сағана йигитнинг эътиборини ўзига тортди. Эски мусулмон ғиштдан одам бўйи баландлигида қурилган бу мақбаранинг олди томонида пастга олиб тушувчи мармар зиналар бўлиб, зиналар тугаган майдонча охирида занг босган улкан темир эшик кўзга ташланарди. Унинг ичида қайсидир азиз авлиёнинг мармардан ишланган қабри жойлашган бўлса керак, хаёлидан ўтказди Болтабой. Ҳойнаҳой бизга ўхшаган шоввозлар уни ҳам аяшмаган, нимани ўмариш мумкин бўлса, ўмариб, нимани бузиш мумкин бўлса, бузиб ташлашган, албатта. Айниқса, шўролар давридаги большавойларнинг бунақа ишларга суяги йўқ эди.

— Қизиқиб қолдинг шекилли? — Болтабой нохос қулоқлари остида янграган овоздан сесканиб тушди. Ўгирилиб, «гўрков» энди ўзи билан ёнма-ён турганини

кўрди. Вожжаб: унинг бошидаги «Адидас» қалпоғининг тепа қисми худди икки шохи бордай юқорига туртиб чиққанди. «Нима бало, шайтонми бу?» — хаёлидан ўтказди Болтабой бадани жунжикиб.

— Ака, танишиб қўяйлик, — деди йигит унга қўлини узатиб. — Менинг исмим Болтабой.

— Хавотир қилма, Болтабой, — деди «гўрков» худди унинг фикрини ўқиётгандай. — Камина шу мозорнинг қоровулиман. Ўлжабой деб атashинг мумкин.

— Ўлжабой ака, анави сағананинг ичига бир кириб чиқишнинг иложи бормикан? — сўради йигит журъатсизгина. — Мармар қабрлар, мўмиёланган жасадлар қолганмикин?

— Нима қиласан у ерда? — жавоб берди қоровул жаҳли чиқиб. — Ўлган одамларнинг руҳини безовта қилишнинг нима кераги бор?! Бу жой сенга музей ёки томошахона эмас-ку! Мўмиёланган жасадларни эса, бекор тилга олдинг. Дарвоқе...—Ўлжабой ака худди муҳим бир нима ёдига тушгандай ўйланиб турди-да, сирли оҳангда давом этди: — Дарвоқе, бундан кўп асрлар аввал бу ерда ётган улуғ авлиёнинг қабр тоши тагида илоҳий бир яшм тош ҳам сақланган, дейишади. Жуда ноёб хусусиятга эга сеҳрли тош! Уни қадимда яшаган машҳур алкимёгарлар бунёд этишган экан. Айтишларича, унинг баҳоси йўқ эмиш.

— Унинг нимаси ноёб экан? — сўради Болтабой дарров сергак тортиб.

— Унинг ёрдамида истаган ишингни амалга оширишинг, келажакда кечадиган воқеа-ҳодисаларни олдиндан билиб туришинг мумкин, — деди қоровул бамисоли арзимас бир матоҳ ҳақида сўз юритаётгандай лоқайд оҳангда.

Болтабойнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Чинданам ноёб тош экан! У ҳозир ҳам шу ерда сақланадими?

— Билишимча, йўқ, — деди қоровул атайин ўзини гўлликка солиб.

— Бўлмаса қаерда? — яна сўради Болтабой сабрсизлик билан унинг чақчайган кўзларидан нигоҳини узмай.

— Айтишларича, кейинчалик уни Ҳизр бува деган мангу яшовчи авлиё олиб кетиб, сақлаш учун яна аллақайси бир авлиёга топширган эмиш.

— У қайси авлиё экан? Яшм тош ҳалиям унинг кў-

лидами? — сўроқ қилишда давом этарди Болтабой борган сари тоқатсизланиб.

— Йўқ, — деди қоровул, кейин товушини пасайтириб, яна сирли оҳангда изоҳ берди: — Ҳозир тош ўша сенга таниш уч опа-сингилнинг уйига яшириб қўйилган.

— Қанақа опа-сингил?

— Дарров ёдингдан кўтарилдими? Уларнинг каттасини кенжа уканг севиб қолганини, яқиндагина оҳ-воҳ қилиб юрганини унутибсан-да?

— Сиз мени қаёқдан танийсиз?

— Э, ука, шаҳарда, қолаверса, бутун жумҳуриятда Болта бойваччани танимайдиган одам бор эканми!

Бу гапни эшитган Болта бойваччанинг беихтиёр оғзининг таноби қочди. У ифтихор билан тез-тез нафас ола бошлади.

Улжабой ака боши билан рўпараларидаги сағанага имо қилди.

— У ёққа яқин ўртада деярли ҳеч ким кирмаган, мумкин эмас! Лекин сен... нуфузли одамсан. Агар сағананинг ичига киришни жуда истасанг... марҳамат!

Шундай деб, у Болтабойнинг чанг босган мармар зиналар орқали пастга бошлади.

Улкан темир эшик ғийиқчилик билан ғийиллаб очилди ва улар ним қоронғи ертўлага қадам қўйишди. Қоровул сал олдинда чўнтак фонари билан йўлни ёритиб борарди. Ертўла ичкарига юрганлари сари кенгайиб борар, лекин бу ерда ҳеч қандай қабр тоши кўринмасди. Бирдан яна зиналар бошланиб, улар тагин пастга қараб йўналишди.

— Мендан ҳеч нарса сўрама, бу ерда савол-жавоб қилиш мумкин эмас! — деди Улжабой ака уни аста шивирлаб огоҳлантираркан. — Фақат томоша қил, керакли гапларни ўзим айтиб бераман. Шунақанги ғаройиботларни кўрсатаманки, унақасини етти ухлаб тушингга ҳам кирмаган. Ўзингни йўқотиб қўймасанг бўлгани, ишқилиб...

Улжабой ака бу гапларни уқдираркан, улар азбаройи эскирганидан тўкилиб кетган зиналар орқали тим қоронғи ертўлага кириб келишди. Деворлари эски мусулмон ғиштлардан қурилган ертўланинг баландлиги икки газча келарди.

Оёқлари остида кўлмак сув шапиллади. Бу ернинг ҳавоси оғир, диққинафас эди. Ногаҳон чийиллаган овоз-

лар эшитилиб, шундоқ ёнларидан девор ёқалаб баҳайбат каламушлар галаси югуриб ўтди. Улар одамларга эътибор ҳам қилишмади. Шунга қарамай, бойвачча кўнгли айниб, қайт қилиб юбораёзди. Ҳамроҳининг аҳволини пайқадими, коровул дарров унинг қўлидан ушлаб олди. Бу ишни у жуда вақтида қилган экан, чунки бир сония ўтмай Болтабой фонар ёгдуси остида кўнгилни оздиргудек ўлгудай бадбашара махлуққа рўпара келди. У йигитга қаҳр-ғазаб билан тикилар ва улкан жағдор тишларини гижирлатарди. Азбаройи қўрқиб кетганидан Болтабой ўзини кескин четга олди, агар коровул бўлмаганида, деворга урилиб, бошини ёриши аниқ эди. Ўлжабой ака секингина кулиб қўяркан, унга тасалли берди:

— Ҳечқиси йўқ. Дастлабки пайтларда кўршапалаклардан мен ҳам қўрқардим.

Ниҳоят, улар узундан-узун бу мудҳиш ертўланинг охиридаги маҳобатли темир эшикка юзма-юз келишди. Қоровул анча-мунча куч сарфлаб эшикни очганидан сўнг улар остона ҳатлаб, ярми гишт, ярми мармар ушоқлари тўшалган каттакон бўлмага ўтишди. Ертўладан фарқли ўлароқ, бўлма фавқулодда ёрқин нурларга чўмган, деворларга ловуллаб ёниб турган улкан шамлар осилганди. Уларни ким ва қачон ёққанини Ўлжабой ака изоҳлаб ўтирмади. Деворлар ёқалаб кишининг дилига ғулгула соладиган даражада ялт-ялт қилаётган оппоқ устунлар қад кўтарганди. Улар йигирмага яқин эди. Уларнинг бирига яқинлашган бойвачча шу заҳоти даҳшат ичида ортига тисарилди. Булар шиша тобут (саркофаг)лар бўлиб, ичига мўмиёланган эркакларнинг жасадлари жойлаштирилган эди. Уларнинг кийим-кечакларига қараганда, бу одамлар ўрта асрларда яшаб ўтган жангчи сарбозларга ўхшар эди.

Шу пайт мозор қоровули бойваччанинг елкасига қўл ташлаб, бўлманинг ўртасига имо қилди. Болтабой ўша томонга ўгирилиб, тош сандиқни эслатувчи улкан супага кўзи тушди. «Сандиқ»нинг четларига ўймакорлик усулида жимжимадор гуллар сурати туширилган, қопқоғининг сиртига сал-пал хитойчага ўхшаб кетадиган имлода аллақандай нотаниш ёзувлар битилган эди.

— Хосиятли яшм тоши ўз даврида мана шу сандиқда сақланган, — деди Ўлжабой ака йўлдошининг қулоғига шивирлаб. — Уни олиб кетмагунларига қадар бу ерни аждарҳога ўхшаган баҳайбат илонлар қўриқлашган

ва бу ерга ҳеч ким яқинлашолмаган. Тошни олиб кетишибди-ю, бу жойнинг ҳам файз-хосияти қолмабди. Анави жасадлар ҳам қўриқчилар саналиб, биров тошга яқинлашса, шиша тобутларини ёриб чиқиб, ўғриликка келган одамнинг жонини суғуриб олишган эмиш.

— Ё тавба! — деди Болтабой ҳайрат бармоғини тишлаб.

— Лекин сен қўрқма! — шивирлаб гапида давом этарди қоровул. — Бари бир тошни қўлга киритишга ҳаракат қил. Агар бу ишни уддаласанг, — Болта бойвачча буни албатта уддалайди, бунга ишончим комил, — нафақат юртинг, балки жами мулки оламга ҳукмронликни қўлга киритишинг мумкин.

Болтабой унга ағрайиб тикиларкан, айни кўнглидаги гапни топиб айтаётганидан баттар ҳайратга тушганди. Айни дамда хаёлидан: «Нима бало, чинданам шайтонга рўпара келдим шекилли», — деган фикр ўтди.

Шу ондаёқ қоровул биқинига туртиб:

— Намунча мижғов бўлмасанг! — дея хитоб қилди сал товушини кўтариб, унинг аччиғи чиққани кўриниб турарди. — Мен ҳам Худонинг бир бандасиман. Лекин оддий банда эмас! Истасанг, авлиё дейишинг мумкин. Чунки мен дунёдаги ҳамма гаплардан хабардорман. Айтайлик, кеча кечаси сенинг уйингда бўлиб ўтган ағдар-тўнтардан...

Болтабой тунги ғаройиб йўлдошининг жавлон уриб ёнаётган шам нурида аллақандай сирли, кўкимтир тусда товланаётган совуқ башарасига янада синчиклаброқ тикиларкан, азбаройи қўрқув ва саросимага тушганидан жағи осилиб қолган эди. У тили зўрға айланиб, сўради:

— Сиз буни... қаёқдан билдингиз?

— Айтдим-ку, камина авлиёман, ахир!

— Авлиёлар... турли кароматлар кўрсатишган, дейишади. Чинакам авлиёлигингизни менга исботлаб бера оласизми?

— Жуда кўп саавол берапсан, — деди қоровул энди аччиқ данак чайнаб қўйгандай афтини буриштириб. — Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Авлиёлигимни сенга аллақачон исботлаб бўлдим. Буни уйингга қайтганингда биласан.

— Йў-ғе?.. Уйимда ҳамма нарса яна ўз ҳолига қайтди, демоқчимисиз?

— Савол беришни бас қил, деяпман! Айтдим-ку, ҳаммасини ҳализамон ўзинг кўрасан!..

Шу пайт Улжабой ака жасад солинган шиша тобутларнинг бирига синчков тикиларкан, ранги бўздай оқариб кетди. Болтабой ҳам ўша тарафга юзланди-ю, қичқириб юбораёзди. Жасаднинг тўсатдан киприклари қимирлаб, бесўнақай қалин лабларида заҳархандали кулгу ифодаси пайдо бўлганди.

— Сенга неча бор айтдим-а, ана энди ҳаммаси расво бўлди! — хитоб қилди қоровул афсус-надомат билан энди баралла овозда. — Жасадлар тирила бошлашди. Сенга аввалдан ҳаммасини тушунтириб берсам бўларкан. Бу ерга кирган ҳар қандай ўғрининг миясида, яшм тош қаерга яширинган экан, деган савол-ўй бўлади. Жасадлар ҳам ана шу савол-ўйига, умуман, савол биотўлқинларига созланган. Бу тўлқинлар жасадларга етиб бориши билан улар тирилиб, ўғрига ҳужумга ўтишади. Уларнинг биттаси жонланса, бўлди, шу заҳоти қолган йигирматасини тирилтиради. Хайр, майли, бўлар иш бўлди, мен уларни чалғитиб тураман, сен қочиш пайида бўл!

Шу пайт ҳалиги киприкларини қимирлатган жасад қўйилган шиша тобут қарсиллаб ўртасидан дарз кетди. Эсхонаси чиқиб кетган Болтабой қимирлашга ҳам ҳоли етмай, ҳайкалдек қотиб тураркан, тобутнинг бир бўлаги тўкилиб тушди, айни дамда ундан аччиқ ва ўлгудей қўланса тутун бурқсиб кўтарилганини пайқади. Тутун тарқалгач, шиша тобут ғойиб бўлгани, унинг парчалари асирликдан қутулиб чиққан сирли мавжудотнинг оёқлари остида ётганини кўрди. Шу заҳоти жасад кўзларини очиб, аввал Болтабойга, сўнгра қоровулга тешиб юборгудек ғазабнок нигоҳ билан тикилди. Бойваччанинг бор вужудини аллақандай ибтидоий бир даҳшат ҳисси чулғади. Иккови ҳам жон-жаҳдлари билан ўзларини эшикка отишга интилишар, лекин қандайдир шайтоний бир куч оёқларини занжирбанд қилиб қўйгандай эди. Шу чоғ Болтабой ўз ҳамроҳининг юзи қандайдир маъносиз, совуқ бир ифода касб этгани, қўллари жонсиздай осилиб тушгани, у бамисоли бўғма илоннинг жодули нигоҳига дуч келган қуёнчадай жасаднинг истиқболига қараб юра бошлаганини кўрди. Ана шундан сўнг юз берган воқеадан бойваччанинг оёқлари акашак бўлиб, ҳуши бошидан учаёзди.

Мозор қоровули худди сеҳрлангандай ўрта асрларда яшаб ўтган, айни дамда ҳайкалдай қотиб турган девдай ҳайбатли жангчи сари юраркан, бошқа шиша то-

бутлар ҳам қоқ ўртасидан қарсиллаб дарз кетиб, шишалар тўкилиб туша бошлаган, бўлмани улардан бурқсиб чиқаётган кўм-кўк ва ўлгудай бадбўй тутун тўлдирганди. Мана, Улжабой ака даҳшатли махлуқ билан юзма-юз келди-ю,.: ё фалак! — бир сакраб унинг танасига сингиб кетди! Уни ўзига «ютиб» юборган одамхўр «дев» шу заҳоти жонланиб, олдинга бир қадам ташлади.

Утакаси ёрилаёзган Болтабойнинг оёқларини занжирбанд қилиб турган кўзга кўринмас куч шу ондаёқ йўқолиб, у бир зум ҳам ўйланиб ўтирмай, ўзини ташқарига отди.

Қўрқувдан эс-ҳушини йўқотгудай ҳолатда бу Худо урган ертўладан юқорига олиб чиқувчи зиналар сари шаталоқ отиб югураркан, орқасидан гумбурлаган оғир қадам товушлари қулоғига чалинди. Ортига ўгирилиб қарашга ҳам юраги дов бермай, баттар жон-пони чиқиб, бор овози билан чинқирганча янаям тезроқ югурди. Мана, ниҳоят, халоскор зиналарга ҳам етиб олди. Темир эшик остонасидан ҳатлаб ўтди-ю, уни бор кучи билан беркитди. Шу ондаёқ ичкаридан худди Фантомасга ўхшаб ваҳимали дўриллаган кулгу овозини эшитди. Бу кинояли кулгу шайтоний кучлар тантанасидан далолат бераётгандай эди.

Ўғриликни ўзига касб-кор қилиб олган Болта бойвачча умрида газет-журнал ўқимаган, ғирт маҳдуд йигит эмасми, ярим тунда кечган бу ғаройиб саргузаштларининг моҳиятини ҳаётининг охиригача англай олмай ўтади... Гап шундаки, «Сирли олам» ойномаси яқинда бир илмий мақола чоп этган, унда ёзилишича, ўрта асрларда алкимёгарлар инсон танасининг бир неча ой яшай олишини таъминловчи модда кашф қилишган, бу тажрибаларга розилик билдирган одамларнинг қони сўриб олиниб, унинг ўрнига инсон жасадини емирилишдан сақловчи махсус суюқлик модда қуйишган. Бундан одам ўлмаган, ўзига хос муроқаба ҳолатига ўтиб, летаргик уйқуга кетган. Мозий олимлари ўзлари бунёд этган ягона нусхадаги илоҳий яшм тошини қўриқлашда, афтидан, ана шундай одамлардан фойдаланишган кўринади.

...Болтабой сапчиб ўрнидан турди-ю, ўзини яна уйида, катта айвонда кўриб, сал кўнгли таскин топди. Икки укаси икки томонида алоқ-шалоқ думалаб ётишарди. Аланглаб ён-верига тикилди, ажабо: ҳамма нарса

яна жой-жойида, кеча тунда бўлиб ўтган тўс-тўполоннинг иси ҳам, изи ҳам қолмаганди.

«Қоровул чиндан ам авлиё экан шекилли?» — хаёлидан ўтказди у ўйчан қиёфада ташқарига тикилиб. Ғафлат уйқусидаги бу оми ва жоҳил йигит шу бугун шайтонлар ва инс-жинслар раҳнамоси Улуспирнинг нақ ўзи билан мулоқотда бўлганини хаёлига келтиришга ҳам қодир эмас эди...

## ФАВҚУЛОДДА САФАР

### 2000 йилга саёҳат

XXVI асрда Тошкентда яшаб ижод қилажак атоқли адиб Сардор Алломайдан 2000-йил арафасида Вақт мошинаси ёрдамида олинган интервью.

Соат роппа-роса ўну нўл-нўлда ишхонамга кириб, энди жойимга ўтиргандим, видеоселектор майин ғириллаб ишлаб қолди. Ўша заҳоти ихчам қурилманинг жажжи кўзгучасида бош муҳарриримизнинг ҳорғин қиёфаси кўринди.

— Сафар Аҳмедович, — деди у вазмин оҳангда, — сизга муҳим вазифа бор.

— Қулоғим сизда, тақсир, — дедим сергак тортиб.

— Ўзингизга маълум, янги 2000 йил кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан келажакка саёҳат қилиб, пойтахтимизда бундан беш юз йил кейин яшаб ижод қиладиган забардаст ёзувчиларнинг бири билан мусоҳаба қилиб қайтсангиз. Унинг исми шарифини олий даражали Бош Ахбор Мажмуидан билиб олишингиз мумкин. Лекин, илтимос, ёзажак нарсангизда ҳеч қандай уйдирмага йўл қўйманг. Сизни тахайюлий ҳикоя эмас, оддий интервью ёзиб келиш учун жўнатаётганимизни унутманг. Саволлар борми?

— Келажакка бугуноқ жўнасам бўладими?

— Бирор шошилинч ишингиз бўлмаса...

— Деярли йўқ. Икки нафар шеър билан бир илмийбадиий мақолани таҳрирдан чиқаришим керак, лекин улар анча дуруст ёзилган, шунинг учун таҳрирни компютерга ишониб топширмоқчиман.

— У ҳолда бугун жўнайверинг.

Мен бўлажак ажойиб саёҳатдан завқим тошиб, зудлик билан муҳаррир-компютерга дастур тайёрладим ва унинг хотира катакчаларига икки шеър ва мақолани киритдим-да, Бош Ахбор Мажмуи жойлашган хонага югурдим.

Бир қанча ранг-баранг тугмаларни босиб, асбобни керакли тўлқинга созлагандим, яримўтказгич ускуна-

ларининг «шиғир-шиғир»ларидан сўнг йўғон темир овоз эшитилди:

— Олий даражали «Тошкент» Бош Ахбор Мажмуи хизматингизга мунтазир.

— Менга, оғайни, 2598 йилда ҳозирги пойтахтимизда яшаб ижод қилиши лозим бўлган энг зўр ёзувчининг исм-шарифини айтиб юборгин!

— Вазифа тушунарли, — дона-дона қилиб деди Ахбор Мажмуи. — Жавобни бир сониядан сўнг оласиз.

Курсига яхшироқ жойлашиб улгурмасимдан яна темир овоз янгради:

— Сардор Алломаий. Олтмиш беш ёшда. Икки юзга яқин роман, қисса ва пьесалар муаллифи.

— Раҳмат, биродар! — Ахбор Мажмуини ўчириб, зудлик билан Вақт мошинаси жойлашган хонага отландим. Йўл-йўлакай рафиқамга видеотелефон орқали келажакка кетаётганимни айтиб қўйдим. Хавотир олиб юриши мумкин-да.

Менинг ғаройиб самовий сафарим ана шу тарзда бошланди.

* * *

Орадан чорак соат ўтмай мен охири йўқдай туюлувчи тор қувур бўйлаб қуюндай учиб борардим. Осмонга учаяпманми, ер остигами — ўзим ҳам билмайман. Бир маҳал онгим туман оғушига чўмиб, ҳушимни йўқота бошлаганимни сездим. Ўзимга келганимда, яна Вақт мошинаси бошқарув хонасида ўтирардим. Қаршимдаги гуж-гуж митти чироқлару электрон ва позитрон хабар бергичлар милтиллаб ёниб-ўча бошлади. Бир дақиқадан сўнг бошқарув хонаси эшиклари икки томонга очилиб, остонада оқ халатли, қадди-қомати келишган, чакка сочларига кумуш ранг оралаган, дароз бир одам пайдо бўлди. Афтидан, бу XXVI аср Хрономарказининг масъул ходимларидан бири эди.

Бундай хрономарказлар, умуман, вақт бўйича инсон авлодларининг ўзаро мулоқоти бизнинг асримиздан то XXX асргача тўла жорий қилинган, лекин ўттизинчи асрдан у ёғига яшаяжак авлодларимиз билан, афсуски, ҳали алоқа ўрнатиб улгурмагандик.

— Хуш келибсиз, марҳамат! — деди у менга очиқ чеҳра билан самимий жилмайиб.

— Журналист Сафар Комилов, салом! — дедим мен ўзимни таништириб.

— Хурсандман, яхшимисиз! — бошини хиёл эгиб таъзим қилди мезбоним. — Руслан Раҳим. Хрономарказ навбатчиси.

У мени карантин муддатини ўташим лозим бўлган хонага бошлади. Бу орада ҳамроҳимнинг асли Фарғона водийсидан эканлигини, ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва татар тилларида, шунингдек, инглизча ва француча бемалол гаплаша олишини билиб олдим. У эса менинг шахсиятим билан қизиқиб, нима мақсадда ташриф буюрганимни суриштирди. Буни билгач, дарров ўз даврининг атоқли адиби билан видеофон орқали алоқа ўрнатди.

Хуллас, орадан бир неча фурсат ўтгач, биз Сардор Алломаий билан зилол сувли Анҳор соҳилида, қадимий забардаст чинор ва қайрағочлар соясидаги озода йўлак бўйлаб ёнма-ён одимларкаимиз, қизғин суҳбат бошлагандик. Ўрмонни эслатувчи соҳил, осмони-фалакка бўй чўзиб, енгил шабадада барглари худди ўзаро шивирлашаётгандек оҳиста чайқалаётган мағрур дарахтлар, кўҳна Тангри Тоғларининг Чирчиқ орқали шу ергача етиб келган кўм-кўк, ҳаётбахш сувининг сокин шовуллаши суҳбатимизга ажиб бир файз бағишлар эди. Анҳордан уч юз газча нарида эса, бамисоли фалакни елкасида кўтариб турган устунлардек, осмонўпар бинолар қатори бошланарди.

— Шундай олис жойдан фақат мен билан мусоҳаба қилиш учун келганингизга сира ишонгим келмаяпти, — дейди ўйчан нигоҳли, чеҳрасидан саховат ва нуронийлик ёғилиб турган Сардор Алломаий. — Вақт машинаси, хроноскоп — булар яхши нарсалар, албатта. Лекин биз ёзувчиларнинг ҳам ўз вақт машиналаримиз бор. Булар—бизнинг китобларимиз. Яхши китоблар одатда ҳамиша барҳаёт ва асрлар оша келажакка саёҳат қилаверишади. Масалан, олис ўтмишимизда яшаб ўтган буюк мутафаккирлар ва шоирлар Навоий, Бобур, Лутфий... ёки сизнинг замондошларингиздан Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Одил Ёқуб, Абдулла Ориф ва бошқалар ҳеч қандай вақт машинасига муҳтож эмаслар. Ажойиб китоблари туфайли бу улуғ зотлар ҳаёт йўлининг ҳар бир сўқмоғи, ҳатто бизнинг замондошларимизга ҳам яхши маълум. Лекин сиз... саволингизни беринг.

— Мен мақоламга «XXVI аср Тошкенти» деб сарлавҳа қўймоқчиман.

— Менимча, сал қуруқроқ. Лекин мусоҳаба учун бўлади. Демак, мен ҳозир Тошкент ҳақида гапириб беришим керак экан-да. Хўш, гапни нимадан бошласак экан? Умуман, биз ҳозир келишиб олишимиз керак. Чунки сизга ҳозирги Тошкент билан боғлиқ ҳамма гапни айтиб беришим учун бир ой суҳбатлашиш ҳам камлик қилади. Яхшиси, гапни шаҳримизнинг одамларидан бошлай қолай. Негаки, биз, адабиёт аҳли, ҳамма замонларда ҳам ҳазрати инсонни мадҳ этиш, унинг руҳий-маънавий оламини таҳлил ва тадқиқ қилиш билан машғул бўлганмиз.

— Фикрингизга қўшиламан. Инсон тафаккури яратган барча ноёб техника воситалари, мураккаб кибернетик ва ҳоказо қурилмалар, барча моддий неъматлар биринчи навбатда унинг маънавий ва интеллектуал оламини бойитишга қаратилган.

— Доно фикр, — гапида давом этди Сардор Алломайи қўлларини орқага чалиштирганча шошилмай олдинга юрар экан. — Албатта, мен сизга булар ҳақида ҳам гапириб бераман, яъни Тошкентнинг бугунги қиёфаси, унинг Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрен, Бекобод сингари шаҳарларни ўзига қўшиб мегалополисга айланганини, ҳозир ўн беш миллион аҳолига эга экани сингари далолатлар сизни қизиқтиришини биламан. Айни пайтда шаҳарни бошқариш, унинг яқин тарихи, фани, маорифи ва адабиёти ҳам сиз учун иккинчи даражали гаплар эмас, албатта.

Лекин, модомики мусоҳаба учун ёзувчини танлаган экансиз, демак, сизни биринчи навбатда Тошкентда истиқомат қилувчи XXVI аср одамлари, уларнинг маънавий, ақлий ва руҳий камолот чўққиларига қандай кўтарилганлари, қисқаси, тафаккур тарихи қизиқтиради. Биз суҳбат мавзуимизни шундай белгиласак, назаримда, янглишмаган бўламиз.

Уйғун камол топган ҳозирги инсоннинг маънавий қиёфасини тўғри тасаввур қилишингиз учун эса, гапни олис тарихдан, яъни сиз яшаётган ва ҳатто ундан ҳам илгарироқ даврдан бошлашга тўғри келади.

Асрлардан бери сув балиқни қандай ўраса, одамзотни ҳам ахборот шундай ўраб келади. Денгиз остига тушаётган батисферанинг ичига кириб олиш учун арзимаган ёриқ, миттигина туйнукка интилаётган сувга

ўхшаб, ахборот ҳам бизнинг кўзларимиз, қулоқларимиз, қўйингки, барча аъзоларимизни «ўраб-чирмаш»га, онгимизга ёриб киришга интилади. Йиллар ўтгани сари ахборот ҳам кўпаяверади. (Қамина бу ерда асосан маданий, эстетик ахборот — бадиий адабиёт, фильмлар, мусиқа ва ҳоказоларни назарда тутаяпман). Инсон руҳиятининг имкониятлари эса анча чекланган. Хўш, бу курашда ким ғолиб чиқади? Инсонми ё ахборотми? Бундай муаммо сизнинг даврингиздан анча илгари пайдо бўлганди.

— Тахминан, XX асрнинг иккинчи ярмидан, — қўшимча қилдим мен, — айни пайтда ўша давр олимларидан Берг: «Инсон ташқи дунё билан узлуксиз ахборий мулоқот туфайлигина фикр юрита олади. Ташқи дунёдан тўла равишда ахборий узилиш — савдойиликнинг бошланишидир», — деб ёзган эди.

— Балли. Ривоятларда айтилишича, кўҳна Шарқнинг машҳур мунажжими Мирзо Улуғбекдан, фалакиётшунослик билан шуғулланишнинг нима ҳожати бор, олис юлдузлар ҳақидаги билимлар кимга керак, ахир, уларнинг ҳозирги ҳаётимизга ҳеч қандай амалий фойдаси тегмайди-ку, деб сўрашган экан, ўзбек алломаси шундай деб жавоб берибди:

— Инсон ҳайвондан шуниси билан фарқ қиладики, у вақти-вақти билан бошини юқорига кўтариб, осмонни кузатиш эҳтиёжига эга.

Орадан неча юз йиллар ўтди. Лекин инсоннинг ахборотга муносабати ўзгармади. У ҳамон билимга ташна. ЮНЕСКОнинг «Номаълум оролга кетаётиб, ўзингиз билан нималарни олган бўлардингиз?» — деган сўровномасига жавоб берганларнинг 90 фоизи: «Китоб ва магнитофон», дейишган экан. Ҳар иккови ҳам бадиий ва эстетик ахбор манбаи.

Гап шундаки, юқори савиядаги маданий ахборни қабул қилиш инсоннинг ўзида чуқур ўзгаришларни юзага келтиради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу нарса инсоннинг маънавий-руҳий оламида теран бурилишларга олиб келади. Натижада у бутунлай бошқача одамга айланиши мумкин.

— Кечирасиз, қайси маънода?

— Бу инсоннинг қандай маданий ахборни ўқигани, эшитгани ёки кўргани билан боғлиқ масала. Унинг тафаккур даражасигина эмас, балки ахлоқий-маънавий фазилатлари, одамийлиги ҳам у қабул қилган ахбор-

нинг савияси, сифати ва сонига боғлиқдир. Ёшлигимда мен ҳам сизга ўхшаб ўтмиш ёки келажакка кўп саёҳат қилганман. Йигирманчи асрга қилган саёҳатларимнинг бирида кўҳна Тошкентдаги жиноятчилар, ўғрилар сақланадиган махсус қароргоҳларда бўлишимга тўғри келди. Мен уларнинг умрида ҳеч қандай китоб ўқимаган, маърифатдан ҳам узоқ, маданиятсиз одамлар эканини дарров пайқадим. Мени ҳайратга солган нарса шу эдики, бу ерда кечагина жиноятчи бўлган одамнинг маданий камол топишига жуда катта эътибор беришар экан. У ерда туппа-тузук кутубхона, кинозал, турли ижодий тўгараклардан ташқари, ўн йиллик ўрта мактаб ҳам бор экан. Унинг синфларида собиқ каллакесар, ўғри ва қаллоблар Ом қонуни нималигини, Беруний ким бўлганини, Навоий, Толстой ва Бальзакларнинг қаҳрамонлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтишни ўрганишар экан. Бу — одамлар руҳиятида тубдан бурилиш ясашга қодир ахбор эди, албатта.

— Кечирасиз, муҳтарам домла, гапни нимага тақамоқчи эканингизга унча ақлим етмаяпти? — тан олдим мен узрли жилмайиб. Чунки келажакка саёҳатим учун Вақт мошинаси ажратган вақт тугаб бораётган эди-да.

— Гап шундаки, азизим, инсон тафаккури маълум чўққиларни забт этган замонлардан буён унинг маданий ва маънавий савияси қанча кўп китоб ўқишига боғлиқ бўлиб келган. Ваҳоланки, шундай даврлар ҳам бўлганки, китобларни тезкор ахбор — рўзнома ва ойномалар, кейинроқ радио ва ойнаижаҳон сиқиб чиқаришига оз қолган. Айниқса, телевидение олдида китоб ўқиш кўп вақт талаб қилувчи машаққатли ишга айланган. Тошкентлик олим Ҳамид Абдусаидов бу ҳол боисидан ачиниш билан қуйидагиларни ёзганди: «Замондошларимиз кундан-кунга китоб ўқишни унутиб юборишаяпти. Улар бўш вақтларининг кўп қисмини чорбоғларда хордиқ чиқариш, уззукун ётиб ойнаижаҳонга тикилиш, маишатга берилиш билан ўтказаяптилар».

Уша давр учун бу фожеа эди, албатта. Лекин инсон аксарият ҳолларда ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқаришга ўрганган. Китобни ўқиш бир машаққат бўлса, уни нашр қилиш бешбаттар азоб эди. Шунга қарамай, одамзот асрлар давомида китоб нашр қилишдан чарчамади. Энди унинг олдида китобларнинг ойнаижаҳон билан рақобат қилишига қодир бўлган шаклларини яратиш вазифаси турарди. Бу мураккаб вазифа уч аср ав-

вал деярли тўла ҳал қилинди. Мазкур иш биринчи бўлиб Тошкентда амалга оширилди. Чунки у ҳозир дунёдаги энг йирик саноат шаҳарларидан бири бўлиши билан бирга микроэлектроника соҳасининг маркази ҳамдир.

— Демак, биз яшаган давр олимлари тахмин қилишганидек, жами китоблар пластинка, кассета ва кристалл шаклларига ўтказилибди-да?

— Балли. Бунда микроёзув ва микросуратга олишдан фойдаланилади. Босиладиган у ёки бу асар матни лазер ёрдамида пластинка ёки кристаллга ёзилади. Жажжи ўқиш қурилмаси уни истаган пайтда кўзга (экран)га тушира олади. Китоб бетларини махсус тугмаларни босиб «варақлайвериш» мумкин. Бу усулларнинг яна бир қулай томони шундаки, атиги митти ўчирғичдек пластинкага Алишер Навоийнинг «Хамса»си ва Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлиги» сиғиши мумкин.

— Қойил! — беихтиёр хитоб қилдим мен. — Демак, китоб ойнанжаҳон билан рақобатда барн бир ғолиб чиқибди-да?!

— Шундай, азизим. Лекин бу микроэлектроника ютуқлари туфайлигина эмас, балки одамларнинг китобга муносабатларининг яна ўзгарганлиги билан ҳам боғлиқ масала.

Мен бармоғимдаги кумуш узукни эслатувчи митти электрон соатимга қарадим. Режа бўйича яна ўн икки дақиқадан сўнг Вақт мошинаси бошқарув хонасида бўлишим керак эди. Шошилаётганимни пайқаган XXVI асрнинг таниқли адиби, гапим оз қолди, дегандек юпатувчи бир тарзда елкамга қўл ташлар экан, давом этди:

— Мен ҳали бизда ойнанжаҳон ҳам, рўзнома ва ойномалар ҳам бутунлай бошқача бўлиб кетганини айтиб улгурмадим. Масалан, ойнанжаҳон қоғоз варағидай қалинликда ва улар фақат яримўтказгич ашёлардан ясалган. Рўзнома чиқариш ускуналари эса ҳамманинг ўз уйида жойлашган. Рўзнома бетларининг тасвири махсус телстармоқ орқали юборилиши билан ҳар ким ўзи истаган рўзномасини «босиб» чиқараверади.

Кўраяпсизки, биз техника тараққиёти юксак чўққиларини забт этган даврда яшаяпмиз. Шу муносабат билан ўтган яқин асрларда одамлар ҳиссиётсизлик касалига мубтало бўлаёзишди. Бунга ҳамма нарсада рационалликка интилиш сабаб бўлганди. Чунончи, одамлар ўғил болалар ниҳоятда кўпайиб кетган, қизлар эса,

аксинча, жуда озайган даврларни ҳам бошдан кечиришди. Сабаби — табобат аҳли қиз ёки ўғил туғилишини ирсий йўл билан бошқариш мумкинлигини кашф этгач, Тошкентнинг саксон фоиз аҳолиси орқа-ўгитини ўйламай, ўғил туғилишини «ташкил» қилаверган эди. Натижада юзага келган ачинарли хол юқоридаги ажойиб кашфиётдан буткул воз кечишни тақозо этди.

Хуллас, гапираверсам, гап кўп, укажон. Қисқаси, бизнинг давримизга келиб Тошкент умумбашарий эзгулик ва инсонпарварлик гоялари тантана қилган буюк жамиятнинг илғор бўлаги, йирик саноат ва маданий марказлардан бирига айланган. Унинг меҳнатсевар ва бунёдкор одамлари эса, жисмоний, руҳий ва ижодий баркамоллик чўққиларига эришишган. Лекин инсоннинг уйғун тараққиёти учун булар ҳали етарли эмас. Бу соҳада биз ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Худди шу масалада сиз билан бизнинг ёзувчи сифатидаги вазифаларимиз ҳам гоятда залворли. Биз ўшандай ажойиб инсон тимсолини яратишимиз ва ўз китобхонларимизнинг кўксига оҳиста туртиб: «Мана бу яхши одам, ундан ибрат ол!» — дея хитоб қилмогимиз лозим. Токи бу хитобимиз унинг дил торларини чертиб, у ҳам ўзгаларга: «Бу яхши одам, ундан ибрат ол!» — дейдиган бўлсин.

Менинг тўхтаганимни пайқаган Сардор Алломаий ҳам қадамини секинлатди. «Майли, кечикманг», дегандай жилмайиб, оҳиста қўлини кўтарди.

— Мароқли суҳбатингиз учун катта раҳмат! — қичқирдим мен кескин бурилиб, Вақт мошинаси сари югурарканман. — Бизга ҳам меҳмон бўлиб албатта боринг!

— Раҳмат, укажон, — жавоб берди XXVI асрнинг атоқли адиби орқамдан самимий қўлини силкитиб.— Ҳамшаҳарларингизни менинг номимдан кириб келаётган янги аср билан табриклаб қўйинг! Чин дилдан!..

— Албатта! Муҳтарам домла!.. — мен Вақт мошинаси қошига жўнаб кетишим лозим бўлган вақтга роппа-роса бир дақиқа қолганда етиб бордим. Сардор Алломаий билан яна бир бор қўл силтаб хайрлашишга улгурсам бўлади, деган ўйда орқамга ўгирилдим. Ажабо, асрлар оша таниқли адиб Анҳор соҳилида зич ўсган чинор ва қайрағочлар орасига кириб гойиб бўлганди. Анҳорга ўгирилиб, бирдан зилол сув сатҳидан унинг ҳали ҳам жилмайиб турган қоматдор гавдасини кўргандай бўлдим. Назаримда, у ҳамон менга қўлини силтар экан: «Бу яхши одам, ундан ибрат ол!» — дея хи-

тоб қилаётгандай эди. Унинг бу хитобини жуда кўпчилик эшитди, лекин жуда кўпчилик энди эшитади.

Мен икки томонга очилган Вақт мошинаси эшиги орқали дадил ичкарига одимладим. Кайфиятим ўта чоғ эди.

## МУНДАРИЖА


Жодугарнинг эри. *Мистик-фантастик қисса* . . . . . . . 3
Фаришта ташрифи. *Фантастик киноқисса* . . . . . . . . 43
Мутамах. *Илмий-фантастик ҳикоя* . . . . . . . . . . . 92
Оловдан чиққан одам. *Фантастик новелла* . . . . . . . . 112
Иблис билан мулоқот. *Мистик ҳикоя* . . . . . . . . . 123
Фавқулодда сафар. *2000 йилга саёҳат* . . . . . . . . . 132

**Ҳожиакбар ШАЙХОВ**

**ЖОДУГАРНИНГ ЭРИ**

***Фантастик қисса ва ҳикоялар***

Мусаввир *Хуршид ЗИЕХОНОВ*
Расмлар муҳаррири *Ю. ГАБЗАЛИЛОВ*
Тех. муҳаррир *У. КИМ*
Мусаҳҳиҳ *Ш. СОБИРОВА*

Босмахонага берилди 3.09.98. Босишга рухсат этилди 2.12.98 Бичими $84 \times 108^1/_{32}$. Юқори босма. Шартли босма табоғи 7,50. Нашр табоғи 7,57. Жами нусха 5.000 137-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 67—98 рақамли шартнома.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

Ш 18

Шайхов Ҳ.
Жодугарнинг эри: Фантастик қисса ва ҳикоялар.—Т
«Ёзувчи», 1999.—144 б.

Таниқли ёзувчи, ўнлаб илмий-фантастик ҳикоялар, қиссала
пьесалар ва романлар муаллифи Ҳожиакбар Шайховнинг уш
янги китобига унинг сўнгги йилларда ёзган асарлари жамла
ган.

Адибнинг «Жодугарнинг эри» номли мистик-фантастик қисс
сида воқеалар асосан яқин хорижда кечади, унда шўролар да
ридаги қатағонлар, фирқа амалдорларининг оддий халқ, фуқа
устидан юритган истибдоди, зулм ва жафолари ўз инъикоси
топган. Уша даврдаги тоталитар тузумнинг аксилинсоний м
ҳаяти фантастика, мистика усул ва унсурларидан моҳиро
фойдаланган ҳолда аёвсиз фош этилади.

Ёзувчининг «Фаришта ташрифи» киноқиссаси, «Мутама
«Оловдан чиққан одам» номли ҳикояларида ҳам воқеалар Е
дами, Коинотдами ёки руҳлар дунёсида кечишидан қатъий н
зар, замонамизнинг долзарб ижтимоий, экологик ва маънав
муаммолари кўтарилади, кескин сюжетли шиддатли воқеал
жараёнида комил инсон тимсоли бадиий истифода этилади.

Ўз